1972/5

ГУЛИСТОН

5
1972

Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши тинчлик, демократия ва социализм учун курашида халқаро бирдамлик куни!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун актив курашингиз! СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган социалистик мусобақада янги муваффақиятлар билан нишонлайлик!

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май чақириқларидан

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

№ 5 (65) 1972

Май

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

БАЙРАМ ҚЎШИҒИ

Гуллар чайқалишар хуш атир сочиб,
Булбул чаҳ-чаҳида сўнгсиз хислатлар.
Қалбим субҳидамда ногоҳ кўз очиб
Қанот қоқаётган қушни эслатар.
Еллар қизлар сочин ўйнайди тинмай,
Бугун — Биринчи Май!

«Байрам муборак!» деб чулдирар анҳор,
Барглар қувончидан қарсак чалади.
Шўху серқаққаҳа, тегажоқ баҳор,
Жўшқин болаликни эсга солади.
Киши енгил тортар кўкка учгудай,
Бугун — Биринчи Май!

Бола табиатли юз яшар бобо,
Набираси билан шар учиради.
Очиқ кўксин ўпар ёқимтой сабо,
Багрига соф ҳаво сингиб киради.
Дейди: «Замонадан ўргулай, ҳай-ҳай!»
Бугун — Биринчи Май!

Дўсту ёронларга улашамиз гул,
Севинч нашъасидан мижжаларда нам.
Байрамга чиқамиз бериб қўлга-қўл,
Кўклам завқидан маст кекса ҳам, ёш ҳам.
Серханда лабларда наво қилар най,
Бугун — Биринчи Май!

Эргаш ЁНДОШЕВ

Ягона оилада

УШАЛГАН ОРЗУЛАР

1972 йил — мамлакатимиз халқлари ҳаётида унутилмас юбилей йилидир. Бундан эллик йил муқаддам Москвада бўлиб ўтган Советларнинг Бутуниттифоқ Биринчи съезди Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — СССРнинг ташкил топганлиги тўғрисида Декларация ва Шартнома қабул қилган эди.

Совет халқлари ва элатлари, юзаки қараганда, бор-йўғи ярим асрдан буён қардош халқларнинг ягона оиласида ҳаёт кечирмоқда. Бироқ ана шу тарихан қисқа муддат ичида мамлакатимиз барча халқларининг озодлик ва тенглик, фаровон турмуш, юксак маданий ҳаёт ҳақидаги асрий орзу-умидлари рўёбга чиқди. Қонқардошлик ва мустаҳкам ҳамкорлик кўп миллатли совет халқига немис-фашист босқинчиларига қарши буюк жангларда зафар қозониш имконини берди. Синовлардан ўтган ана шу дўстлик қонуни бугунги кунда жаҳонда тинчликни барқарор қилиш ва ёрқин келажак барпо этишда ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз қудрати тобора ошиб, ҳаётимиз кун сайин фаровонлашиб бормоқда. Бу — совет халқлари улуғ дўстлигининг гўзал самаралари натижасидир.

Совет Ўзбекистони эришаётган улкан муваффақиятлар фикримизнинг ёрқин исботи бўла олади. Фақатгина бир йил — тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида республикада 21 миллиард киловатт-соатдан зиёд электр қуввати ҳосил қилинди. 399 минг тонна пўлат эритилди, 1 миллион 752 минг тонна нефть, 33,6 миллиард кубометр газ, 3 миллион 812 минг тонна кўмир қазиб олинди... Халқ хўжалигимиз минглаб янги пахта териш машиналари, тракторлар, экскаваторлар, юзлаб тўқимачилик машиналари, кўтарма кранларга эга бўлди... Мана, моддий маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасини кўрсатадиган ёрқин далиллардан яна бири: ўтган йили пахта далаларидан 4 миллион 511 минг тонна ўзбек «оқ олтин»и йиғиб олинди. Ҳосилнинг 1 миллион 837 минг тоннаси Ватанга машиналарда териб топширилди.

Йирик саноат ва қишлоқ хўжалик ўлкаси — Совет Ўзбекистонининг бугунги кундаги қиёфаси ана шундай. Ҳолбуки, СССР ташкил топган 1922 йилнинг май ойида «Туркестанская правда» газетаси ўша даврдаги Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволини ҳар қандай рақамлардан ҳам равшанроқ ифодалаб бера оладиган факт ҳақида маълум қилган эди. «Главтекстилдан,— деб ёзган эди газета,— ўзбек деҳқонлари учун Стокгольмга кетмонлар буюртма қилингани ҳақида хабар келди...».

Ҳа, социалистик жамият биносини қуриш шу тариқа бошланган эди. Энг муҳими шундаки, улуғвор режаларни совет халқлари ҳар бири айрим-айрим ҳолда эмас, балки ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб амалга оширишга киришган эдилар. Бу дўстлик, самимият кўп миллатли ишчи-деҳқон мамлакатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин закосининг самараси эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан анча аввал Россия империясининг барча ўлкаларида инсоният ҳаётидаги янги, социалистик принциплар тантанаси йўлида илғор кишиларнинг бирлашиш, уюшиш жараёни бошланган эди. Асрлар мобайнида зулм исканжасида азоб чекаётган Урта Осиёни ҳам Ленин тафаккурининг ҳаётбахш ёғдуси ёритди. Ленин юборган йўлчилар — рус коммунистлари тимсолида ўзбек ишчи-деҳқонлари озодлик ва нон, бахтли ҳаёт, инсон деб аталиш учун олиб бораётган курашда ишончли ва тажрибали раҳнамо топдилар.

СССР ташкил топганлиги кенг нишонланаётган ушбу юбилей йилида Владимир Ильич Ленинниг 1920 йил бошларида Туркистон фронти Қизил Армиясининг вакили билан қилган суҳбатини эслаш ғоят ўринлидир. Ушанда доҳий Коммунистик партия Шарқдаги сиёсатининг муваффақияти Тошкентдаги ишларнинг оқилона йўлга қўйилганлигига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Туркистон меҳнаткашларига йўлланган бошқа Ленин ҳужжатлари — хатлар, телеграммалар ҳам кўпчиликка маълум.

Уларнинг барчаси халқларимизнинг интернационал ҳамжиҳатлиги ва қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижодий кучлари туганмаслигига буюк ишонч руҳи билан суғорилган.

Коммунистлар партияси Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, ўзининг X ва XII съездларида миллий ўлкаларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқлигига барҳам бериш программасини ишлаб чиқди. Меҳнаткаш деҳқонлар манфаатини кўзлаб ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Сал кейинроқ амалга оширила бошлаган қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришнинг муваффақиятли тугалланиши ирригация иншоотлари қуриш ва суғориладиган ерлардан мўл-кўл ҳосил олиш учун имкониятлар яратди. Айни шу йилларда халқимизнинг буюк жасоратларга отланганлиги бежиз эмас.

1939 йилнинг кўкламидаёқ Фарғона меҳнаткашлари ўз кучлари билан 17 кунда 32 километрли суғориш канали қазидилар. Шу йилнинг ёзида эса Ўзбекистоннинг 160 минг, Тожикистоннинг 20 мингдан зиёд колхозчиси Катта Фарғона канали трассасига кўнгилли равишда отландилар. 45 кун ичида 334 километрли сув йўли барпо этилди!

Бундай улуғ жасорат жаҳон тарихида биринчи марта содир бўлди: неча-неча замонлардан бери фақат орзу қилинган улкан наҳр оддий кетмон ва чўкичлар ёрдамида бир ярим ой ичида бунёд этилди!

Бу оламшумул ғалабанинг омилларидан бири яна халқларимизнинг ленинча дўстлиги бўлди. Катта Фарғона канали қурувчилари сафида ўзбеклар ва тожиклардан бошқа руслар ва қозоқлар, украинлар ва татарлар, қирғизлар ва туркманлар, хуллас, мамлакатимиздаги қарийб барча халқларнинг вакиллари қўлни-қўлга бериб тер тўкдилар.

Йиллар ўтиши билан қадимги Ўзбекистон тупроғида косибларнинг майда устахоналари ўрнига йирик саноат корхоналари — заводлар, фабрикалар, комбинатлар қад кўтарди. Жинчироқлар «Ильич чироқлари»га жойини бўшатиб берди. Омоч ва аравалар музей экспонатлари бўлиб қолди. Бепоён далаларда қудратли тракторлар ҳайқира бошлади. Эллик йиллик қисқа муддат мобайнида ярим феодал ўлка социалистик, саноатлашган деҳқончилик мамлакатига айланди.

Чунончи, Совет ҳокимиятининг дастлабки даврларида Владимир Ильич, бутун мамлакат 100 минг тракторга эга бўлса эди, деб орзу қилганди. Эндиликда биргина Совет Ўзбекистонида 100 мингдан ортиқ трактор бор. Барча қишлоқ хўжалик ва ер текислаш агрегатларини ҳисоблаганда республикамизда ярим миллионга яқин машина мавжуд. «Ўзбекистон» маркали пахта териш машиналарини фақат қардош пахтакор республикалар — Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Арманистондагина эмас, балки чет эллар — Афғонистон, Миср ва бошқа мамлакатларда ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Осиё ва Африканинг кўплаб мамлакатларига махсус компрессорлар, кўтарма кранлар, электрокабеллар экспорт қилади. Умуман, ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР завод-фабрикаларининг тамғаси босилган маҳсулотлар жаҳоннинг 90 мамлакатига жўнатилади!

Кейинги йилларда республика саноатида катта сифат ўзгаришлари юз берди, муҳим янги тармоқлар — олтин тозалаш, тракторсозлик саноати

«МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЮЗДАН ОРТИҚ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ КОММУНИСТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШ УЧУН БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА. СОВЕТ КИШИСИ АНА ШУ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИГА МАНСУБЛИГИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, АВВАЛО, БУЮК СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ГРАЖДАНИ ЭКАНЛИГИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ».

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» деб чиқарган қароридан.)

Тошкент области меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган ютуқлари учун иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. Суратда: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ Ш. РАШИДОВ областимиз байроғига Ленин орденини қадамоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

пайдо бўлди. Кимёвий толалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Машинасозлик, электротехника ва саноатнинг бошқа тармоқлари қудрати ошди.

Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида республиканинг миллий даромади 6 баробар ўсди, меҳнаткашларнинг реал даромади аҳоли жон бошига ҳисоблаганда беш процентдан зиёдроққа ортди. Турар жой ва маданий-маиший бинолар қуриш оммавий тус олди. Ўтган йилда 130 минг квартира газлаштирилди, шаҳар-қишлоқларда кўплаб мактаблар, шифохоналар, поликлиникалар, савдо дўконлари, маданият саройлари, кинотеатрлар қад кўтарди.

Бугунги кунда Ўзбекистон мактабларида уч ярим миллион нафар ўғил-қиз ўқимоқда. Олий ўқув юртларида эса 234 мингдан зиёдроқ студент фан асосларини эгалламоқда. Республикада 26 мингдан ортиқ илмий ходим тадқиқотлар олиб бормоқда.

Табиийки, Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда эришган бу юксак тараққиётни қардош республикаларнинг, энг аввало, Россия Федерациясининг беғараз ёрдамисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ҳар бир тармоғининг тараққиёт тарихи «Халқлар дўстлиги» деб аталган китобнинг бамисоли ёрқин бобларидир. Ҳар бир бобга қанчалар заррин сатрлар битилганини тасаввур этиб кўринг-а! Чунончи, замонавий металлургияни олайлик, Ўзбекистонда бу соҳани бошлаб берганлар рус усталари эди. Шуниси диққатга сазоворки, дастлабки пўлат эритилган пайтда обермастер М. Шелованов, пўлат қуювчилар Е. Майшев, П. Желяевлар ёнида уларнинг шогирдлари Б. Мирзамато в, А. Тошпўлатов, Ҳ. Ғаниевлар турган эдилар.

Республикамиз тўқимачилик саноати ҳам шу тариқа юксалди. Иваново-Вознесенск, Москва тўқимачилари миллий кадрлар тайёрлашда қардошлик ёрдамини дариғ тутмадилар.

Ўзбекистоннинг Ленинград машинасозлари, Донбасс шахтёрлари ва кимёгарлари, Волга ва Кавказ энергетиклари, Ўрта Осиё республикаларининг ирригаторлари, селекционерлар ва геологлари билан алоқаси мустаҳкам. Республика бинокорлари, монтажчи ва қидирувчилари Белоруссия автомобилчилари, Сибирь ўрмончилари, Болтиқбўйи радио-техникларидан ҳамиша миннатдордирлар.

Совет халқлари улуғ дўстлиги китобига 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин яна бир олтин боб қўшилди. Кулфатга дучор бўлган Тошкентга дарҳол барча қардош республикалар малакали бинокорлари ва қурилиш материаллари билан кўмакка шошилдилар. Ҳозирги пайтда қатор-қатор замонавий бинолар дўстлигимиз рамзи сифатида пойтахтимиз кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Худди шунингдек, Туркманистоннинг Чоржўй шаҳрини тошқин босган таҳликали дамларда, Доғистон ва Қирғизистонда зилзила хуруж қилганда Тошкент меҳнаткашлари ҳам қардошларимизга ёрдам қўлини чўздилар.

Янги Тошкентни барпо этиш эпопеяси кўп миллатли давлатимиз ҳаётига хос воқеадир. Республикамиз пойтахтини қайта тиклаш даври совет кишиларида дўстлик, қон-қардошлик туйғуси нақадар ўсганлигини яна бир карра ёрқин намойиш қилди. 1970 йилнинг сентябрида Тошкентда партия активининг республика йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев сўзга чиқиб, шундай деган эди:

«Бу улуғвор биноларни кўздан кечирар экансиз, Тошкент партия ташкилотлари ва бутун республика, Совет Иттифоқининг барча халқлари шаҳарни тиклашга нақадар улкан куч-ғайрат сарфлаганликларининг гувоҳи бўласиз... Менингча, шаҳар бўйлаб кезар экансиз, у, бизнинг ҳаммамизга халқлар дўстлигининг қудратини унутмасликка даъват этиб туради. Шу билан биргаликда шу шаҳарнинг бутун борлиғи Совет халқида халқлар дўстлиги туйғусини — интернационализмдек юксак туйғуни камол топтирган бизнинг партиямиз нақадар катта ишни амалга оширганлигини барала айтиб тургандай туюлади».

Дарҳақиқат, халқлар дўстлиги совет воқелигининг асл моҳиятига айланди. Фикримизнинг исботи учун икки тарихий фактни — 1916 ва 1941 йил воқеаларини қиёслаш кифоядир. 1916 йилда империалистик уруш айни қизиб турган пайтда рус чоризми Ўрта Осиё меҳнаткашларини мардикорликка сафарбар этиш тўғрисида фармон эълон қилди. Оқибат нима бўлди? Оқибат шу бўлдики, бутун ўлка бўйлаб мазлумлар подшо ҳокимиятига, золимларга қарши бош кўтариб чиқдилар, чоризм амалдорлари ва уларнинг малайларини даҳшатга солдилар. 1941 йилнинг июнида гитлерчи галалар Совет Иттифоқига бостириб кирган хатарли кунларда эса ўзбек халқи Ўрта Осиё ва мамлакатимизнинг бошқа халқлари билан биргаликда социалистик Ватан ҳимоясига отландилар, жанг майдонларида оммавий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Фронт орқасида ҳам фидокорона меҳнат авж олиб кетди. Турли миллат ва элатларнинг фарзандлари ягона оиланинг аъзолари каби бир жон, бир тан бўлиб, ёвуз душманга қарши курашдилар, ғалабани яқинлаштиришга ҳисса қўшдилар. Ўрта Осиё республикалари мамлакатнинг аслаҳахонаси, хом ашё ва озиқ-овқат қўрхонасига айланди, эвакуация қилинган миллионлаб болалар, кексалар, аёлларни иссиқ бағрига олди.

Бугунги кунда эса Ватанимизнинг барча халқлари коммунистик жамият биносини барпо этиш йўлида якдилликда куч-ғайрат сарфламоқдаларки, бу соҳадаги ютуқларимиз бутун оламга аёндир.

Республикамиз халқ хўжалиги тўққизинчи беш йилликда янада ривожланади. Бу тўғрида КПСС XXIV съезди Директиваларида аниқ-равшан айтиб қўйилган:

«Ўзбекистон ССРда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами 46—49 процент кўпайтирилсин. Электроэнергетика, рангли металлургия, кимё, газ ва енгил саноатни анча ривожлантириш таъминлансин. Олтин саноатини янада ривожлантириш таъминлансин, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида руҳ ва мис ишлаб чиқариш қуввати оширилсин». Хуллас, янги беш йилликда Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати янада юксалади. Маданияти гуллаб-яшнайди, коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссаси ғоят салмоқли бўлади.

Вячеслав КОСТИРЯ,

«МЕНИНГ ОЛТИН БЕНГАЛИЯМ...»

Машҳур ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагорнинг «Менинг олтин Бенгалиям, мен сени севаман» сатрлари билан бошланадиган шеъри Бангладеш (бенгаллар мамлакати) Халқ Республикасининг давлат гимнига айланди. Эндиликда, бенгал тили давлат тили сифатида мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитила бошлади. Энди Бангладеш радиоси ўзининг эшиттиришларини ҳам шу тилда олиб бормоқда. Халқаро анжуманларда, дипломатик музокараларда Тагор тили озодлик ва мустақилликнинг рамзи сифатида жаранглайди.

Шарқий бенгал халқи доим ўз озодлиги учун курашиб келар эди. Икки юз йил давомида инглиз мустамлакачилари уни зулм ва асоратда сақлади, миллий ҳисларини топтади, чинакам фарзандларини азобларди. Босқинчилар миллий-озодлик ҳаракатини бостириш билан бирга, ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасидаги миллий ва диний айирмалардан фойдаланиб, бу икки халқ ўртасидаги низоларни кучайтирдилар, бир-бири билан тотув яшашига имкон бермадилар. Бундай сиёсат мамлакатни талашдан иборат мустамлакачилик илатидан, босқинчиларнинг «Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил!» деган принципидан келиб чиққандир. Аммо ҳар қандай зулм, жабру жафолар ҳам халқнинг озодликка бўлган интилишини сўндира олмайди. Инсон эркинлик учун яратилган, у доим шунга интилади.

Шарқий бенгал халқи ҳам озодлик ва мустақиллик учун курашиб келди. 1947 йилда Ҳиндистон ярим оролидаги халқларнинг қудратли тўлқини натижасида инглиз империалистлари бу ердан думларини тугишга мажбур бўлдилар. Аммо икки аср давом этган мустамлакачилик ўзининг асоратини қолдирган эди. Диний айирма натижасида «Британия Ҳиндистони» сунъий равишда икки давлатга ажратилди. Бангладеш Шарқий Покистон деб аталиб, Покистон таркибига киритилди. Натижада Покистоннинг бир-биридан узилган Шарқий ва Ғарбий томонларини бир ярим минг километрга чўзилган Ҳиндистон мамлакати ажратиб қўйди. Ана шундан бошлаб Ғарбий Покистон буржуазияси Шарқий покистонликларни иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан камсита бошлади. Мамлакатда қашшоқлик, очарчилик, хонавайронлик кучайди. Ғарбий Покистонга нисбатан бу ерда аҳоли жон бошига ҳисобланганда, йиллик даромад 30—50 процент камайиб кетди.

Шарқий Покистон аграр мамлакат эди. Унинг асосий қишлоқ хўжалик экинлари: жут, шоли, шакарқамиш ва чойдан иборат. Аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулоти гуруч бўлиб, ҳар йили бу ерда 10 миллион тонна шоли олинади. Шарқий покистонликлар жаҳонда ишлаб чиқарилаётган жутнинг бешдан тўрт қисмини етказиб берадилар. Мамлакатнинг замонавий саноати фақат кейинги йилларгагина ривожлана бошлади. 200 мингдан ортиқ ишчи маълум даражада мамлакатнинг сиёсий ҳаётида қатнашмоқда. 75 миллион кишидан иборат Шарқий Покистон аҳолисининг 98 процентини бенгаллар ташкил этади. Бу халқнинг жуда қадимий маданияти, ўзига хос урф-одати бор. Кўриниб турибдики, территориал жойланиш, иқтисодий бирлигининг мавжудлиги, тил ва маданиятининг ривожланиши билан ҳам у мустақил давлат бўлиш имкониятига эга. Шунинг учун мамлакатнинг тақдири, бенгал халқининг келажаги ҳақида қайғурган тараққийпарвар кишилар ўз ватанининг озодлиги учун изчиллик билан кураш олиб бордилар.

1970 йилда Миллий Ассамблеяда мутлақ кўпчилик овозни олган Халқ лигаси раҳбари шайх Мужибур Раҳмон ўзининг программасини эълон қилган эди. Унда мудофаа ва ташқи муносабатларни Марказий ҳукумат қўлида сақлаган шу федерал давлат доирасида Шарқий Покистонга кенг сиёсий ва иқтисодий автономия бериш талаблари қўйилган эди. Бошқа демократик партиялар ҳам бу программани маъқуллаб, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, энг зарур саноат тармоқлари ва банкларни давлат қўлига олиш, йирик заминдорларнинг ерларини чеклаш, майда деҳқонлар ҳиссасини ошириш масалаларини ҳам кўтариб чиққан эдилар. Халқ лигаси ва бошқа демократик партиялар Покистоннинг барча мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон билан дўстлик муносабатларини тиклаш, СЕАТО ва СЕНТО ҳарбий-сиёсий блокларидан мамлакатни чиқариш талабини қатъий қилиб қўйган эдилар. Буларни тинч йўл билан амалга оширмоқчи бўлдилар. Аммо 1965 йилги Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қуролли тўқнашув, энг аввало, Шарқий Покистон экономикасини издан чиқарди, у ерда қимматчилик вужудга келди. Бу меҳнаткаш оммани нинг тинка-мадорини қуритди, зулм ва истибдодга қарши оммавий норозиликлар, иш ташлашларни кучайтирди. Яҳъёхоннинг реакцион ҳарбий режими Шарқий Покистонда қонли террорни бошлаб юборди, миллионлаб кишилар қувғин қилинди. Реакцион кучлар «ғазот» шамширини кўтариб, «ғайридин»лар мамлакати — Ҳиндистонга қарши «муқаддас уруш» бошлаб юбордилар. Уларга АҚШ империалистлари ёрдамга келди, Пекиндаги маочилар уларни қуроллар билан таъминлаб турди.

Бангладеш ҳукумат делегацияси Тошкентда.

А. АВАЗОВ, И. ДУШКИН фотоси.

Бу ёвузликка қарши озодликка чанқоқ бенгал халқи қўзғалди. Асосан ёшлардан тузилган «мукти баҳини» партизанларининг сони 150 мингдан ошиб кетди. Уларга ҳинд қўшинлари халоскорлик мададини берди. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар, жаҳон жамоатчилиги империализмнинг ҳар қандай найрангини, Покистон ҳарбий режимининг жинояткорона ҳаракатларини фош қилишда қатъий туриб маънавий ёрдам кўрсатдилар. Адолатли урушнинг ҳақлигига ишонган бенгал халқи тўққиз ойлик кураш натижасида ғалабага эришди. Мамлакатда халқ республикаси эълон қилинди.

Янги ҳаёт бошланди. Деҳқонлар яна ер ҳайдашга тушдилар, бозорлар илгариги дан гавжум бўлиб қолди, ўқувчилар мактабларни, студентлар аудиторияларни тўлдирдилар. Янги ҳукумат мамлакат олдида турган энг муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилишга киришди. Чунки уруш мамлакат экономикасини бутунлай издан чиқарган эди. 1971 йилнинг августида 55 жут фабрикаси ўз қувватига нисбатан 15—20 процент ишлар эди. Бангладеш ҳукуматининг энг муҳим тадбирларидан бири — ана шу корхоналар устидан назорат ўрнатиб, уларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш эди. Бу соҳада талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йирик саноат, ташқи савдо, банк, транспорт национализация қилинди.

Бангладешнинг қишлоқ хўжалиги ҳам бутунлай издан чиқиб, айниқса асосий озиқ-овқат маҳсулоти — гуручга бўлган талаб жуда кучайган эди. Йирик ер эгалари ҳиссаси камайтирилиб, кам ерли деҳқонларга ер бериш чоралари кўрилмоқда.

Маҳаллий иқтисодчиларнинг ҳисобича, уруш вайрон этган хўжаликларни тиклаш учун 20 миллиард рупия керак бўлар экан. Бунинг устига, 30 миллионга яқин бенгал уй-жойсиз қолган. Яҳъёхоннинг буйруғи билан 3 миллионга яқин киши қириб ташланган. Буржуазиянинг охуридан ем ейдиган фашистлар ташкилоти — «Албадор» каллакесарлари эса, Шарқий Покистоннинг минглаб энг яхши зиёлиларини отиб ташлагандилар. Ҳозирги кунда Бангладеш Халқ Республикаси олдида уруш оқибатларини, мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш ва мамлакат тараққиёти учун курашишдек ҳаётий аҳамиятга эга бўлган улкан вазифалар турибди.

Бангладеш ҳукумати ўз ташқи сиёсатининг асосий принципи — ҳарбий блокларга қўшилмаслик, жаҳондаги барча халқлар билан тинч-тотув ва дўстликда яшашдан иборат эканлигини эълон қилди.

Совет Иттифоқи барча давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва дўстликдан иборат тинчликсевар ташқи сиёсатига, шунингдек, халқларнинг ўз тақдирларини ўзи белгилаш принципига амал қилиб, Бангладеш Халқ Республикасини суверен давлат сифатида таниди.

Бангладеш Халқ Республикаси Бош министри шайх Мужибур Раҳмоннинг шу йил март ойида СССРга қилган визити ҳам Совет халқи билан Бангладеш халқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат этади.

Бангладеш халқи ўз олдида нақадар мураккаб вазифалар турганлигини яхши билади. У ёрқин келажакка қатъий ишонган ҳолда улуғвор вазифаларни бажариш учун отланган. Бенгал халқининг бу сиёсий активлигига 20 йиллик яширин ҳолатдан ошкора фаолиятга ўтган Бангладеш Коммунистик партияси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Фозилжон ИСМОИЛОВ

Ягона оилада

ЛАТВИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

В. РУБЕН,
Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси

ҒАЛАБАЛАРИМИЗ КАЛИДИ

В. И. Ленин чор Россиясини халқлар турмаси деб атаган эди. У ҳар бир халқ ҳатто энг кичик элат ўзини халқларнинг аҳил оиласида бутунлай эркин ҳис қилиши, кўпқиррали ижодий қобилиятини ҳар томонлама намойиш этиши учун бу турмани йўқотиш йўлларини кўрсатиб берган эди.

Халқлар дўстлиги принциплари республикамиз меҳнаткашлари турмушига чуқур сингиб кетди. Бу принциплар кишилар тақдирида, заводлар, шаҳарлар ва қишлоқлар тақдирида ўз ифодасини топган. Бундан йигирма йил муқаддам рус йигити Михаил Постнов Рига электр машинасозлиги заводига ишга келганди. У ўша даврда республикага донг таратган латиш ишчиси Мартин Чакстега шогирд тушган эди. Улкан қалб эгаси коммунист Мартин Чаксте ўспиринининг ҳақиқий тарбиячиси бўлди. Ишда бой тажриба орттирган ишчининг ёш токарь устидан оталиғи кейинчалик мустаҳкам дўстликка айланди. Бу дўстлик осонликча юзага келгани йўқ, албатта. Бу дўстлик кундалик оғир ижтимоий меҳнат, мунтазам равишда ўқиш-ўрганиш, тўғри хулоса чиқариш учун астойдил изланишлар, ўртоқларча қаттиқ танқид, барча ишда бир-бирига дўстона ёрдам натижасида юзага келди.

Мартин Чаксте ҳозир орамизда йўқ. Унинг шогирди машҳур ишчининг муносиб вориси бўлиб қолди. Михаил Постнов ҳам, Чаксте каби, ўз ишининг моҳир устаси, юқори малакали токарь, КПСС аъзоси. У, Чаксте каби, ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин орденн билан тақдирланган. Михаил Постнов ҳам, Мартин Чаксте каби, ССР Иттифоқи Олий Советига депутат қилиб сайланган.

Мана шу икки ишчи — латиш билан руснинг дўстлигида кўпмиллатли Ватанимиз халқлари ўртасидаги ўзаро алоқалар моҳияти акс этган.

Латишлар билан русларнинг дўстлиги жуда узоқ тарихга эга, бу дўстлик ҳар икки халқ ўртасида хўжалик, сиёсий ва маданий алоқалар бошланган даврга бориб тақалади. Латиш халқи ўз тарихининг энг оғир даврида, XII асрдан бошлаб, чет эл босқинчиларига, немис золимларига қарши кураш олиб борган даврда улуғ рус халқини ўзининг содиқ иттифоқчиси ва ҳимоячиси деб билди.

Халқларимиз ўртасида тарихан таркиб топган, революцион жангларда ва Улуғ Ватан урушида тобланган дўстлик Ленин ғояларини амалга оширишучун кураш йўлидаги кўп йиллик ҳамкорлик жараёнида янги, социалистик мазмун билан бойиди.

Республикалар ўртасидаги социалистик мусобақа халқлар дўстлигининг ёрқин ифодасидир. Бундай мусобақа бригадалар, цехлар, корхоналар, районлар ва шаҳарларга кенг ёйилди. Масалан, Латвия пойтахти меҳнаткашлари йигирма йилга яқин вақт давомда Минск, Таллин, Вильнюс, Тбилиси меҳнаткашлари билан мусобақалашмоқдалар. Қишлоқ районлари аҳолиси ҳам бир-бири билан мусобақада.

Ижодий алоқалар, тажриба, билим, фикр алмашиш кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, уларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига имкон беради, умумий мақсадга бирга боришларига кўмаклашади, бирликни мустаҳкамлайди. Мусобақа қатнашчилари ютганлар ва ютқизганлар гуруҳларига ажратилмайди. Бунда олсанг—камбағал қилиб қўймайсан, берсанг — камайиб қолмайсан, деган қоидага амал қилинади.

Қудратли давлатимиз халқларининг дўстлиги — марксизм-ленинизм асосидаги ғоявий жипслиги, мисли кўрилмаган ахлоқий-сиёсий бирликдир. Ягона социалистик Ватан—СССР, ягона иқтисодий база— план асосидаги хўжалик, улуғвор ягона мақсад — коммунизм бу дўстликнинг негизидир. Бу — бирдамликдаги турмуш, умумий кураш, умумий жасорат ва ғалабадир. Бу — дўстлик ўзаро қардошларча ёрдам, ишлаб чиқариш ва маънавий фаолиятда қўлга киритилган ютуқларни бойитиш демакдир.

Совет халқларининг бирлигида келажак дунёнинг ажойиб нишоналари ўзини кўрсатмоқда. Бизнинг дўстлигимиз ер юзида тараққиёт ва тинчлик таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ривожланишининг эллик йиллик тарихи давомида синовдан ўтди.

Улуғ Ленин бизга васият қилиб қолдирганидек, халқларнинг мустаҳкам дўстлиги — ғалабаларимизнинг жуда муҳим шартидир, ажойиб бугунимиз ва янада порлоқ келажагимиздир.

Латиш қизил ўқчилар полки Октябрь революциясининг алангали йилларида мисли сиз жасорат кўрсатиб, шон-шавкатга бурканган. Суратда: Рига шаҳрида латиш қизил ўқчиларига қўйилган ёдгорлик.

«Саркана бака» («Қизил маёқ») колхози балиқчиларининг овн бароридан келди.

Довюрак денгизчиларга ҳар қандай бўрон ва довуллар писанд эмас.

Латвиядаги йирик гўқимачилик комбинатининг бу улғор тўқувчисини фотомухбир «Замон санами» деб атаган.

Қишлоқ манзараси.



Гўзал Даугава соҳилларида.

Латиш ёшлари ўқишда, меҳнатда ва санъатда топқир. Суратда ригалик студент қиз.

Г. ЯНАЙТИС, О. МАРТИНСОН, У. БРИЕДИС, В. БРАУНИС, Л. БАЛАДИС, Г. БИНДЕ, В. УЛАСЕВИЧ, А. ШАПИРО, Ж. ЛЕГЗДИНЬ, А. ЭЗЕРИНЬ фотолари

Ирирк саноат корхонаси Рига вагонсозлик заводида чиқариладиган ЭР-25 электр поездлари чет мамлакатларда ҳам харид қилинади. Суратда Болгария Халқ Республикаси буюртмаси билан ясалган электр поездлар.



Рига тунида чироқлар жилваси.

Азиз ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография Давлат Комитетининг Раиси, Осиё ва Африка мамлакатлари Иккинчи халқаро Тошкент кинофестивалининг Бош директори

ҚИТЪАЛАР УЧРАШУВИ

Бундан тўрт йил муқаддам пойтахтимиз Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатларининг халқаро кинофестивали таъсис этилган эди. Шундан буён бу кинофестиваль «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида мунтазам равишда республикамиз пойтахтида ўтказиб турилади.

Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентдаги Иккинчи халқаро кинофестивали шу йил 24 майдан 2 июнга қадар бўлиб ўтади. Фестивалнинг Ташкилий Комитети Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева раҳбарлиги остида иш кўрмоқда. Фестиваль Бош дирекцияси тузилиб, унинг турли шўъбалари ташкил этилди. Ташкилий Комитет ва Бош дирекциянинг Тошкент ҳамда Москвада иш кўраётган ходимлари бу халқаро анжуманга қизғин тайёргарлик олиб бордилар.

Бош дирекция бир қатор Осиё ва Африка давлатлари кинематография ташкилотларига фестивалда қатнашмоқ учун таклифномалар йўллади. Жумладан, Мўғулистон Халқ Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Жанубий Вьетнам Халқ Республикаси, шунингдек, Ҳиндистон, Бангладеш, Япония, Покистон, Цейлон, Эрон, Туркия, Ироқ, Сурия, Ливан, Миср Араб Республикаси, Жазоир, Марокаш, Тунис, Сенегал, Гана, Шимолий Вольта, Мали, Нигер, Нигерия, Танзания, Эфиопия, Сомали ва қатор бошқа мамлакатларга ҳам даъватномалар жўнатилди.

Тошкент кинофестивалида Европадаги социалистик мамлакатлар ҳамда Куба республикасининг кинематографиячилари фахрий меҳмонимиз бўладилар. Ғарбий Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларидаги тараққийпарвар киносанъаткорлар ҳам фестивалга таклиф этилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро кинопродюссерлар уюшмаси, Халқаро киносценаристлар Иттифоқи — ФИПРЕССИ билан бошқа халқаро кино ташкилотлари ҳам Тошкент фестивалида иштирок этмоқдалар.

Тошкент фестивалининг энг фаол қатнашчилари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи киносанъаткорларидир. РСФСР, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбайжон, Грузия ва Арманистон киностудияларида ишланган фильмлар фестивалнинг асосий программасида кўрсатилади. Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва, Латвия, Эстония кино санъаткорлари эса ўз асарларини информацион программада намойиш этадилар.

Фестиваль кунлари Тошкентдаги «Спутник» кинотеатрида Совет Иттифоқи киностудияларида ишлаб чиқарилган янги фильмларнинг махсус кўриги ўтказилади. Бу кўрик СССР тузилганининг эллик йиллиги шарафига бағишланади.

Кинофестивалга келган барча санъаткорлар иштирокида муҳим ижодий суҳбатлар ўтказилади. Бу суҳбатларнинг мавзуи «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиоридан иборат бўлади. Стол атрофига давра қурган суҳбатдошлар ғоят катта аҳамиятга молик бу мавзуда эркин фикр юритадилар. Бу суҳбат Осиё ва Африка мамлакатлари кино санъати ва кўп миллатли совет кинематографияси ўртасидаги ижодий ҳамда ғоявий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беражаги шубҳасиздир.

Совет Иттифоқи жамоатчилиги ҳаётида ҳар икки йилда бир Москвада ўтказиладиган жаҳон кинофестивали алоҳида ўрин тутади. Бу фестивалнинг халқаро обрўйи, бой ва чуқур мундарижаси, ранг-баранг воқеаларга бой кундалиги, ташкилий жиҳатдан пухта ва юксак савияда эканлиги барчага аён. Тошкент халқаро кинофестивали ана шу улуғвор киноанжуманнинг ўрнакли тажрибаси асосида иш тутади.

Ташкилий Комитети ва Бош дирекцияси ҳар вақт ҳам жаҳондаги барча кинофестивалларнинг ишлари билан доимий алоқа ўрнатиш истагидадир. Шу йил март ойида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинорежиссёр Латиф Файзиев Тошкент кинофестивалининг вакили сифатида Шимолий Вольта мамлакатида бўлди. Бу ерда Марказий Африка мамлакатлари кинофестивали ўтказилган эди. Тошкент кинофестивали билан Африка мамлакатларининг бу киноанжумани ўртасида алоқалар ўрнатиш юзасидан айрим тадбирлар амалга оширилди. Худди шундай муносабатлар биринчи кинофестивалимиз вақтида Тунис мамлакатидаги Карфагенда муттасил ўтказиб турилади ган Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги мамлакатлар кинофестивали билан ҳам ўрнатилган эди.

Апрель ойида Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида биринчи бор халқаро кинофестиваль ўтказилди. Бу фестивалда қатнашган совет кино ходимлари делегацияси Теҳрон ва Тошкент кинофестивалларини ўртасида муносабатлар ўрнатиш тўғрисида бир фикрга келдилар. Тошкент кинофестивали вакиллари Ҳиндистон, Япония, Миср, Марокаш, Жазоир, Тунис, Эрон мамлакатларида бўлдилар. Улар бу мамлакатлар кинематографчиларининг Тошкент кинофестивалидаги иштироки тўғрисида фикр алмашдилар, тавсия қилинган фильмлар билан таништилар ва уларни танлаб олдилар.

Хуллас, Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентдаги Иккинчи халқаро кинофестивали Совет киносанъати билан жаҳон халқлари киносанъатлари ўртасидаги ижодий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим маданий тадбир бўлади.

МИЛЛИОНЛАР ГАЗЕТАСИ

«Правда»

60 йиллиги

Революциянинг дастлабки кунларида «Правда» газетасида «Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши» деган мақола эълон қилиниб, Шарқ пролетариати Совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлаётганлиги, Туркистон Автономияси буржуазияга зарба бераётганлиги таъкидланади.

Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида большевистик газета саҳифаларида республикамиз ҳаётига доир сиёсий, иқтисодий ва маданий темаларда материаллар чиқа бошлайди. Гражданлар уруши даврида Ўзбекистон меҳнаткашлари кўрсатган ёрдам мукаммал ёритилади.

«Правда»нинг бевосита ёрдами ва оталиғида 1917 йил 2 апрелда Тошкент ишчи ва солдатлар депутатлари Советининг органи «Наша газета» (ҳозирги «Правда Востока») ҳамда 1918 йил 21 июндан бошлаб «Иштирокиюн» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») чиқа бошлайди. Бу газеталарнинг шаклланиши ва ўсишида «Правда» жуда катта роль ўйнаган.

Севимли газета СССР тузилган йили Ўзбекистон республикасини ёритишга катта ўрин берди. 1922 йил 20 октябрда «Биринчи аёл қирғиз врачи» деб номланган хабарда Туркистон аёлининг олий маълумот олгани кўрсатилади. «Завод ишга туширилди» деган хабарда Андижонда ёғ заводи ишлай бошлаганлиги айтилади.

«Правда»да республикамиз ҳаёти ва унинг одамлари тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар Ўзбекистон ССР тузилгандан кейин яна кўп эълон қилина бошлайди. Фарғона воҳасидаги сув иншоотлари тўғрисида, индустриянинг муваффақиятлари ҳақида хушхабарлар берилади. 30-йилларда «Правда»да ишлаган Муҳаммад Ҳасанов янги ҳаёт довруғини куйлашга катта ҳисса қўшди. Унинг Ўзбекистон ҳақидаги материаллари тезтез чиқиб турар эди.

Беш йилликлар даврида газета саҳифаларида дўстлик, қардошлик оиласида камол топаётган Ўзбекистон тезтез кўриниб туради. Улуғ Ватан уруши йиллари ҳамда сўнгги тинч қурилиш даврида ҳам Ўзбекистон мадҳи «Правда» саҳифаларидан тушмайди.

Севимли газетамизнинг 1955 йил 24 август сонида эълон қилинган «Шоҳмад ва Баҳрилар оиласи» деган мақола ҳамон ёдимизда. Унда бир ўзбек оиласида 15 га яқин миллат фарзанди тарбияланганлиги ҳикоя қилинади. Бу оиланинг фарзандлари ҳозир коммунизм қурилишининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Анча йилдан буён «Правда» фототелеграф орқали Москвадан олиниб, Ўрта Осиё газетхонлари учун Тошкентда босилмоқда.

Карим НОРМАТОВ

* * *

Замонавий илғор техника ютуқлари туфайли бутун мамлакатимиз, шунингдек республикамиз газетхонлари ҳам «Правда»ни москваликлар билан бир вақтда ўқийдилар. Суратларда: УзКП МК нашриётининг зарбдор ишчилари телефотодан нусха кўчирувчи Ғ. Пўлатов (пастда чапдаги сурат), травмачи оператор В. Матузенко (ўнгда) ва ротация цехининг коммунистик бригада бошлиғи И. Мушинский ўртоқлар.

Г. ГРАФКИН фотолари

ПРАВДА

ПРАВДА

«ТОШКЕНТДАН КЎРСАТАМИЗ»

Гениал мутафаккир Алишер Навоий орзу қилган ойнаи жаҳон ҳозир ҳар бир хонадонимизнинг кундалик маънавий эҳтиёжига айланиб қолган. Эндиликда Тошкент телестудиясикўрсатаётган рангли программада томошабинлар табиат ва инсон ҳаётини турли ранглари, жилолари, товланишлари билан кўра оладилар. Телестудия дикторлари Насиба Иброҳимова билан Галина Мельникова томошабинларни навбатдагирангли кўрсатув билан таништиришмоқдалар.

Г. ГРАФКИН фотоси

ХАЗОН ЭМАС, ХАЗИНА

Инсоният бир неча минг йиллар муқаддам пахта толасини ёввойи ғўзалардан йиғиб, ундан фойдаланиб келган. Кейинчалик ғўза бошқа фойдали ўсимликлар қатори маданийлаштирилиб, пахта толаси олинадиган бирдан-бир ўсимлик бўлиб қолди.

Бодроқдек очилган бир туп ғўзани кўз олдингизга келтиринг. Табиат берган бу неъматнинг фазилатларини таърифлаш у ёқда турсин, ҳатто санаб саноғига етолмайсиз. Биргина пахтанинг ўзидан икки юз хил нарса олинади. Пахта толасининг 95—99 проценти соф целлюлозадан иборатдир. Пахтамизнинг шундай бебаҳолиги оламга аён. Шу сабабли бугун фақат оддий ғўза ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ғўзанинг 33 проценти пахта, 24 проценти ғўзапоя, 12 проценти чаноқ, 9 проценти илдиз, 22 проценти барг. Узбек олимларининг ғўза кимёвий таркибини ўрганиш соҳасидаги меҳнатлари самара бермоқда. Ғўза таркибини синчиклаб текширилганда, унда хилма-хил фойдали бирикмалар — органик кислоталар, углеводлар, полифенол, спирт ва турли витаминлар борлиги аниқланди. Ҳозир бу моддаларни халқ хўжалигида ишлатиш, улардан турли маҳсулотлар олиш устида иш олиб борилмоқда. Ғўзанинг ҳар бир ҳужайраси кимёгарлар учун гўё бир тилсимот. Ғўза баргининг ўзида олма, лимон, сут, аскорбин, каҳрабо сингари ўн етти хил органик кислота, тирик организм учун зарур бўлган аминокислоталарнинг деярли ҳамма тури бор экан. Унда кўп углеводородлар, яъни тетракозан, гексакозан, октакозан, триаконтан, дотриаконтан, гексатриаконтанлар ҳам борлиги маълум бўлди. Шунингдек, яна деканол, гексадеканол сингари юқори молекулали спиртлар, ошловчи моддалар ва бошқа органик бирикмалар ҳам топилди. Ғўза гулидан, чаноғидан, ғўзапоясидан, илдизидан жуда кўп доривор моддалар ажратиб олинди.

Олимларимиз ғўза баргининг каротинга, ўрнини бошқа моддалар босолмайдиган аминокислоталарга, оқсилларга бой эканлигини аниқлаб, уни чорва моллари ва паррандаларга қўшимча тўйимли — витаминли озуқа ўрнида бериш мумкинлигини исботладилар. Янгийўл «Биохимия» заводида ғўза баргидан, пахта заводлари чиқиндиларидан стимулятор — озуқа ачитқиси олиниб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланилмоқда.

Одатда, ўсимликда моддалар мураккаб аралашма ҳолида учрайди. Ҳар қандай моддани бирон ўсимликдан соф ҳолда ажратиб олиш машаққатли ишдир. Илмий ходимларимиз ҳозирги пайтда моддаларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Ғўза икки қулоқ бўлиб чиққандан то совуқ уриб, барги ерга тўкилгунга қадар ўсимликдаги моддаларнинг сифат ва миқдор ўзгаришларини ҳар ёқлама ўрганиш, такрор-такрор текшириш, қайта-қайта тажрибалар ўтказиш билан улар ғўзада жуда ажойиб моддалар борлигини аниқладилар.

Ғўза сирларининг очилишида, аввало, атоқли олим Обид Содиқовнинг хизматлари катта. У Ўзбекистонда етишиб чиққан биринчи кимё фанлари доктори. Кўп йиллар давомида Тошкент Давлат университетининг кимё факультетида Ўрта Осиё территориясида ўсадиган доривор ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва бу ўсимликлардан фойдаланиш ишини йўлга қўйдн. Обид Содиқов қўлида кўп кимёгарлар билим олиб, унинг раҳбарлигида бир неча фан докторлари, ўнлаб фан кандидатлари етишиб чиқди. У, Дехли, Банорас, Ҳайдаробод ва Европанинг кўплаб дорилфунунларида лекциялар ўқиган олим. Ҳозирги кунларда унинг номига Братислава, Нью-Йорк, Лондон, Токио, Оксфорд, Стокгольм, Будапешт, Прага, Гавана, Берлин, Париж каби шаҳарлардан хатлар келиб туради. Бу хатларни кўпинча ғўза кимёси устида олиб борилаётган илмий ишлар билан танишиш ва тажриба алмашиш ниятида бўлган олимлар ёзишади. СССРдагина эмас, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида Обид Содиқовнинг кўплаб шогирдлари бор. У СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республикамиз Фанлар академиясининг президенти.

Олим бундай юксакликка ёркин таланти, кўп меҳнат, изланиш ва машаққатлар, тинмай ўқиб-ўрганишлар туфайли эришди. Фанда у эришган самаралардан бири — ғўза баргидан лимон кислотаси олишнинг кашф этилиши бўлди. Тушунарли бўлиши учун, бу ўринда лимон кислотаси ҳақида қисқача айтиб ўтишга тўғри келади.

1784 йили Шелле деган кимёгар илк марта лимондан кислота ажратиб олган. Академик С. Костичев 1929-30 йилларда шакардан лимон кислотаси олиш йўлини топди. 1932 йилда А. Шмук ўз ходимлари билан биргаликда тамаки баргидан лимон ва олма кислотаси олиш усулини ишлаб чиқди. Аммо бу усуллар иқтисодий жиҳатдан жуда қимматга тушар эди. Шунинг учун лимон кислотасини осон ва арзон йўл билан олиш масаласи турар эди. Обид Содиқов раҳбарлигида кимёгарларимиз ана шу муаммога қўл уриб, лимон ва олма кислотасини ғўза баргидан олиш йўлини топдилар. Агар ҳар гектар пахтазордан ўрта ҳисобда 17 центнер барг тўпланса, шундан 100 килограмм кислота олинади. Ўзбекистондаги барча пахтазорларнинг кислота «ҳосили» йилига 100 минг тоннадан ҳам ортиб кетаркан. Зудлик билан ғўза баргидан кислота олиш технологияси ишлаб чиқилди. Бабушкино шаҳридаги никотин заводида сурункасига олти йил нуқул ғўза баргидан кислота олинди.

Кейинчалик олим Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожини, халқ хўжалигидаги аҳамиятини чуқур ҳис этган ҳолда асосий эътиборни шу соҳага қаратди. 1954 йили Обид Содиқов ташаббуси билан ўсимлик хом ашёси ва пахта кимёси институтида ғўза кимёси лабораторияси ташкил қилинди ва ғўза таркибини ҳар томонлама ўрганишга астойдил киришилди. Ғўза баргидан кислота олиш янада такомиллашди. Энди янги технология воситасида кислота олишни республикамизда ташкил этиш мўлжалланмоқда. Янгийўл шаҳридаги «Биохимия» заводида ана шу мақсадда янги технология асосида лимон ва олма кислоталари ишлаб чиқариш цехи қурилади. Бунинг сабаби энди барчага аён. Республикамиз пахтазорларидан йилига 3 миллион тонна барг ва 4 миллион тонна ғўзапоя йиғиб олиш мумкин. Бу — қурилажак корхонанинг оши билан нонидир. Тадқиқотчиларимиз таъбири билан айтганда, миллион-миллион тонналар хазон эмас, хазина!

Обид Содиқовнинг шогирдларидан А. Исмоилов, А. Каримжонов, А. Турулов, Б. Буртман, Б. Мақсудова, Н. Барам, Е. Бузицкова, Ҳ. Исаев ва бошқалар ғўзанинг кимёвий таркибини ҳамда ғўзадан олинадиган қимматбаҳо маҳсулотларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиш йўлида фанга ажойиб янгиликларни тақдим қилмоқда. Лабораторияда ғўза чиқиндиларидан ҳар хил моддалар олиш билан бирга, микроорганизмлар ҳам синчиклаб ўрганилмоқда. Бунинг илк самарасини Ўзбекистон тупроғидан ажратиб олинган замбуруғ ёрдамида техник шакар ва мелассдан итакон кислота олиш мисолида кўришимиз мумкин: бу кислота ҳозир Навоий шаҳридаги кимё комбинатида ишлаб чиқарилаётган сунъий нитрон толасининг энг зарур таркибий қисмидир. Мамлакатимизнинг Рига, Черкеси ва Олайне заводларида итакон кислота Содиқов усули асосида олинмоқда.

Бугунги кунда лаборатория янги ва мукаммал техника билан жиҳозланган. Устоз ва шогирдлар бунда «қилни қирққа ёриб» тадқиқотларини давом эттирмоқдалар. Яна бир ажойиб янгилик кашф этилди. Ғўза илдизи ва чигитида антиоксидант хоссасига эга, назарий ва амалий жиҳатдан анча аҳамиятли бўлган госсипол борлигини аниқлашди. Ўзбекистондаги хом ашёдан йилига 13 минг тонна госсипол ва бошқа қимматбаҳо бирикмалар олиш мумкинлигини айтишмоқда. Улар ёғ-мой заводларида мойнинг чиқиндисидан госсипол олиш технологиясини яратдилар.

Кейинги йилларда лаборатория ходимлари ёғ заводларидаги чиқиндилардан фойдаланишга катта эътибор бермоқда. Ёғ рафинация қилинганда ҳосил бўлган (50 процент) «соапсток»дан тоза ёғ кислоталари ва улардан толани мўмлаш учун ишлатиладиган сиртқи актив моддалар олиш устида иш олиб бормоқдалар. Чигитдан ёғ олиш ва тозалаш жараёнида мол, қўй, ёғоч ёғларида учрамайдиган, киши организми учун жуда зарур бўлган бирикмалар олиш йўлларини изламоқдалар.

Обид Содиқов бошчилигида кашф этилган янгиликлар давлатимизга эллик миллион сўм фойда келтирибди. Унинг фанга қўшган илмий-назарий кашфиётлари бу ҳисобга кирмайди, албатта. Чунки ҳақиқий илмий кашфиётнинг баҳоси фақат пул билан ўлчанмайди. «Обид Содиқов мактаби», «Собир Юнусов мактаби» деган иборалар нинг кимё оламида тез-тез учраши — бизнинг шонимиз, ифтихоримиз! Асил хазинамиз мана шулардир.

Бекмирза МАҲМУДОВ

Фан — халқ хизматида

ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ



Ленин хиёбонида қад ростлаган ўн тўққиз қаватли бинони москвалик бинокорлар қуришди.

Москвалик бинокорлар бунёд этган Ц 1 квартали.

Украин қардошларимиз тиклаган ҳашаматли турар жойлар.

В. ТАРАН фотолари

«Ўзбек халқининг минг-минглаб шонли фарзандлари — пиёда аскарлар, тўпчилар, учувчилар, танкчилар, снайперлар, разведкачилар Ватаннинг шон-шуҳрати ва озодлиги учун жанг қилдилар. Улардан кўпларининг номлари ва, аввало Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, Усмонов, Эргашев, Бобоев, генераллардан Раҳимов, Узоқов, Норхўжаевларнинг номлари тарихга ўзбек халқи фарзандларининг ҳарбий шавкат ва шуҳрати намунаси бўлиб ёзилиб қолади».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЭРТАК ВА ҲАЁТ

Хотини вафот этди-ю, Норхўжа калавасининг учини бутунлай йўқотиб қўйди. Қандай яшамоқ керак? Болаларни энди нима билан боқади? Рўзғорда бўлса на қоққанда қозиқ, на осганда хурмача қолган...

Баъзан Норхўжа кечалари, хира ёритилган хонадаги сандал атрофида, болаларнинг кўнглини очиш ва таскин бериш умидида уларга ажойиб-ғаройиб саргузаштларга бой эртаклар сўзлаб берар эди. Одатда бу эртаклар бахтли хотима билан тугар, етим ёки камбағал боласининг бошига бахт қуши қўниб подшо бўлар, энг камида султоннинг қизига уйланар эди.

— Парвардигорнинг ўзи сизларга албатта яхши ҳаёт ато этади,— дерди Норхўжа.— Мана, диққат қилинглар: бизнинг оиламиз ҳақида ҳам барча эртакларнинг бошланишидаги каби сўзларни айтиш мумкин. Бир бор экан, бир йўқ экан, чол билан кампир ўтган экан. Уларнинг ўн икки ўғил ва бир қизлари бўлган экан. Хўш, ўзларинг айтинглар, эртак бўлса, шунчалик бўлзрда. Карвонларини олдига солган савдогарларру ҳад-ҳисобсиз бойликларга эга бек ва амирлар, тахтда оқ подшо — атрофимиздаги ҳамма нарса эртаклардагининг худди ўзику!..

Қашшоқ Норхўжа фақат эртакнинг муқаддимасинигина ўйлаб топган эди. Кўп ўтмай фарзандларига шу муқаддимадан бошқа ҳеч нарса мерос қолдиролмай ўлиб кетди. Эртакни унинг ўрнига ҳаётнинг ўзи давом эттирди. Мен эртакнинг ана шу қисмини ҳикоя қилмоқчиман. Норхўжа ака эртакларининг қаҳрамонлари каби, оиладаги энг кичкина, меҳр-муҳаббат ва шафқатга ҳаммадан ҳам муҳтож Файзуллани бу ҳикоянинг қаҳрамони қилиб оламан.

Шундай қилиб, Чустдан сал нарида, ўзбек типроғида, Қизилтепа қишлоғида бир чол-кампир ўн икки ўғил ва бир қизи билан яшар эди. Энг кичкина ўғилларига Файзулла деб ном берган эдилар. У оилада ўн учинчи фарзанд бўлиб дунёга келган эди.

Бу эртакларга хос анъанавий муқаддимани эртаклардаги тарзда яна давом эттиришнинг иложи йўқ. Ҳикоямизга шафқатсиз ҳаёт ҳақиқати ўз ҳукмини ўтказиб, тузатиш киритишни талаб этмоқда.

Ўн уч ўғил-қизнинг ота-онаси чол ҳам, кампир ҳам эмас эди. Бугунги тушунчаларга кўра эса, улар ўрта яшар кишилар бўлиб чиқади. Қашшоқлик, йўқчилик камбағални эрта қаритибгина қолмай, ҳаётдан ҳам эрта олиб кетар эди. Онаси вафот этганда Файзулла икки ёшда эди, бешга кирганда ғирт етим қолди. Бу ҳодиса 1916 йилда содир бўлди.

Уша замонларда эртаклардагина эмас, балки ер юзида ҳам тирик амирлар, шаҳзода ва бекзодалар давру даврон сурар; худди шу тупроқда очлик ва касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмаётган минг-минглаб норасидалар ҳам эртаклардаги гўдаклар эмас эди.

Норхўжа ака хонадонига путур етди. Файзулла бир қанча муддат молбоқарлик қилди. У ҳар куни тонг ёришар-ёришмас бир пода сигир-қўйни олдига солиб, далага жўнар эди. Кеч тушгач тутун бурқсиган қишлоқда ҳар битта сигир ёки қўйни эшиги очиқ бошпана кутар эди. Фақатгина Файзулла подачининг бошпанаси йўқ эди. Мол эгалари унга бир бурда нон ёки бирон ҳовуч ўрик берарди, Файзулла кечалари оғилхонада, ўзи боқиб келган моллар ёнида ухлар эди.

Очлик, хорлик-зорлик жонидан ўтган болакай шаҳарга йўл олди. Шаҳарда тиланчилик, дайдилик қилди.

Кичкина Файзулланинг ўша машққатли йилларда ўлиб кетиши муқаррар эди. Ҳаётда сабабсиз мўъжизалар йўқ. У эртами-кечми, бари бир, ҳалок бўлар эди.

Лекин Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллионлар қатори кичкина Файзуллани ҳам ҳалокатдан қутқариб қолди.

Бепоён мамлакатимизни ёппасига гражданлар уруши жангларининг алангаси қоплаган эди. Катталар ҳаёт-мамот жангларида ҳалок бўлар, ўлатдан, вабодан қирилиб кетар, уларнинг тирик қолган фарзандлари эса тўдатўда бўлишиб кўлларидан келганича ҳаёт учун курашар, гоҳо киссавурлик, тиланчилик қилиб кун кўрар эдилар. Файзулла ҳам шулардан бири эди.

Совет ҳокимияти ҳали ўзини ўнглаб ололмаган, ҳар тарафдан душман хуруж қилиб турган, мамлакатда вайроналик ҳукм сураётган пайтлар эди. Лекин шу қадар машаққатларга қарамай, Ленин болаларга биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзди. Доҳийнинг таклифига кўра Болаларни ҳимоя қилиш кенгаши, сал кейинроқ эса, Болалар турмушини яхшилаш комитети ташкил этилди. Бу машаққатли ва кечиктириб бўлмайдиган вазифани амалга ошириш Бутунроссия фавқулодда Комиссиясининг раиси Ф. Э. Дзержинскийга топширилди.

Инқилоб душманларини зир титратган Дзержинский улкан қалбининг бутун саховати, меҳр-муҳаббатини болаларга бағишлади.

Юзлаб болалар уйлари ташкил этилди, болаларни кийинтириб, овқат билан таъминлаб ўқита бошладилар. Тошкентдаги ана шундай болалар уйларидан бири Файзуллани ҳам бағрига олди. Совет ҳокимияти кимсасиз, бошпанасиз етимчанинг бошини силаб, Ленин қалбининг тафти билан иситди, унга катта, ёркин ҳаёт йўлини кўрсатди.

Файзулла «большевик» деган нотаниш сўзни дастлаб ўша йиллари эшитди. Ўгрилар ва буржуйлар бу сўзни нафрат билан тилга олишарди. Файзулла, табиийки, мураккаб сиёсий масалаларнинг моҳиятини ҳали идрок этолмас эди. Бироқ, болалар уйида унга етимларга ғамхўрлик кўрсатаётганлар худди шу большевикларнинг ўзлари эканлигини, улар Файзуллага ўхшаган ота-оналари меҳнаткаш бўлган барча болалар учун янги ҳаёт барпо этаётганликларини тушунтирдилар.

Файзулла ҳалигача бундай ҳаёт ҳақида ҳеч қайси эртакда эшитмаган

Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари генерал-лейтенант Файзулла **НОРХЎЖАЕВ.**

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Владимир КАРПОВ
Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи.

эди. Бу ҳаёт йигитча учун шу қадар яқин ва ажойиб эдики, у ҳеч иккиланмасдан:

— Мен большевик бўламан! Ҳамма одамлар учун тезроқ янги ҳаёт қурилишини истайман,— деди.

— Сен ҳали ёшсан,— дейишди унга,— лекин агар хоҳласанг, комсомол сафига киришинг мумкин. Улар большевикларнинг ёш ёрдамчилари ҳисобланади.

Шундай қилиб, 1922 йилда Файзулла комсомолга ўтди.

Бир куни болалар уйида тарбияланувчиларни ҳовлида сафга тиздилар. Улар ҳузурига одатдан ташқари делегация меҳмон бўлиб келган эди. Меҳмон болалар башанг ҳарбий формада эдилар. Улар кийган қора шинель ва қизил чизиқли шим, бошларига қийшайтириб қўндирилган кубанкалар кишининг ҳавасини келтирарди.

Йигитчалардан бири шундай деди:

— Республика доимий хавф остида яшамоқда. Уни эски буржуача тартибларни тиклашга интилаётган душманлардан ҳимоя қилмоқ керак. Кимдаким ҳарбийга кириб, Ватанни ҳимоя этишни истаса, бизнинг Бухоро Ҳарбий тайёргарлик мактабимизга ташриф буюрсин.

Файзуллани ҳарбий кийимдаги бола айтган гаплар жуда ташвишга солди. «Эски тартибларни тиклаш! Бу — яна очарчилик, калтаклашлар, уйсиз-жойсиз дийдираш деганими? Ҳеч қачон!» Файзулла олға бир қадам ташлаб, деди:

— Мен ҳарбийга бораман, Ватанни ҳимоя қиламан!

Файзулла Норхўжа ўғли ҳарбий ҳаёт сари илк қадам ташлаган ўша кундан буён 48 йил ўтди. Бу йиллар ичида шу қадар кўп воқеалар содир бўлдики, уларни минг бир кечада ҳам айтиб тугатиш мумкин эмас. Бу йиллар ғоят машаққатли бўлса-да, бари бир, совет ҳарбий саркардасининг нурафшон камолат йўли эди.

Файзулла Бухоро мактабига поезд билан борди. Илгарилари вагон тагидаги «ит қутилар»да жон сақлаб ўрганган Файзулла ҳаётида илк марта вагон ичида — тоза, иссиқ, шинам купеда йўл босди.

Ҳарбий форма кийган йигитча ҳамма жойда — кўзгу қаршисида ҳам, дераза ойналари олдида ҳам, ариқдан оқаётган сувда ҳам ўз аксини кўришни ёқтирарди. У ўз кўзларига ишонмасди. Наҳотки, бу ўзи — Файзулла бўлса! У ҳеч қачон бундай чиройли кийим киймаган эди. Балки отаси муқаддимасини айтган эртак ҳаётда рўёбга чиқаётгандир?

Мактабда болаларни умумтаълим фанлари ва ҳарбий ишга ўргатар эдилар. Лагерда машқлар ёз бўйи давом этар эди. Болалар ҳаётнинг маъносини, пролетар курашининг қонунларини англар эдилар, кечалари эса ўз она тиллари — ўзбек тилида тўлиб-тошиб «Интернационал» қўшиғини куйлар эдилар.

1927 йилда Файзулла Норхўжаевни ўқишини давом эттириш учун В. И. Ленин номидаги Тошкент ҳарбий билим юртига йўлладилар. У артиллерия бўлимига қабул қилишларини сўради. Билим юртининг улуғвор биноси Файзуллага афсонавий сарой каби туюлар эди. Улкан синф хоналари, мажлислар зали, кутубхона, ярқиллаган паркет поллар, олтин суви юритилган ромлардаги суратлар — ҳамма-ҳаммаси Файзуллага олам-жаҳон ғурур бахш этар эди.

Курсантларнинг мураббийлари кўкракларини жанговар орденлар, баданларини шамшир излари безаган гражданлар урушининг машҳур командирлари эдилар. Билим юрти бошлиғи Малишев, унинг ўринбосари Мирбадалов эди.

Ёш курсантлар уруш оловларида тобланган командирларнинг ҳикояларини тинглашдан ташқари, тез-тез жангларга ҳам кирар эдилар. Ўша йиллари юртимизда босмачиларнинг қолдиқлари изғиб юрар. Босмачилар билан тўқнашувларда бўлажак командирлар ҳарбий маҳоратларини оширар эдилар.

Бугунги кунда Ленин номидаги ҳарбий мактабнинг мажлислар залида ўрнатилган мармар тахтага қизил курсантларнинг унутилмас жанглари олтин ҳарфлар билан битиб қўйилган. Бу жангларнинг кўпчилигида Файзулла Норхўжаев ҳам иштирок этган.

1931 йилда билим юртини тугатгач, Файзулла Кушкага, артиллерия взводи командирлиги вазифасига тайинланди.

Ҳарбийлар орасида: «Кушкадан олисга юборишмайди», деган матал бор. Буни қарангки, бу сўзлар ҳам у қадар тўғри эмас экан. Ахир, Кушкадан узоқдаги жойлар ҳам бор-ку! Мамлакатнинг энг жанубий нуқтасида икки йил хизмат вазифасини ўтагач, Норхўжаев тўсатдан Ватанимизнинг Шарқий чегарасига жўнаш ҳақида буйруқ олди. У жойнинг исми жисмига мос эди: Узоқ Шарқ!

Ўша йиллари Манчжурия чегараларида аҳвол ғоят хатарли эди. Ўз чегараларининг даҳлсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида мамлакат ёрдам йўллади. Ана шу Ватан посбонлари сафида Файзулла ҳам бор эди.

Норхўжаев янги хизмат жойига етиб келгунча бир неча ой ўтди. У ғамгин жилмайиб, ўйлар эди: «Яна ҳаётим эртакдагидай кеча бошлади — одам оёғи етмас жойларга боряпман!» Ахири, мустаҳкамланган районга етиб келди.

Бу дабдабали ном ҳақиқатда фақат қоғоздагина, чизмалардагина мавжуд эди. Истеҳкомни қуриш керак эди. Файзулла қўл остидаги қизил аскарлар билан биргаликда ДОТ — ўт очиш нуқтаси тиклай бошлади. Жангчилар қуролларини қўлларидан қўймай ишлар эдилар. Чунки чегарада иғвогарлик кетидан иғвогарлик содир бўлиб турар эди. Бунинг устига кимсасиз тайга, сўналар жонга тегар, қуритилган пиёз, картошка, қоқ нон уларнинг кундалик овқати эди. Озиқ-овқат, газета ва хатларни келтириш учун бутун бошли экспедиция тузишга тўғри келар эди. Ахир, энг яқин посёлкагача ўн беш кунлик йўл бўлиб, етти кун у ёққа ва шунча муддат орқага юриш керак эди. Манзилга иланг-биланг ирмоқлардан қайиқларда борилар эди. Чунки Норхўжаев эгаллаб турган позиция катта ердан ажралган оролда жойлашган эди.

Аҳвол беш йил шундай давом этди!

Навқирон дўстларим, ўзингизни бир имтиҳон қилиб кўринг-а, бугун йигирма иккига кирган қайси бирингиз Файзулла каби шундай узоқ давом этган жасоратга дош бера олар эдингиз?

Беш йил — томошасиз, отпуска олмай, ҳозирги замон ҳаётининг барча қулайликларидан маҳрум ҳолда яшаш! Бирдан-бир маданий озуғингиз бир ой аввал чиққан газета, ҳамиша жангга шай туриш! Бундай матонатга таҳсин ўқимай бўладими?

Ҳаётда бир неча дақиқа ичида чақин каби ёрқин нур сочиб, содир бўладиган жасоратлар бор. Улар совет кишисининг қалб гўзаллигини намоён этади. Яна шундай жасоратлар ҳам бўладики, бундай пайтларда инсон узоқ йиллар давомида ўз ватандошларининг бахт-саодати учун барча муҳтожликлар ва тақдирнинг жабрларига чидаш бериб мардона постда туради. Буларнинг қайси бири машаққатлироқ ва шарафлироқ эканлиги тўғрисида ҳукм чиқаришдан ўзимизни тийиб, барчага маълум ҳақиқатни тан олайлик: жасорат ҳар қандай шароитда, қандай кўринишда юз бермасин, бари бир, гўзал ва инсонга шараф келтиради.

Мен Файзулла Норхўжаевдан ўша машаққатли йилларда матонат кўрсатишда нима куч-қувват берганлиги ҳақида сўраганимда, у, ҳарбийчасига қисқа қилиб, бир сўз билан жавоб берди:

— Бурч!

Бу сўзларда ҳар биримиз учун кундай равшан бўлган — Ватан чақирган пайтда унга садоқат билан хизмат қилиш мажбуриятигина эмас, балки Она юрт шахсан Файзулланинг ўзига кўрсатган ғамхўрлик ва яхшиликлар учун ундан миннатдорлик туйғуси ҳам бор эди. Ватан Файзулла учун энг юксак маънода она бўлди. Қачонки, она буйруқ берар экан, ҳеч ким уни, амалга ошириш осон бўладими-қийин бўладими деб ўйлаб ўтирмай, бажаришга киришади. Она учун фарзандлар бир дақиқа ҳам иккиланмай ҳаётларини бахш этадилар. Она — бу бизнинг барчамизни яратган муқаддас зот, у ер юзида инсон наслининг ҳамиша барҳаётлиги рамзидир. Она ўз фарзандига ҳеч қачон ёмонлик тиламайди. Шунинг учун ҳам онанинг топшириғи муҳокама этилмайди.

Беш йил ўтгач, Норхўжаев янги жойга буйруқ олди. Унга етиб бориш учун бир ҳафта муддат керак. Янги жойда элликка яқин уй, магазин бор эди. Буларнинг барчаси Файзуллага каттакон шаҳар каби туюлди.

Файзулла янги вазифаларга бутун вужуди билан шўнғиди, у энди ўқув батареясинининг командири эди.

...Олис Амур соҳилларида Файзулла шундай бир ғалабага эришдики, бу воқеа Норхўжаев табиатининг ажойиб қиррасини кўришга ёрдам беради.

Ҳаммага аёнки, Узоқ Шарқ ҳарбийлар, геологлар, кон изловчилар, олимлар диёри. Бу ерда асосан, вақтинча сафарга келган эркаклар яшайди. Ўша вақтда Узоқ Шарқнинг ҳатто шаҳарларида ҳам хотин-қизлар кам эди. Файзулла хизмат қилган жойларда эса фақат кекса командирларнинггина кекса жанговар турмуш йўлдошлари бор эди. Ана шундай хилватгоҳда бир куни ёш ва гўзал поляк қизи Марта Станиславовна пайдо бўлиб қолди. Бу қиз шу ердаги гарнизон ҳарбий врачининг қариндоши, уникига меҳмон бўлиб келган экан.

Соҳибжамол меҳмон қизга ёқиш учун жуда кўп бўйдоқ командирлар ўзига оро бериб, ясаниб-тараниб юрадиган бўлиб қолишди. Қадимий рицарларнинг турнирига ўхшаш мана шу ғалати пойгада энг жозибали, шўх, ақлли, жонон йигит Файзулла «улоқ»ни олиб кетди. У Марта Станиславовнани мафтун қилиб қўйди. Гўзал поляк қизи ўзбек йигити Файзуллага турмушга чиқди. Ҳозиргача улар бир-биридан сира айрилмай, садоқатли, меҳрибон дўст бўлиб яшашади.

1940 йилда Норхўжаев юқорироқ лавозимга кўтарилди — у артиллерия полки штаби бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. Бу полк Ўрта Осиё ҳарбий округида эканлиги нур устига аъло нур бўлди. Файзулла она диёрига қайтиб хизмат қилиш завқи билан маст эди.

У вагон ойнасидан қадрдон пахтазорларга, шафтолизору узумзорлар, анжирзорларга боқар экан, юраги гурсиллаб урар, эртакларда олис жаннатмакон жойлар мақталса ҳам, ҳеч бири гўзалликда она юртига тенг келолмаслигини ҳис этарди.

Жонажон қуёшли юртида Файзулла оталик нашъасини тотди. Марта хоним унга бир қиз ва бир ўғил туғиб берди. Аммо оила фароғати узоққа чўзилмади.

Уруш бошланиб кетди.

Оғир жанглар, жароҳатлар, госпиталь ётоқлари, бомбалар ёмғири, ҳужумлар, танклар билан олишувлар, яна жароҳатлар ва яна госпиталлар — барчаси Норхўжаев ҳаётини ҳам, жанговар сафдошлари ҳаётини ҳам алғов-далғов қилиб юборди. Файзулла совет қўшинлари сафида Эронга кирди, кейин Москвани мудофаа қилди, Сталинград жангларида, Донбассни озод этишда қатнашди. Унинг жасоратларини катта китобга ҳам сиғдириш қийин, бу ўринда шу жангномадан айрим саҳифаларнигина варақлаймиз.

Биз Донбассда жанг қилардик. Ўша пайтдаёқ Норхўжаев артиллерия полкининг командири эди. Ворошиловград озод этилганидан кейин полкка янги кучлар келди.

Штаб бошлиғи командирга ахборот берди:

— Янги келганларнинг кўпчилиги қора қош, қора кўз, сизнинг юртдошларингиз экан.

Полк командири янги жангчилар билан танишди. Уларнинг кўпчилиги тошкентлик, фарғоналик, наманганлик йигитлар эди.

— Орангизда чустликлар ҳам борми?— сўради командир.

— Бор,— деди кўзлари чақнаган, норғул бир йигит. У қизилтепалик, Файзулланинг ҳамқишлоғи бўлиб чиқди.

Файзулла йигирма беш йилдан бери ҳамқишлоқларини биринчи кўраётганидан, ҳаяжонини босолмасди.

— Норхўжа отанинг оиласидан бирор одамни танийсизми? У раҳматли инқилобдан аввал ўлиб кетган, лекин фарзандлари қолган.

— Норхўжа отани ростдан ҳам билмайман,— жавоб берди йигит.— Аммо, у кишининг бир ўғли — Дадажон бизнинг қишлоқда яшайди. Тўғриғоғи, яшарди. Чунки у ҳозир армияда хизмат қиляпти. Свердловскда, шекилли.

Узоқ суҳбатга фурсат йўқ эди. Файзулла янги келган жангчилар билан хайрлашди:

— Яхшилаб тайёрланинглар, йигитлар, қаттиқ жанглар бошланади.

— Биз тайёрмиз,— деди бояги йигит ва ёнидан чуст пичоғини чиқарди. Бошқа жангчиларнинг ҳам камарларидаги қинларда чуст пичоғи бор эди.

— Бу кифоя эмас,— жилмайди Норхўжаев,— ҳозирги уруш бошқа, бу ерда душманни пичоқ билан эмас, замбарак ўқи билан уриш керак.

Аммо вақти келиб, пичоқлар ҳам иш бериб қолди. Фашистларнинг шиддатли ҳужумларини қайтаришда гоҳо муштлашиш ва пичоқлашишга ҳам тўғри келарди. Норхўжаев душманнинг шиддатли ҳужумларини даф қилган ҳамқишлоқларининг мардлигига қойил қолди. Фронтнинг Ворошиловград участкасида фашистлар жон-жаҳди билан ҳужумга ташландилар. Снарядлар портлашидан ларзага келаётган окопда ётиб, Норхўжаев душман бомбардимончи авиациясининг саксон олти марта ҳамла қилганини ҳисоблади. Кўпни кўрган командир бундай даҳшатли, қиёмат-қоиимга биринчи рўпара келиши эди. Унинг адъютанти бомбалар дўли остида қолиб, ақлдан озди.

Душман самолётлари кўздан йўқолиши билан Норхўжаев жангчилари олдига югурди. У фашистларнинг яна тез ҳужумга ўтишини биларди. Бомбалар яксон қилган траншея ва ертўлаларда Ватанга жон фидо қилган кўплаб жангчиларимизнинг жасадлари ётарди. Норхўжаев омон қолган жангчилар билан биргаликда ерни ковлаб, тупроқ остида қолган одамларимизни чиқариб олди, ҳушига келтирди. Кўп ўтмай, полкнинг мана шу қолган-қутган жангчилари душманнинг янги ҳужумига бардош беришди. Душманни ўтка-

УШОҚЛАРИ КЎЗГА ТЎТИЁ

Ҳунар — ҳунардан унар, деганлари ҳақ экан: Вазира опа нонвойликни танлаб янглишмади.

1947 йили ўрта бўй, оқ юзли, йигирма-йигирма бир ёшлардаги қиз завод даргоҳига қадам қўйди. Ўшанда нонвойларга ҳам қийин эди. Печлар кўмир билан қизитилар эди. Бир неча киши ўт ёқиш билан банд, бир қанчаси кўмир ташиш билан овора. Транспорт етишмасди. От қўшилган аравалар ҳар қанча елиб-югурмасин, ишда унум йўқ. Эрталаб кўмирга кетган аравакаш кун оққанда қайтиб келарди...

Ўша кезлари ҳар бири икки килограмм тош босадиган нон тайёрланарди. Печлар олов пуркайди, юксак ҳароратга чидаб бўлмайди, лекин ишлаш керак. Нонвойлар печь ёнида бир соат турмаёқ жалада қолгандек шалаббо бўлишарди...

Кунлар ўтган сари Вазирахон қийинчиликларга кўника борди. У ердаги оғир меҳнат ҳам, кечалари ёлғиз қайтиш ташвишларию уйқусизлик азоблари ҳам қизни энди унчалик қўрқитмай қўйди. «Нон дўконлари олдида навбат кутиб, сарғайиб турган одамларнинг мендан қаери кам? Чидаш керак, ишлаш керак. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Фаровон кунлар ҳам келиб қолар».

Юртда маъмурчилик бошланди. Завод ҳам ўзини ўнглаб олди. 1949 йилга келиб, эски печлар ФТЛ—2 маркали печлар билан алмаштирилди. Корхона цехлари шунга мослаб қайта қурилди, темирбетондан махсус ун сақлаш биноси қад кўтарди, ун элаш ва уни цехларга қувур орқали жўнатиш ишлари йўлга қўйилди.

Бироқ ачитқи тайёрлаш кўнгилдагидек эмас эди. Харидорлар шикоят қила бошладилар. Бу мушкул аҳволдан қандай қутулиш керак? Завод раҳбарлари маслаҳатлашиб, Вазирахонни ачитқи тайёрлаш бўлимига ўтказди. Ўшанда кўплар: «Иш энди эгасини топди, Вазирахон цехнинг жонини киргизади», дейишса, баъзилар: «Ишқилиб, охири бахайр бўлсин» дея иккиланди-лар.

Ҳамма нарса меъёрида қўшилса, хамир мўътадил ҳароратда сақланса, ачитқи роппа-роса йигирма тўрт соатда тайёр бўлади. Бунинг учун эса хамир тайёрлаш технологиясини обдон билиш керак. Мабодо, ачитқи ёмон тайёрланса, тонналаб хамирнинг сифатига путур етади.

зишмади. Истеҳкомларимиз сақланиб қолди. Бироқ снаряд парчалари жасур командирни ҳам «холи» қўймаган эди.

Файзулла госпиталда ҳушига келди. Уч ой даволанди. Оёққа туриши билан, қисқа муддатли отпуска беришди. Командир Фарғонага, хотини, болалари ҳузурига келди. У фронт орқасида одамларнинг аҳволи оғирлигини, Марта Станиславовна болаларини кунжара билан боқаётганини кўриб, кўнгли бузилди, тезроқ фронтга қайтишни ўйлаб қолди. Халқимизни шундай кунга солган душманга нафрати янада ошди.

Бу гал Файзуллани танкка қарши қирувчи артиллерия полкига командир этиб тайинлашди. У, генерал Плиевнинг Кубань казаклари кавалерия корпуси билан бирга душман орқасига ҳужум қилиб, Одесса, Бобруйск, Барановичи шаҳарларини озод этишда қатнашди. Брест яқинида яна яраланди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ер устидаги энг даҳшатли қурол — танклар эди. Норхўжаев полки ана шу пўлат зирҳли кучларга қарши курашарди. У кўп марта фашист танкларининг пўлат деворини ёриб ўтди.

Брест яқинида кавалерия корпуси яна душман орқасига ҳужум бошлади. Норхўжаев полки, унинг танкларигина кавалериячи-суворийларни ҳимоя қила оларди. Гитлерчилар суворий казакларга қарши тез юрар ва қилич ўтмас танкларини жангга ташлаганди. Душман танклари жуда кўп бўлиб, улар асосан, фронтга ёрдамга юборилаётган резервлар эди. Тўсатдан маррани ёриб кирган казакларни янчиб ташлаш бу танкларнинг йўл-йўлакай қиладиган иши эди. Аммо, Норхўжаев қирувчи замбаракларининг ўқ ёмғири остида қолган душман танклари кавалериячиларни ҳам янчиб ташлашолмади, фронтга ҳам етиб боришолмади. Тўпчиларимиз фашистларнинг йигирматача танкини мажақлаб, ёндириб юборишди. Жангнинг шиддатли дақиқаларида Норхўжаевнинг ўзи, ўлган тўпчининг ўрнида жанг қилди. Танклар гуриллаб ёнар, занжирли ғилдираклар остида дарахтлар қарсиллаб йиқилар, тўпчилар ҳар ёқдан босиб келаётган танкларни кўрар, жон-жаҳдлари билан тўрт тарафга қараб отишарди. Агар бошқа танкчиларимиз ёрдамга келиб қолишмаганда Файзулла охирги жангини тугатиб, кўз юмган бўларди. Бу жангда у жароҳатланса ҳам, танклар келгунча, бир қадам чекинмай, бардош бериб турди.

Даволанганидан кейин Файзулла Биринчи Белоруссия фронти штабига келди. Уни фронт артиллериясининг қўмондони, генерал-полковник Казаков очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Сизнинг мардлигингизни кўп эшитганман, ўртоқ Норхўжаев,— деди у.— Сизнинг куйди-пишди табиатингиз айниқса танкларни қирувчи артиллерияга жуда мос келади.

— Қаерда душманни ур десангиз, ўша ерда урамиз-да.

Шундай қилиб, Файзулла яна қирувчи артиллерия полкига командирлик қила бошлади. Дойчкроне остонасида танкларга қарши жанг айниқса шиддатли тус олди. Бу ерда генерал Батов қўшинлари фашист танкларининг кучли зарбаси остида қолган эди. Шундай пайтда резервдаги кучлардан Норхўжаев полки ёрдамга ҳозир бўлди. Унинг артиллерия полки ўн километрли машақатли йўлни босиб ўтиб, келиши билан жангга шўнғиди. Душман танклари тўхтатиб қолинди. Аммо ғазабланган фашистлар артиллериячиларни яксон қилиш учун ҳаводан ҳужумга ўтишди.

Портлаш тўлқини Норхўжаевни хандаққа улоқтирди. Унинг оғзи ва қулоғидан қон келарди. Сафдошлари ажойиб командиримиздан ажралдик деб ўйлашди. Аммо Файзулла тирик эди. У ертўлада кўзини очди. Лекин тилдан қолган эди. Бир парча қоғозга:

— Душманни янчиб ташламагунча ўлишга ҳаққим йўқ,— деб ёзиб кўрсатди у.

Оғир контузия туфайли Норхўжаевни безовта қилиш, қимирлатиш мумкин эмас. Шунинг учун у ертўлада йигирма кун қолиб кетди, ҳалиям гапиролмас, фикрларини фақат ёзиб кўрсатарди. Врачлар госпиталга ётишни таклиф қилишди. Норхўжаевнинг тили калимага келиб, сал ўзини тутиб олгач, дудуқланиб гапирди.

— Энди... керакмас... Ўзим... юраман...

Икки кундан кейин у Одер дарёсини Кострин яқинида кечиб ўтишга раҳбарлик қилди.

Полковник Норхўжаев жанг қилиб Берлингача борди. У Берлиннинг шарқий вокзалига ҳужум қилди ва шу ердан генерал Берзарин — Берлиннинг бўлғуси коменданти армияси таркибида шаҳар марказига яқинлашди.

Уруш йиллари саркардалик истеъдодини намойиш этгани учун Файзулла Норхўжаевни 1957 йилда Москвага, Бош штаб академиясига ўқишга юборишди. У академияни аъло даражада тугаллагач, армия артиллериясининг қўмондонлигига тайинланди.

Совет ҳукумати мамлакатимизнинг хавфсизлиги борасида ғамхўрлик қилиб, армияни энг янги, замонавий техника билан қуроллантирди. Ракеталар асри бошланди.

Яна ўқиш, замон билан ҳамқадам юриш керак эди. У энг янги, энг даҳшатли қуролларни ишлатишни ўрганди. Кейин Польшада Совет қўшинлари группасида сидқидиллик билан хизмат қилди. 1961 йили генераллик унвонида Файзулла ака қадрдон Қизилтепа қишлоғига келди. Ҳамқишлоқларининг ифтихордан бошлари осмонда эди. Файзулла ўзбек халқининг асл фарзанди деган номни шон-шуҳратга буркади. Совет Иттифоқидаги барча қардош халқларнинг фарзандлари қаторида туриб, уруш ва тинчлик кунларида ўзининг интернационал бурчини шараф билан ўтади.

Жонажон қишлоғида Файзулла ака-укаларимни топиб, қувонаман деб ўйлаганди. Лекин турли вақтларда улар азиз жонларини ватан учун тикиб, ҳаётдан кетган эдилар.

Фақат опаси Баҳрихонгина эсон-омон қолибди. У ҳозир Тошкент яқинидаги Черняевка қишлоғида яшайди. Қаҳрамон она — беш ўғил, беш қизнинг мураббияси. Фарзандлари улғайиб, вояга етган, кўпчилиги олий маълумотли.

Генерал Норхўжаевнинг икки фарзанди ҳам ўқимишли одамлар, ўғли Жўравой ҳам, қизи Гулчеҳра ҳам Саратов университетини битиришган. Ҳозир Жўравой Тошкент Давлат университетининг илмий ходими. Гулчеҳра эса Саратов университетида рус тили ва адабиётидан дарс беради. Ўзбек қизининг рус йигит-қизларига олий мактабда рус тили ва адабиётидан дарс бериши эртакларда ҳам учрамаган, ахир!

Яқинда СССР Министрлар Совети Файзулла Норхўжаевга генерал-лейтенант деган юксак унвон берди. Ўзбеклар диёрида туғилган лашкарбошининг бундай унвонга сазовор бўлиши тарихда биринчи мартадир. Генерал-лейтенант Файзулла Норхўжаев Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари, у йигирма уч олий жанговар мукофотга муяссар бўлган лашкарбоши. Қирқ йилдан бери партия сафида, қирқ олти йилдан бери жанговар сафда.

...Генерал-лейтенант дераза олдида ташқарига ўйчан боқиб турибди. Ҳар вақтдагидай навқирон, қомати тик, кийими ўзига ярашган. Фақат сочларидаги оқ унинг кўп машаққатлар чекканидан дарак беради. У дераза пардасини каттароқ очиб, илк баҳор аломатларига, энди яшроқ чиқариб, тебраканги яшилликка бўяшга чоғланган дов-дарахтларга қарайди. Генерал-лейтенант ҳозир нималарни ўйлаётган экан? Ҳойнаҳой буюк келажак, тинч келажак ҳақида ўйлаётгандир...

Йирик совет лашкарбошисининг шонли ҳаёт йўлига назар ташлар эканман, яна у болалигида тинглаган эртакни ўйладим. Шиддатли, қайноқ ҳаётимиз ҳозир ҳар қандай эртакларни орқада қолдириб, илгарилаяпти. Ҳозирги совет кишиси ҳар қандай сеҳргарни лол қолдиради. Унинг мўъжизакор ақли қудратидан осмонимизда баҳайбат лайнерлар учади. Оддий совет кишиларининг мардлиги ва жасоратига эртаклардаги баҳодирлар ҳам таҳсин ўқиса арзийди. Генерал-лейтенант Файзулла Норхўжаев ҳаёти ҳақидаги ҳикоямиз шундан далолат бермайдими?

Ҳа, совет кишисининг ҳаёти эртаклардагидан ҳам ажойиброқ.

Бундай нозик ишнинг жиловини ушлаган Вазирахон доим сергак бўлди. Нон тайёрлаш технологиясини яхшилаш учун, ишдан ажралмаган ҳолда, мастерлар тайёрлаш мактабини, лаборантлик курсини тугатди. Сўнгра Самарқанддаги озиқ-овқат саноати техникумида сиртдан ўқиди.

Олган билимлари унга қўл келди. Ачитқи тайёрлаш намунали йўлга қўйилди. Вазирахон энди мастер.

1966 йили заводда ХПА—40 маркали механизациялаштирилган печлар қурилди. Лекин уни бошқарадиган одам йўқ эди. Баъзиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб қўл силташди: «Бўлмағур нарса экан, хамирни аждаҳонинг оғзига солгандек бетўхтов солиб туришинг керак, бу — бир; қолиплардаги нонларни олиб улгургунча эсинг тескари бўлиб кетади, бу — икки. Нонлар қолипга ёпишиб қолгудек бўлса, кўчириб олиш минг азоб! Бу — уч. Эй, қўй, ўша механизациянгни! Ўзимизнинг қўл меҳнатимиздан қўймасин!» Лекин бошқалар: «Механизациялаштириш ёмон иш эмас, аммо унинг тилини билиш керак» дейишди.

Хуллас, машинани Вазирахон бошлиқ бригадага топширишди. Иш бошланиб кетди. Конвейерда ҳар бири 920 граммли хамир зувалалари кетма-кет кела бошлайди. Пишган нон эса иккинчи лента орқали тахлаш жойига силжийди. Бўшаган қолиплар хамир ёпишмаслиги учун пешма-пеш ёғлаб турилади. Вагончаларнинг ғилдираклари тиним билмайди. Нонларни вагончага тахлаб улгуриш керак, холос.

Бир кун ўтди. Кўрсаткичлар жойида. Икки кун, уч кун... Бир ҳафта ўтди. Вазирахон бригадаси янги печни кўнгилдагидек бошқаряпти.

Аввал эътироз билдирганлар ҳайратда қолди.

— Охири енгиб чиқди-я! Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деб шуни айтишса керак-да. Вазирахоннинг зуваласи пишиқ экан.

Шу-шу Вазирахон янги агрегатнинг «хўжайини» бўлиб қолди. Қўшимча печлар қурилди. Ҳозир уларнинг сони бештага етди.

Опанинг издошлари ҳам кўпайди. Иш унуми ортиб, ишчилар сони ҳар сменада етти-секкиз кишига камайди. Завод республикада биринчи бўлиб, тўла механизациялаштирилган печларда нон чиқара бошлади.

— Биз тортган қийинчиликларни эндигилар кўрмасин. У даврлар бир келиб кетди-да, — дейди Вазира опа. — Лекин ишчи кучи ҳануз етишмаяпти. Ўринбосарлар, қўлимиздан ишимизни оладиган ёшлар заводга кам келмоқда.

— Нега шундай?— сўраймиз опадан.— Корхона механизациялаштирилган, иш унуми юқори бўлса-ю, нима сабабдан ишчи кучи етишмайди?

— Биласизки, ҳозир кўп корхоналарда ишчилар тунда ишламайди. Нон заводларида эса тунги смена бор. Ёшларнинг бир қисми мана шундан чўчийди чоғи.

Чиндан ҳам кўп корхоналарда тунги смена тугатилди. Ишчиларга, айниқса болали аёлларга ва қизларга қулай шароит яратилди. Шу усулни нон заводларида қўллаб бўлмасмикин? Бу ҳақда опа қандай фикрда экан?

— Бизда ҳам фақат кундузи ишлашга ўтса бўлади,— дея сўз бошлади опа.— Бунинг учун кечаси уч-тўрт киши қолиб, эртанги сменага ачитқи ва бошқа нарсаларни тахт қилиб қўйса бўлгани, тунда ишлашга эҳтиёж қолмайди.

Вазира опанинг Тошкентдаги биринчи нон заводида ишлай бошлаганига йигирма тўрт йил бўлди. Шу йиллар ичида корхона кенгайди, ҳар бир ушоқ нон қадрлангани, унинг мисқолигача ўз ўрнида ишлатилгани, техникадан унумли фойдаланилгани туфайли, ўтган беш йилликда пландан ташқари 528 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 630 тоннадан зиёд ун тежаб қолинди. 201 минг киловаттдан ортиқ электр қуввати ва 4,2 тонна мой тежалди.

Ҳозир заводда бир сменада 40 тоннадан зиёд, бир кунда эса 125 тонна атрофида нон чиқарилади.

Опа иш фаолияти давомида кўплаб шогирд тайёрлади. Оби нон цехида ишлаётган Турсуной Каримова, Ҳакима Мирзаева, хамир қоруvчи Света Шишкиналар унинг шогирдларидир.

Вазира Назированинг ҳалол меҳнатини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади, уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Ўтган беш йилликда эришган улкан ютуқлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Интилганга толе ёр. Вазира Назирова юксак ҳурматга чорак асрлик ҳалол меҳнати туфайли эришди.

Одил ТЎХТАНАЗАРОВ

Баҳор шеърлари

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Наврўз

Атиргул хирмонидай юксалди шафақ, нури,
Офтоб улкан чўққига чиқиб олди бу маҳал.
Майсалар себаргаси, чашмаларнинг биллури
Ёғду ирмоқларидан тўйиб-тўйиб эмар ҳал.

Табиат кўҳлик эди чўмилган нозаниндай,
Қатра-қатра шабнамлар гўё ёноқдаги тер.
Борлиқ товланар эди худди бой магазиндай,
Кўриб бошинг айланар: уни кўрсат, буни бер!

Молпараст эмасману шайдо эдим рангларга,
Чаманлар товланиши олганди ихтиёрим!
«Лиммо-лим эди қалбим баҳорий оҳангларга,
Чилтордек жарангларди ягона юрак торим.

О, қандай нафосат бу! Атлас қанот капалак
Сирли сўзана тўқиб, қўнади гулдан гулга.
Болари ғунча учун жонни қиларкан ҳалак,
Ғунча эса ишқ куйин ўргатмоқда булбулга.

Гоҳ қизлар шўх кулгиси жонга ором бағишлар,
Жўшқин шеърий сафҳада очиқлик турар китоб...
Фақат баҳорга хосдир бундай нафис балқишлар,
Бунчалик дилбар ранглар, бунчалик равшан офтоб!

* * *

Қизғин чўл ўртаси.
Қуёш ўрдаси.
Офтоб қозонида пишиб, бунда ел
Ловуллаб оқади, номи — гармсел.
Ҳарорат... ҳарорат... яна ҳарорат...
Ҳатто Цельсийнинг ҳам етмас рақами,
Фақат қуёш чўлнинг танҳо ҳаками.

Машинадан тушган темир-терсак ҳам,
Асфальтда шалпайган калтакесак ҳам,
Япроқ ҳам, шувоқ ҳам, ҳатто уфқ ҳам,
Тўрғай халқумида ёнган қўшиқ ҳам,
Нураб, тупроқ бўлган харобалару
Дахмадай қўққайган сардобалар ҳам
Лов-лов оловланар қуёш тафтида,
Қарши сахросининг оташ кафтида.

Аммо... бу — саҳронинг сўнгги оҳидир,
Ўтди иситманинг зўр инқирози.
Чўл — таранг тортилган сариқ шоҳидир,
Яшиллик учундир бор эҳтироси.

Шеърият

Ҳаёт чаманларин минг хил рангидан,
Сайроқи қушларнинг шўх
жарангидан,
Шодлик тантанаси, қайғу зангидан,
Курашлар сурони, ишқ оҳангидан
Дунёга келади асл шеърият.
Ҳар битта шоирнинг юрак сасида
Туғилади янги-янгидан.

* * *

Унда жилоланур таъмлар ва бўйлар,
Эзгулик ва иқбол қўзғаган ўйлар,
Юраклар қаърида тахланган куйлар,
Азалар, сукунат, қаяжон, тўйлар,
Чамбарчас тақдирлар, амал ва ният
Акс этар шеър баҳрин ферузасида —
Жўшиб-жўшиб ўзлигин сўйлар.

* * *

У кўлмак эмасдир, тиниқ чашмадир,
Дилларни ром этган
ноз-карашмадир,
Инсонни баҳордек мангу яшнатур,
Ундан бахра олар, кимки ташнадир,
У — виждон туғёни ва самимият,
Сузмоқни ўйлама тинч юзасида,
Теранликдан ижод бошланур.

* * *

Сен мени беғам дема
Қувноқ юрган кезимда.
Юксиз, мох босган кема
Сузмас қалб денгизимда.
Биров ёнади ўйчан,
Биров ўртанар рўй-рост.
Ҳиссиётни ким ўлчаб,
Қолип ургай мосу хос!!
Жаҳоний изтироблар,
Ошиқ-маъшуқ оҳи ҳам
Шоир дилини тоблар
Ва куйдирар гоҳи дам.
Юрагим кўзгусидан
Жой олган янглиғ гўё,
Бахти ва қайғусидан
Ҳикоят қилур дунё.
Манманлик-ла эрта-кеч
Тўшга урмоқ шарт эмас.
Ким мардликни қилса пеш,
Билки, асл мард эмас.
Бу тубсиз манзаралар,
Инсон очган уфқлар,
Кўз илғамас марралар,
Тақдирлар, йўл-йўриқлар,
Қитъалару уммонлар
Айланар хаёлимда;
Юлдузлару осмонлар
Аён истиқболимда.
Менга мавзу бари ҳам,
Яшар ақлу сезгимда...
Сен мени дема беғам
Қувноқ юрган кезимда.

Тафаккур

Уйлайман баъзида:
кўк гумбазида
Ёниб ётар эмиш минглаб қуёшлар.
Ҳар бирининг ўз олами бор,
Ҳар бирининг ўз кўлами бор,
Бири сўниб,
Бири — ҳаётнн бошлар.
Мўъжиза кўп борлиқ корхонасида.
Барчасига сочиб, аммо, нур
Ҳукм юргизади ғолиб тафаккур
Ер дея аталган кошонасидан.

ТАҚДИР

Одатда, донғи чиққан корхоналарда шундай одамлар бўладики, улар тақдирида бутун бир коллектив ҳаётини аён кўриш мумкин.

Баҳор ниш ураётган пайтлар эди. Мен излаб келган киши рўпарамдаги эшиги берк хонада экан. Ғўнғир-ғўнғир овозлар... Ҳали замон йиғилиш тугамайдиган кўринади.

Кимдир эшикни қия очди, хонадан куйиниб гапираётган нотиқнинг овози эшитилди.

— Ҳар бир цехда бошлиқ, унинг ўринбосари, мастерлар бор, ҳар бирининг вазифаси аниқ. Баъзан арзимаган гап учун ҳам цех бошлиғи ё унинг ўринбосари олдига кираверамиз. Тўғрими шу? Ўйлаб кўрайлик, ахир. Ҳар биримиз кунига бир соатдан вақт йўқотсак, ҳафтада олти соат, яъни салкам бир иш кунини йўқотамиз. Аҳвол шу тарзда кетадиган бўлса, бир неча минг киши ишлайдиган заводда қанча вақт зое кетади? Майда-чуйда масалаларни ўз бригадамиздаги мастер билан ҳал қилиб кетаверайлик, ўртоқлар...

— Тўғри, Насим ака...

Мен жон куйдириб гапираётган бу киши ҳақида кўп нарсани дастлаб завод партия комитетининг секретари Г. Герасимов билан суҳбатда билиб олган эдим.

... Насим Рашидовнинг ротаси маҳаллий бандерачиларни тугатиш учун Польшада қолдирилди. Бу қийин ва масъулиятли топшириқ эди. У ўз ротасидаги бир яradор жангчининг тақдири билан қизиқиб, ҳарбий дала госпиталига кириб қолди. Уруш йўлларида ўзининг ҳам чап оёғига ўқ теккан, аммо соғайиб, хизматга қайтган эди.

Медицина ҳамшираси Насимга бошдан-оёқ разм солди-ю сўнгра:

— Аҳволи яхши,— деб кулиб қўйди. Ҳамширанинг юз-кўзидан нур ёғилиб турарди. Чунки бу кунлари уруш тугаган, орзиқиб кутилган ғалаба ҳамманинг қалбини нурга тўлдирган эди.

Насим ҳамширани поляк қизи деб ўйлаб, қизиқиб сўради:

— Бу ерлик эмасмисиз?

— Йўқ,— деди қиз бошини чиройли силкитиб,— Узбекистонданман. Тошкентдан.

— А!..— Насимнинг кўзлари шодликдан чақнаб кетди.— Ростданми?

— Ҳамширалар ёлғон гапиришмайди.

Насим ака гўзал юртини, унинг одамларини эслаб, Валяга сеҳрлангандай тикилиб қолди...

... Илгарилари Насим аканинг инсон боши тошдан қаттиқлигига ақли бовар қилмасди. Оловли ёшлиги фронт алангалари ичида қолиб кетди. Фронтда ҳамшаҳарларини кўп учратди. Анчалари ҳалок бўлди. Валя ҳозир қаердайкин?

... Йиғилишдан кейин Насим акадан уруш хотираларини сўраб ўтирмадим. У негадир сал оқсоқланиб чиқиб келди.

— Ўқ теккан жой бирдан оғриб қолди. Ҳозир, медпунктга кириб чиқай, ўтира туринг...

Деразадан унинг ҳамшира билан суҳбатига қулоқ солдим.

— Қизим, заводга келганимдан бери сизга энди ишим тушди,— деди Насим ака кириб. У ўзини анча бардам тутарди.

— Хўш, қаерингиз, оёғингиз оғрияптими?

— Ҳа, урушнинг касофати бу. Неча йил ўтиб кетса ҳам охири хуруж қилди.

— Қайси фронтда бўлгансиз?

— Белоруссия фронтларида. Кейин Польшада ҳам.

— Польшада?— деб сўради ҳамшира.

— Ҳа, бандерачиларга қарши жангда яраланганман.

— Рота командири Насим Рашидов эмасмисиз?— ҳаяжонланиб сўради ҳамшира. Унинг ҳаяжони Насим акага ҳам ўтди.

— Валя?! Синглим! Кўзларингиз... ўша-ўша! Фақат...

Валянинг кўзларига ёш келди.

— Қачондан бери ишлаяпсиз?— деди у анча сукутдан кейин.

— Қирқ тўққизинчи йилдан бери.

— Наҳотки? Буни қаранг-а! Мен ҳам неча йилдан бери шу ердаман.

Бу ажойиб, кутилмаган учрашувдан қувониб мен ҳам ичкарига кирдим. Насим ака дардини бутунлай унутиб юборган, Валянинг кўзлари порлаб турарди...

Шундан бери Насим ака ишлаётган Тошкент Тўқимачилик машинасозлиги заводига тез-тез бориб тураман. Бу орада у оёғидаги ўқ парчасини олдирди. Ўз ишлари, корхонаси ҳақида ҳар гал берилиб суҳбатлашади. Унинг қўли теккан «ПК-100», «ПК-100М» дастгоҳларини жаҳоннинг йигирмага яқин мамлакати харид қилмоқда. Бу маҳсулотлар икки марта Халқаро кўргазмада олтин медалга сазовор бўлган.

— Биз фронтда юрган кезларда,— деб ҳикоя қилади Насим ака,— «Ростсельмаш» заводининг ишчи-хизматчилари оила ва дастгоҳлари билан 2500 га яқин вагонда, 43 эшелон бўлиб Тошкентга кўчиб келишибди. Эҳтимол, биз улар ишлаб чиқарган мина ва снарядларни олгандирмиз. Улар Тошкентда туриб бизга мадад беришган.

Заводга дастлаб келганимда иккинчи механика цехи, бошқа кўп цехлар ҳам очиқ ҳавода эди. Ёғин-сочинда чайла ва бостирмалар тагида ишлардик. У пайтда ўсмирлар ҳам заводга оқиб келарди. Зокир деган йигитчанинг бўйи ҳали дастгоҳга етмаганидан оёғига стулча қўйиб беришар эди. Ғайрат-иштиёқ шунчалик баландки, агар дастлабки «ВВ-66-Р» деган биргина дастгоҳнинг 44 мингга яқин детали ленинградликлар ёрдамида йиғилган бўлса, ҳеч қанча вақт ўтмай Тошкентда «П-66-5» маркали жаҳонда энг ихчам йигирув машинаси дунёга келди. Айтишларича, бу соҳада Ғарбий Европадаги энг кўхна, 1812 йили ташкил топган «Риттер» фирмасини ҳам орқада қолдириб кетибмиз. Фақат орадан анча ўтгандан кейингина Англия, Америка ва Япония шундай дастгоҳга эга бўлганини эшитдик...

Сўнгги 13 йилда 34 та бир-бирига ўхшамаган, янги тўқимачилик дастгоҳларини яратган ижодкор коллективга, унинг жонкуяр, кекса ишчиси Насим акага ҳавасим келди.

Ёзувчи Константин Симонов «Эпопеяга лавҳалар» деган китобини шу завод ҳаётига бағишлаган эди. Насим ака Рашидовнинг кўрган-кечирганлари ҳам бу улкан корхона коллективи босиб ўтган йўлнинг айрим лавҳаларига ўхшайди. Бултурдан бошлаб корхона базасида янги, Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқаришгехника бирлашмаси тузилди. У энди янада кенг қулоч ёзади, парвози баланд бўлади. Насим ака айтгандай, корхона жаҳон тўқимачилик саноатининг йирик қон томирига айланади.

Ҳамид ИКРОМОВ

Немис адиблари ғалаба ҳақида

Ульбрихт ШПАЙТЕЛЬ

МАРШАЛ ВА САНЪАТ

1945 йилнинг эрта баҳор кунларида совет солдатлари Дрезден галереясининг яширилган қимматбаҳо санъат асарларини топгач, уларни хавф-хатардан зудлик билан қутқариш чорасини кўра бошладилар.

Ноёб суратларни Совет Иттифоқига самолётда жўнатиш керакми ёки поезддами? Шу масалани ҳал қилиш керак эди.

Совет Ҳарбий Ҳаво кучлари қўмондони ҳар бир дақиқани, ҳар бир соатни ғанимат билиб, қимматли юкни самолётда тезроқ жўнатишни маслаҳат берарди. Дрездендаги совет қўшинларининг бош қўмондони маршал Конев эса, уларни поездда жўнатмоқчи эди. Тўғри, у самолётнинг хавфсизлигига шубҳа қилмасди, бироқ ким билади, ҳар ҳолда ҳавода учадиган нарса... Шунинг учун маршал поездни энг қулай, энг хавфсиз деб биларди.

Ҳарбий Ҳаво кучлари қўмондони ҳайрон бўлди:

— Мен тушунолмадим, ўртоқ маршал. Ахир Сиз ўзингиз минг марталаб самолётларимизда учгансиз ва эсон-омон ерга тушгансиз. Энди эса...

— Эҳ, дўстим,— деди маршал Конев,— менинг ўрним бошқа. Бунда гап Рембрандт ва Тицианлар тўғрисида бораётир.

Вальтер КИРХХОФ

МАҒЛУБИЯТ

Бир куни Австрия герцоги Леопольд амалдорлари ва ҳарбий бошлиқларни ўз ҳузурига чақирди-да, кўпдан бери Швейцарияни босиб олиш ниятида эканлигини айтиб, уларнинг фикрини сўради.

Ҳозир бўлганлар герцогни нўкларга нўтариб мақташди. Унинг босқинчилик режасини қувватлаб, турлича маслаҳатлар беришди.

Улар орасида тентак табиат бир киши бор эди. У негадир ўзини четга олиб, маслаҳатга қатнашмай турарди. Буни сезган герцог: «Бу фикрга сен нима дейсан, тентак?» — деб сўради ундан.

— Нима ҳам дердим, жаноб герцог,— деди тентак,— фельдмаршалларингиз Швейцарияга қандай бостириб кириш йўлини кўрсатишяпти-ю, лекин қандай қилиб у ердан қайтиб келиш йўлини кўрсатишмаяпти.

Жаноблар тентакни мазах қилиб кулишди. Уруш бошланди. Герцог сон-саноқсиз лашкар билан Швейцарияга бостириб кирди-ю... лекин улардан ҳеч ким қайтиб келмади.

В. КЛЕМПЕРЕР

ИСТАГИ АМАЛГА ОШДИ

Катта лавозимдаги СС офицерининг хотинини тўлғоқ тутиб қолди. У зудлик билан аёлни хусусий бир туғруқхонага олиб борди.

Офицер хонанинг у ёқ-бу ёғига аланглаб, деворда осиғлиқ турган Исонинг расмига кўзи тушди. «Бу портретни шу ондаёқ бу ердан йўқотинг, боламнинг туғилишдаёқ яхудийга кўзи тушишини истамайман»,— деди офицер ҳамширага.

Ҳамшира узр сўраб, бу ишни ўзи ҳал қилолмаслигини ва унинг фикрини хўжайинига етказишини билдирди. Офицер ўз буйруғини такрорлаб, чиқиб кетди.

Эртасига барвақт ҳамшира офицерга қўнғироқ қокди:

— Ҳало-о-о, жаноб офицерми? Сизни ўғил билан табриклайман, болангиз бақувват ва тетик, хотинингиз ҳам ўзини яхши ҳис этяпти. Истагингиз амалга ошди. Болангизнинг кўзи яхудийга тушмади, кўзи умуман ҳеч нарсага тушмайдиган бўлиб, кўр туғилди.

Немисчадан **Сано САИДОВ** таржимаси

ПЎЛАТНИ УЗГАН ТИШ

Бессарабиянинг Степеаш қишлоғи учун олиб борилган шиддатли жангдан кейинги кун. Ўқ товушларига ўрганиб кетганимиздан, ҳеч нарсага парво қилмай мириқиб дам олардик. Бир қўйнинг гўштини икки қозонга бўлиб, лавлаги қўшиб қайнатмоқда эдик, Қозондан таралаётган ҳушбўй ҳид иштаҳамизни очиб юборди. Вақт тунги ўн бирга яқинлашган. Тезроқ тамадди қилиб, уйқуга шошамиз. Лекин, аксига олиб, ҳўл ўтин аланга бермасдан, нуқул бурқсиб ёнади. Саша исмли қувноқ солдат қаердандир мой шимиб тўйган бочканинг бўлакларини келтирди. Апил-тапил майдалаб, ўчоққа тиқдик. Олов тезлаб, қозон биқирлаб қайнай бошлади. Чеҳраларимиз ёришиб кетди.

Аммо.., овқат насиб қилмаган экан. Командиримизнинг «Жой-жойингизни эгалланг!» деган таниш овози янгради. Тўпларни машиналарга тиркаб, ўз постимизда ҳозир турдик. Аҳвол билан танишган полковник чаққонлигимизга қойил қолиб, доим шундай ҳушёр туришга даъват этди.

Йўлга тушдик. Не машаққатлар билан узоқ йўл юриб, Руминиянинг Ясса шаҳридан ўн тўққиз километр берида, тоғ ён бағрида тўхтадик. Душман биздан тўрт юз метрча нарида, дўнглик орқасида эди. Замбаракларга тоғ ўнгирларидан жой ҳозирлаб, шох-шабба келтирдик. Душман бизни сезиб қолиб патира-путур ўқ ёғдира бошлади. Бунинг устига, ёмғир ҳам шаррос қуяр эди. Ички кийимларимизгача бўкиб кетди. Шунга қарамай, тонг ёришмасданоқ кузатиш пунктига ҳой белгилаб, дўндириб қуриб олдик. Соат олтиларга борганда душман қутуриб ота бошлади. Бизникилар эса аҳён-аҳёнда бир жавоб бериб қўярди. Орадан ҳиёл ўтгач, гўё ҳеч нарса бўлмагандек ҳаммаёқ жим бўлиб қолди. Бу сокинлик икки соатча давом этиб, кейин осмонда фашистларнинг 40 тача қузғуни пайдо бўлди, биз жойлашган ерни мўлжалга олиб бомба ташлади, пулемётдан ўққа тутди-ю, зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди...

Эттинчи июнь тонготарида гўпчиларимиз артподготовка бошладилар. Тонг ёришган бўлишига қарамай, ҳаммаёқ зимистонга айланиб кетди. Мен кузатиш пунктида телефонист эдим. Алоқа узилиб қолди. Аппаратни текширдим, сим узилган эди. Окопдан секин эмаклаб чиқиб, телефон симини ушлаганча ер бағирлаб кетдим. Сим олти метр чамаси нарида узилган экан, озгина нарироқдан иккинчи учини ҳам топдим. Бироқ у ҳам узилган экан. Тупроқни жон-жаҳдим билан пайпаслар эканман, яқинимга снаряд тушиб, ҳаво тўлқини мени бир кўтариб ташлади. Ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Қулоғим портлашлар овозига чиппа битиб қолган. Ниҳоят симнинг иккинчи учини топиб, ўзимга тортдим. Бахтимдан ўргулайки, мен симни тортиб олган жойга кулчадек чўян парчаси келиб тушди. Иккинчи симнинг учи иссиқдан эриган, улаб бўлмасди. Уйлаб ўтирмай, уни жон-жаҳдим билан тишлаб узибман. Симни улаб, эллик метр чамаси эмаклаб, кузатиш пунктига эсон-омон етиб келиб, ўзимни окопга ташладим. Телефон «тил»га кирди.

Командир душман томондаги саросималик тўғрисида ахборот берганидан кейин, полковник сени йўқлаяпти, деб трубкани менга берди. «Эшитаман, ўртоқ полковник», дейишим билан, «Сизнинг бу жасоратингизни тақдирлашга ёздириб қўйдим», деди.

— Совет Иттифоқи учун хизмат қиламан! — дедим. Орадан ҳеч вақт ўтмай «Ура!» садоларини янгратиб, Ясса шаҳрига кириб бордик.

Халил КАРИМОВ

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган лавҳа Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, сержант Халил Каримовнинг хотира дафтаридан олинди. Уни марҳумнинг ўғли, журналист Ҳабиб Каримов нашрга тайёрлаган.

Сен кетиб...

Нигоҳимда қалтирар шаҳар,
Қалтиратиб кетдинг, эй гулим.
Келмоқда-ку, олдинда баҳор,
Унсизгина оғрийди кўнглим —
Сен кетиб!

Олучалар гулга бурканар,
Очилмоқда боғлар чиройи.
Куйлайману бўғзим тирналар
Юрагимда ғаш бир хиргойи —
Сен кетиб!

Дўстлар чорлар, етаклар тўйга
Узатарлар ёқутранг шароб.
О, нималар келмас бу ўйга!
Вужудимда ёнар изтироб —
Сен кетиб!

Айрилиқни куйлар най саси,
Мен куйчига эргашаман жим.
Кипригимда ёмғир шуъласи,
Осмон каби йиғлайди руҳим —
Сен кетиб!

Боғлар аро ёлғизлик оғир —
Ёлғиз кезмоқ: ишқсиз, сеҳрсиз,
Меҳрим кимга берайин, ахир,
Бегонадир қизлар, меҳрсиз —
Сен кетиб!

Нигоҳимда қалтирар шаҳар,
Бағри унинг тордир фироққа.
Узрим айтиб эртанги наҳор,
Жўнар бўлдим мен ҳам қишлоққа,
Сен кетиб.

Абдурашид ПАРДАЕВ

УЛАР МЕНИНГ ВАТАНИМ УЧУН ЖАНГ ҚИЛГАНЛАР

Буюк Совет Иттифоқининг 50 йиллиги арафасида халқларимизнинг шонли жанговар ҳамкорлик йўлини эслаш жоиздир. Бу қардошларча ҳамкорликнинг ажойиб тарихий намуналари борки, улар кўп авлодларни интернационал дўстлик туйғулари асосида тарбиялашга хизмат қилажак.

Бутун жаҳон биладики, миллионлаб совет кишилари Улуғ Ватан урушй йилларида ўз ерларинигина эмас, кўпгина Европа мамлакатларини ҳам фашизм офатидан озод қилиш учун жон фидо қилдилар. Порлоқ йўлини топган шундай мамлакатлардан бири менинг она юртим Болгариядир.

Болгария халқининг 1944 йил 9 сентябрь ғалабасигача бўлган озодлик кураши — пролетар интернационализмининг ёрқин намунаси. Кенг миқёсдаги партизанлик фронтларида кўп халқларнинг ўғил-қизлари жанговар сафдош бўлдилар. Бу сафларда ўзбек халқининг фарзандлари ҳам кўпгина эди.

Улар ҳақида Болгария матбуоти ҳамон ёзиб турибди. Партизанлар батальонининг собиқ командири, генерал-майор Боян Михнев Чобановнинг ҳозир босмага тайёрлаётган эсдаликларида ҳам ўзбек жангчиларига кўп ёрқин саҳифалар бағишланган.

Софиядаги Революция музейида жангчи Солихон Файзиевнинг сурати турибди. Бу йигитни кўп болгарлар яхши танийди, кекса жангчилар бу залга келганда Солихоннинг таниш чеҳрасини кўриб, ҳаяжон билан жанговар хотираларга бериладилар. Ўзбек йигитининг бу сурати генерал Чобановнинг хотира архивидан олинган. С. Файзиев уни жанговар командирига Югославия тоғларида Черногорск дивизиясида жанг қилган кунлари тақдим этган.

— 1944 йилнинг баҳори эди,— деб хотирлайди командир,— биз партизанлар юрти Черногорияда Лим дарёсини кечиб ўтдик. Батальонимиз Преполе шаҳри остоналарида ўз позициясини эгаллаб, жангга тайёрланиб турганда бирдан отишма бошланиб кетди. Кейин билсак, булар душман орқасидан биз томонга ёриб ўтган қизил аскарлар группаси экан. Эртасига улардан 28 кишини менинг батальонимга қўшиб беришди. Буларнинг ҳаммаси ўзбеклар эди.

Группанинг бошлиғи Солихон Файзиев билан танишдим. У сафдошлари қатори кўп ўлимдан қолган, оғир йўлни босиб ўтган эди. Файзиев ўшанда бундай деб ҳикоя қилди:

1943 йили, душман қўшинлари чекина бошлагандан кейин, гитлерчилар Шарқий фронтга қариялар, ўсмирлар, касал ва инвалидларни ҳам сафарбар қила бошлашади. Концлагерларда ётган ҳарбий асирларга ҳам навбат келди, улардан ҳам «ихтиёрий» отрядлар туза бошлашди. Лагерда бизнинг яширин ташкилотимиз бор эди, маслаҳатлашиб, душманнинг бу саросимасидан фойдаланишга қарор қилдик, режа туздик. Шундай қилиб, ташкилотимиз бутунича Югославия партизанларига қарши курашувчи отрядга қўшиб юборилди. Плав шаҳрига борганимизда яқин орада партизанлар борлигини эшитдигу, режани амалга ошириш учун пайт пойлай бошладик. Ерли аҳоли билан алоқа боғлаш учун яширин йўллар топдик. Мен ўз қарамоғимдаги ватандошларимнинг ҳар бирига жанговар вазифани аниқлаб бердим. Ҳужум бўладиган кечаси соқчиларни даф этиб, қурол-яроғни араволарга юкладик. Кутилмаган томонда отишма бошлаб, шу саросимада бошқа томондан партизанлар лагерига қараб қочдик.

— Ўртоқ командир, биз биронтамиз ҳам солдатлик қасамини бузганимиз йўқ, фашизмга қарши жангга тайёрмиз, буйруғингизни кутамиз!— деб рапорт берди Солихон Файзиев.

Генерал Боян Чобановнинг ҳикоя қилишича, Файзиев бошлиқ ўзбек жангчилари ўлимдан тап тортмайдиган жасоратли йигитлар эди. Улар болгар партизанларини она Ватан учун янада шиддат билан курашга рағбатлантирар эдилар.

Преполе остоналаридаги жанглар сира ёдимдан чиқмайди,— деб давом этди генерал,— ўзбек солдатлари ярадор бўлишларига ҳам қарамай ўт ичига ташланар, қуролни қўлдан қўймай, сафдошларини фақат олдинга интилишга даъват этар эдилар.

Биз Совет Армияси Болгарияга кириб келгунгача душманга қарши шундай, елкама-елка туриб жанг қилдик, кўп қурбонлар бердик, лекин иродамиз синмади, жанговар дўстлик тобора катта кучга айланиб борар эди. Сўнг қадрдон сафдошларимиз ўз қисмларини топиб кетдилар.

Генералнинг эсдаликлари билан танишганимдан кейин Солихон Файзиевни қидириб топдим. У ҳозир Бухоро областида, Киров номидаги колхознинг механизатори экан. Унинг ёрдами билан яна бир сафдошини, сайрамлик, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зиёмат Усмоновни топдик.

Зиёмат Усмонов 1971 йилнинг декабрида Болгарияга келиб, ўзи жанг қилган жойларни кўрди, жанговар командири генерал Чобанов билан учрашди, қадрдон командирининг Ўзбекистонга меҳмон бўлиш ҳақидаги вадасини олди. Менинг бу мақолам «Гулистон»да чиққанда Болгария озодлиги учун курашган қардошларимиздан яна кўпларининг тақдири ҳам маълум бўлиб қолар, деб умид қиламан.

Иван ПЕЙЧЕВ

ЎзССР 50 йиллиги олдидан

«НАМОЗДАЙИН БИР ЗЎР ЎТДИ ЖАҲОНДА...»

1906 йил. Ноябрнинг аёзли кунлари. Каттақўрғон бозорининг кираверишида оч-юпунлар изғириндан жунжикиб, садақага қўл чўзишади. Киракашлар ва ҳаммоллар чеҳрасида ҳам ҳорғинлик. Бозор дарвозасидан икки-уч отлиқ йўртиб кирди. Улар деҳқон йигитларига ўхшаш, оддий тўн кийган, елкаларида милтиқ. Отлиқлар ортидан келаётган коляскада эса ўттиз ёшлар чамасидаги, кенг яғринли қорача киши ўтирар эди. Бозор аҳли Намознинг истиқболига ошиқди. Барча эҳтиром билан салом бериб, уни олқишлар, дуо қилар эди. Дўкондорлар, бойларнинг рангида қон қолмаган, шошилганларидан ўзларини қайси бурчакка уришни билмай қолишганди. Намоз уларнинг молларини тортиб олишга буюрди. Қий-чув бошланди. Йигитлар қандай тез пайдо бўлишса, шундай тез ғойиб бўлишди.

Кўп ўтмай, йигирма чоғли отлиқ казак уезд ҳокими ҳамроҳлигида бозорга кириб, халойиқни босиб-янчиб, от чоптириб келди. Ким Намознинг қаердалигини айтса, катта пул олажагини жар солиб, ҳоким тинмай бақирар эди.

Ҳа, маҳаллий бойлар ва рус маъмурлари Намоз «ўғри»ни тутиш учун озмунча уринишмади. Оқ подшо маъмурияти бунинг учун ҳарбий кучни, бой ва савдогарлар эса мол-дунёсини аямади. Зарафшон водийси ва Бухоро амирлигининг барча қишлоқларида оқ подшо ва амир айғоқчилари Намозни тутиш ниятида изғир эдилар.

Самарқандда Намоз тўдаси устидан махсус тергов олиб борилган. Бу ҳужжатлар Туркистон Ҳарбий Округи судининг прокурори қўлида сақланиб, 14 жилдни (2060 саҳифа) ташкил этган. Самарқанд уездида Намоз ва унинг маслакдошлари устидан 63 та суд иши юритилган. «Маҳаллий қишлоқ аҳли орасида Намоз катта обрў қазониб, деярли афсонавий шахсга айланди... Уни тутишда кўмак берувчилар сони шу туфайли камайиб бормоқда»,— деб ёзган эди Самарқанд уезд ҳокими 1907 йилнинг 10 январида.

Мустамлакачи оқ подшо маъмурларини ва маҳаллий ҳукмрон доираларни бунчалик талвасага солган, халқнинг эса меҳр-муҳаббатини қозонган Намоз «ўғри» аслида ким бўлган?

Намоз Пиримқул ўғли Каттақўрғоннинг Ўтарчи қишлоғидан бўлиб, 1877 йили туғилган. Болалигидаёқ етим қолиб, аввал амакисиникида яшайди, сўнг қаровсиз болалар билан топишиб, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида дарбадар юради. Зулм ва адолатсизликка нафрат Намозда шу ёшиданоқ туғилиб, унда ўч олиш ҳиссини туғёнга келтиради. Йўқсилларни ўз атрофига тўплаб, текинхўр амалдор, бек ва бойлардан аламини олишга қасд қилади. 1905 йилнинг 29 октябрида бир гуруҳ дўстлари билан биринчи марта қўлга тушади. 3 ноябрда эса терговчига берган жавобида, бундан олдин икки марта судланган, биринчи гал бир ярим йил, иккинчи гал 6 ой қамоққа ҳукм қилингани билинади. Шуниси диққатга лойиқки, подшо маъмурлари маҳбусларни қаттиқ қийнаб, «Намоз тўдаси қароқчилардан иборат, у сизларни зўрлаб шу ишга тортган», деган фикрни маъқуллатиб олмоқчи бўладилар. Сўроқ қилинганлар эса бу туҳматни рад этадилар ва ўз ихтиёрлари билан Намоз ҳаракатига қўшилганликларини айтадилар.

1906 йилнинг 2 февралида Намоз турма остидан 42 қулоч узунликда лаҳм қазиб, олтмиш нафар сафдоши билан қочишга муваффақ бўлади. Бу ишда ҳам аҳоли уларга ёрдам беради. Округ суди прокурорининг Тошкент Суд палатаси прокурорига ёзган хатида эътироф этилишича, ўша кечаси турма ташқарисида Холбек Хўжаёров, Тожиқул Имомқулов, Абдувоҳид Абдусодиқов сингари деҳқонлар эгарланган отлар билан кутиб туришган.

Намозчилар турмадан қутилгач, деҳқонлар ҳаракати янада кенгайиб кетгани маълум. Исёнчи тўда бошлиқлари Намоз маслагига яқин кишилар, бир вақт подшо маъмурлари томонидан сургун қилиниб, ўз юртларига қайтган, зулмга қарши курашга бел боғлаган йўқсуллар эди. Деҳқон ва косиблар ҳаракати кўпроқ тарқалган жойлар Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон уездлари, Бухоро амирлигидаги Хатирчи, Шаҳрисабз, Китоб бекликлари эди. Намознинг ҳар бир сафдоши алоҳида отрядга бош бўлиб, Намоз номи билан ҳаракат қилар эди. Намознинг сафдошлари орасида қайнотаси Жавлонқул, шунингдек куёви Холбек ҳам бор эди. Бухоро амири бош закотчисининг Россия императори сиёсий агентига ёзган (1905 йил 11 апрель) хатида айтилишича, Намоз отрядларида эркак киймидаги бир неча аёллар ҳам бўлган. Мазкур отрядлар «Ҳужум вақтида бойларнинг мол-мулкини, қарз эвазига берган тилхатларини олиб кетишар, олган озиқ-овқатларини камбағалларга улашардилар. Баъзан камбағалларга пул билан ёрдам берардилар. Маҳаллий деҳқонлар бу отрядларга катта мадад бериб туришарди.

Деҳқонлар уларни зарур бўлганда таъқибдан яширар, полиция, казак отрядларининг қаёқдан келаётгани ва қайси ерга бораётгани ҳақида хабар бериб турар эдилар... Намоз Пиримқул ўғли бошчилигидаги деҳқон отрядлари камбағал, меҳнаткашлар ҳимояси учун уч йил кураш олиб борди. Полиция ва казак жазочилари уни тутмоқчи бўлиб кўп уриндилар. Намознинг бошини олиб келган кишиларга катта пул мукофоти ваъда қилинди, лекин ҳеч ким Намозни тутиб бермади, дейилади манбалардан бирида.

Намоз бошчилигидаги деҳқон ва камбағаллар ҳаракати ўз-ўзидан келиб чиқмади, албатта. Самарқанд шаҳрида ва бу ҳаракат тарқалган Нурота, Кармана, Қарши, Китоб вилоятларидаги рус посёлкаларида кучли социал-демократик тўгараклар бўлиб, улар ишчи ва деҳқонлар ҳаракатига бошчилик қилишни мўлжаллаган эдилар. Серҳосил ерларни бойлар ва рус мустамлака маъмурлари тортиб олиши натижасида қашшоқлик тобора хунук тус олмоқда эди. Буни 1902 йили Зарафшон водийсини айланиб чиққан генерал Кауфман ҳам эътироф этади. 1915 йил ҳисобига кўра Самарқанд уездида маҳаллий аҳоли жон бошига атиги 0,85 гектар ер тўғри келган, бу ерларнинг ҳам аксар қисми рус маъмурий доираларига хизмат қилувчи амалдор ва бойлар қўлида эди. Шунинг учун маъмурлар ва амалдорлар норозилик ғалаёнларининг олдини олиш мақсадида бой казакларни қуроллантирар эдилар.

Бир томондан, подшо амалдорларининг мустамлакачилик сиёсати, иккинчи томондан, маҳаллий амалдор, бой ва савдогарлар талончилигидан норозилик тобора кучайди. Намоз тўдаси сингари қасоскор деҳқонлар ҳаракати бу шароитда стихияли исённинг ўзига хос шаклларидан эди.

Лекин деҳқонлар ҳаракатига бошчилик қилиши лозим бўлган ишчилар синфи ҳали заиф эди. Шундай вазиятда халқ фақат айрим районлар доирасидагина баъзи шижоатли кишилар теварагида бирлаша оларди. Намоз Пиримқул ўғли ана шундай кишилардан эди.

Деҳқонлар мавжуд тузумни ағдариш учун ва уюшган кучга, на етарли онгли ташкилотга эга бўлмаганликлари сабабли, айрим бойларга ва ер эгаларига, золим маъмурларга қарши кураш, улардан қасос олиш йўлидан боришга мажбур эдилар. Деҳқонларнинг бу кураши бойлар, судхўрларнинг ерлари ва ҳовлиларига ҳужум қилишдан, мустамлакачилик маъмуриятига тааллуқли «бўлислар»ни, оқсоқолларни ва чоризмнинг бошқа малайларини калтаклаш, йўқ қилишдан иборат эди.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида Намоз ва унинг шериклари устидан уюштирилган суд

ва Тошкент округ суди протоколлари, «айбдор»-ларнинг жавоблари, гувоҳларнинг баённомалари сақланиб қолган. Тергов ҳужжатларида Намоз ва сафдошларининг фаолияти кўпинча «талончилик» сифатида баҳоланиб, унинг асл моҳияти хаспўшлаб ўтилади. Чор маъмурлари деҳқонларнинг бундай ҳаракати биринчи рус революцияси таъсирида келиб чиққан революцион курашнинг ўзига хос турларидан бири эканлигини яхши тушунардилар.

Самарқанд ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси ўз докладида, жумладан, шундай дейди: «Намоз камбағал аҳоли орасида катта шуҳратга эга. У аҳолининг ҳар бир хизмати учун кўп меҳрибончиликлар кўрсатади; фақат бой, амалдорларнигина талайди, камбағаллар учун эса пул, ғалла, уруғлик билан доим ёрдамга тайёр».

Подшо маъмурлари таъқиб этган исёнчилар орасида бир вақт сургун қилиниб, оз бўлса ҳам синфий тушунча орттирган «сибирчи»лар бўлгани диққатга лойиқдир. Бу «сибирчи»лар доим халқ ҳимоясига таянганлари маълум. Ўша йиллари «Туркистон вилояти газети»да Намоз ва йигитлари ҳақида тез-тез хабарлар босиларди: «1906 йилнинг 20 октябрь куни соат 4 да Даҳбед участка пристави капитан Олейников тўра Самарқанд ҳарбий губернаторининг фармойиши билан 32 нафар отлиқ солдат ва бир нафар офицер тўра билан Даҳбед қишлоғига келиб, Мирзо Саидмурод Мирзо Қобил ўғлини ва волостной управитель Мирзо Ҳамид Ҳасанбой ўғлини бирга олиб, Намозбой Пиримқул ўғли деган сибирчининг ҳовлисини бориб босдилар. Мазкур Намоз Пиримқул ўғлини ҳовлисидан тополмай, ондин ўтиб Шаҳоб бўлуси Қўшқўрғон қишлоғига бориб, Шерниёз деган сибирчининг ҳовлисини босганда, мазкур Шерниёз ва унинг ҳамроҳи Эсергеп деган сибирчи кўпкари чопиб юрган эканки, жаноб пристав тўрани кўргандан кўпкаридан чиқиб қочибдир. Орқасидан Даҳбед волостной, бир нафар йигити ва бир нафар отлиқ солдат уч марта ўқ бўшатдилар, тегмай, Шерниёз қўлдан чиқиб қочди. Эсергепнинг оти кўлга йиқилиб қолганда, отни ташлаб, пиёда қочди. Шоли ташиб юрган деҳқон олдига бориб, онинг отини олиб, миниб қочаман деган ҳолда Даҳбед волостной управители бориб, мазкур Эсергеп ўғрининг ёқасидан ушлаб олди. Шу вақтда бир нафар отлиқ солдат келиб, волостнойга ёрдам бериб, боғлаб олдилар. Шерниёз қочиб қутулди». «Аларнинг юрган йўллари ва ётган жойлари Каттақўрғон уездидаги жамиъ фуқароларга гарчи маълум бўлса ҳам, аммо алар сўраган амалдорларга, кўрганимиз йўқ, деб жавоб берар эканлар».

Намоз қасос олган ҳамма шахслар халққа маълум энг золим бойлар бўлган.

«Ўтмиш жума куни, 24 ноябрда Намоз ўз надимлари билан Самарқанд шаҳрига кириб, бир катта бойнинг ҳовлисини босибдур». «Намоз Хатирчида катта бир базмнинг устидан чиқиб, ўшал базмга жамъ бўлган одамларга «ҳаммаларинг дуру гавҳарингни ўртага ташла» деб амр қилиб, ҳаммаларининг ҳамёнларини йиғиб олиб кетиб қолибдур».

Подшонинг жазо отрядлари исёнкорларни шафқатсиз бостириш ҳуқуқини олган эдилар. «Намоз Самарқанд шаҳрига яқин жойга келди, деган хабар етилибдур. Буни эшитиб пристав ўз йигитлари билан ҳам бир офицер, қозоқ ўрислар билан мавзега чопиб бориб, Намоз надимларидан иккисини отиб ўлдириб, тўққизини тириклай ушлаб, Самарқанд шаҳрига келтириб, аларнинг оёқларига кишан солиб, катта турмахонага қамаб қўйибдурлар». «...Андин кейин Намоз ва Шерниёз турган уйни тўрт тарафидан ўт қўйиб, куйдирмоққа бошладилар. Мазкур уйлар куйиб турганда Намоз ва Шерниёз бошқа бир уйга тешиб ўтиб, бир катта омбор остига кирибди, шул вақтда соат 9 кечаси эди, солдатлар хўракка машғул бўладилар ва ҳовли эгаси ўғриларни чиқариб юборибдур, деб айтдилар. Эртасига жамъ солдатлар бир неча бомба ташлаб, бир неча уйларни ағдариб, уч ҳовли тамоман куйиб соб бўлди. Куйган уйларнинг остидан Намознинг икки солдати, беш ўқлик милтиғи, тўрт адад тўппончаси, тахминан 500 гача милтиқ ўқлари топиб олинди. Шерниёзни ярадор қилиб ушлаб олинди».

«Самарқанд шаҳрида барпо бўлган район суди Намознинг қўлга тушган надимларининг ишини ҳақиқат қилиб кўриб, аларнинг ҳаммаларини дорга осиб ўлдиришга ҳукм қилибдур». Қизиғи шундаки, Намоз ва сафдошлари ноинсоф ва золим бўлган руҳонийларни ҳам аямас эдилар. Мана, «Туркистон вилояти газети»дан яна бир хабар. «Икки ҳафта муқаддам Самарқанд шаҳридан тахминан 18 чақирим масофа жойда Шаҳрисабз йўли билан ушбу сана ҳаж қилиб келаётган 17 нафар ҳожилар билан бир неча бозорчи савдогарларни Намоз ва Сибирдан қочиб келган Жўра заргар билан Ғарда ва Очилди деган бир неча нафар ёмон ҳамроҳлари билан талон ва торож қилибдир...» Ўша вақтдаги ҳукмрон дин ҳам Намозни қўрқитолмагани эътиборга лойиқдир.

«1905 йилнинг 17 апрелида,— дейди пристав Широков, — мен, қароқчиларнинг амир одамларидан 11 отни зўрлик билан тортиб олганликлари ҳақида маълумот олдим. Қароқчилик Бухоро территориясида рўй берибди.

...Аҳоли тўда ҳақида хабар беришга кўнмасди. Биз, маъмурлар шунинг учун насл-насаби номаълум, бетайин одамларга пул бериб, тўда тўғрисида маълумот олардик».

Ҳужжатларга кўра, Намоз жуда мард одам бўлган, сафдошлари эса унинг ҳаётини сақлаш учун ҳар ишга тайёр бўлганлар. «5 казак ва 4 отлиқ полициячини олиб, ўша қишлоққа жўнадим,— дейди пристав Голов,— Менглихўжа қишлоғи яқинидаги йўлда икки шубҳали кишини учратдим. Улар ўзларини Самарқанд уезди аҳолисидан деб таништиришди. Намоз ҳақидаги саволимга ҳеч нарса билмасликлари ва эшитишмаганликларини айтишди. Казакларга уларни тинтув қилишни буюриб, бизни кузатиб бораётган оқсоқолнинг укасини чақирдим, у икки кишини таниб, улар Хўжаариқ волостидан Шакар мулла Ҳасанов ва Сергали волостидан Абдураим Мавлонбоев эканлигини айтди. Ҳасановдан револьверлар ва патронлар солинган халтача топилди. Уларни тутишга буюрдим. Намоз разведкага юборган одамлар экан. Уларни отлиқ полициячи билан қўшиб, уезд бошқармасига жўнатдим, ўзим эса йўлга тушдим. Йўл-йўлакай Намоз тўхтаган қишлоққа кириб ўтдик. Оқсоқолнинг маълум қилишича, Намоз шу ерда эди. ...Ариқдан сакраб ўтиб, Намозга етиб олдим, унинг чўнтагидан револьвер чиқарганини кўриб, ўқ уздим. Лекин ўқим тегмади, шоли майдонидан айланиб 20 қадамча нарида тўхтадим. У ён-атрофга қараб, менга ёрдам учун ариқдан сакраб келаётган казакларни кўргач, револьверини четга улоқтирди: «Ол, сенинг омадинг!» деди. Мен уни юзидан танидим, ёзда уезд бошлиғи билан унинг тўдасини қувиб юрганимизда кўргандим. Унинг қўлоёғини боғлаб, қишлоққа жўнатдим».

Намознинг сафдошлари «приставнинг Намозни ҳибсга олишига ҳалақит бериш учун казаклар билан отишма бошлашди... Қарийб бир кун отишиб, Намознинг қутулишига имкон беришди, ўзлари эса қўлга олинди».

Мазкур ҳужжатлардан Намоз ҳаракатининг кимларни таҳликага солгани, кимларнинг манфаатини акс эттиргани изоҳсиз ҳам маълум. Подшо маъмурлари Намоз ва унинг дўстларини тутиш учун барча воситаларни, туҳмат ва иғволарни ишга солдилар: жосуслар ёллаб, Намоз ва унинг дўстларини қароқчи, ўғри деб тарғиб қилдилар. Ўзларининг тузоғига тушган Намоз, одамларини Намоз номи билан қароқчилик ва ўғрилик қилишга ундадилар. Бу ҳақда архив ҳужжатлари гувоҳлик беради. Масалан, Намозни дўстлари билан қўлга олиб, 1906 йилнинг январида қароқчиликда айблаганларида у қуйидагича жавоб қилган: «Миш-мишларга қараганда, ҳар бир қароқчиликда Намоз иштирок этармиш. Бу қандай Намоз эканлигига ўзим ҳайронман. Ҳар ҳолда у мен эмас. Яна шуни айтишим лозимки, Ҳатам деган шахс ҳар гал қароқчилик қилганида негадир ўртоқларига ўзини Намоз деб аташни амр қилганини эшитдим». Бошқа бир ҳужжатда эса Ҳатам Каримовнинг подшо амалдорлари ва казаклар билан Намоз ва унинг дўстларини таъқиб этишда иштирок этгани ҳақида сўз боради. Қамоққа олинган ҳар бир маҳбусдан подшо маъмурлари «Намоз ўз отрядларига йигитларни зўрлаб ёллаган ва қароқчиликка бошлаган», деган фикрни маъқуллатиб олмоқчи бўлдилар. Қамоқдаги азоб ва қийноқларга чидай олмаган баъзи маҳбуслар Намозни қароқчи деб аташга мажбур бўлган. Ҳатто Каттақўрғон уезди бошлиғи Петр Скварский 1908 йили 21—28 январь кунлари бўлиб ўтган Самарқанд округи судининг 150 га яқин гувоҳлар қатнашган очиқ мажлисида Намоз отрядига «одамларнинг зўрлаб ёлланиши ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман», деган. 1908 йилнинг 21—28 январь суд протоколида қуйидагилар эътироф этилади: «Намоз отрядлари орасида юриб, Оқтепа волости бошлиғининг топшириғини бажардим, уларни тутиб туришга, казакларнинг етиб олишига имкон беришга интилдим. Челак пристави отряд кетидан қувиб юрганида, Оқтепа волостнойи Намоз отрядини у томондан қўйилган жосус, яъни мен кузатиб юрганимни айтди».

1907 йилнинг 25 май куни Самарқанд ҳарбий губернатори махфий буйруғида Намоз отрядларини тугатиш мақсадида жиддий операциялар бошлаяжаги уқтирилди: подполковник Сокольский ва участка пристави капитан Голов ихтиёриди; Бухоро амирлиги чегарасида 12 ҳарбий пост, га 2-Урал казак полкидан ҳарбий куч юборила-Самарқанд, Каттақўрғон уездларида 10 та кузатув пости ташкил этилади. Маҳаллий аҳоли қишлоқларда махсус қуролли отрядлар жойлаштирмоқчи бўлган подшо маъмурларига қаътий қаршилик кўрсатади. Бундай ҳолни ҳатто Туркистон генерал-губернатори ҳам ўзининг Петербургдаги Бош штабга ёзган хатида эътироф этади.

1907 йилнинг июнида Намозни ўз тўдасидаги хоинлардан бири ўлдирган дейишади. Намоз ҳақида достон яратиб, куйлаб юрган Нурмон шоир (1862—1909) унинг қотили сифатида Кенжа деганни тилга олади:

Остида ўйнайди арғумоқ оти,
Оқ подшога кетганди арзи-доди,
Жиловида Кенжадайин жаллоди.
Кенжадайин қонхўр бордир жаҳонда.

Лекин подшо амалдорлари ўз жосусларини ҳимоя этиш мақсадида қотил сифатида Намознинг содиқ сафдошларини атаган бўлишлари ҳам эҳтимол. Мана бу ҳужжатлар шундан далолат беради: чунончи, подполковник Сокольскийнинг рапортида Намозни сафдоши Қобил ўлдирганлиги айтилади. Бошқа манбаларга кўра, Қобил курашни давом эттириб, 1907 йилнинг декабрида мустамлакачи қўшинларга қарши жангда ўлган. Мана бу ҳужжат ҳам фикримизни тасдиқлайди:

«Хайрият, Сизнинг жиддий ташаббускорлигингиз ва тадбиркорлигингиз туфайли биз Намоздан қутулдик... Ташаккуримни қабул қилгайсиз. Намоз ҳаракатини тугатишда иштирок этган барча маъмурият бошлиқларини, қўшинлар қўмондонларини менинг номимдан табриклаб қўйинг... Лозим бўлганларини тақдирлашга тавсия этинг»,— деб ёзади Туркистон генерал-губернатори Самарқанд ҳарбий губернаторига 1907 йилнинг 9 июнида.

Намоз кўрсатган қаҳрамонликлар ўзбек халқининг мустамлака қуллиги ва зулмига қарши курашининг тимсоли бўлиб қолди. Биз бу қасоскор исёнчилар ҳаракатини барча меҳнаткашлар ўз ҳаққи-ҳуқуқлари учун курашининг ажралмас бир қисми тарзида ўрганишимиз лозим. Машҳур рус тарихшуноси академик А. В. Пясковский Намоз ҳаракатини бой ва амалдорларга қарши ҳақиқий халқ ҳаракатидир, деб ҳисоблайди, Намоз фаолиятини эса молдаван халқининг асл фарзанди Г. И. Котовскийники билан таққослайди.

Г. И. Котовский ўз таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзган эди: «1906 йил ва ундан кейинги йиллар... мени ишчи ва деҳқонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун шиддатли ва букилмас, фаол қасоскор қилиб тарбиялади. Помешчик, фабрика эгалари, умуман бойлардан қонли ўч ола бошладим, мулкларини ёндирдим, бойликларини тортиб олиб, кейин уларни Бессарабия шаҳар, қишлоқларининг камбағалларига улашиб бердим». Маълумки, Котовский кейинчалик, гражданлар уруши йилларида катта жасоратлар кўрсатди.

Ўзбек халқи ҳам Намоз ҳақида афсоналар, қўшиқлар тўқиб, уни чуқур ҳурмат билан тилга олади. Каттақўрғонлик Нурмон шоир Намознинг қаҳрамонликларидан илҳомланиб, 1906—1907 йиллари «Намоз» деган терма яратиб, йиғинларда куйлаб юради.

Кеча-кундуз юргани дала-дашт бўлди,
Ўттиз йигитларга ўзи бош бўлди.
То ўлгунча Николай билан ғаш бўлди,
Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда.

Каттақўрғон ҳокими шоирни туттириб, қамоққа солади. Шоир қамоқхонада ваҳшийларча қийноқларга дуч келади. Нурмон шоир Намозга эътиқоди учун турмада уч ярим йил азобланиб, ўлади.

Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳам халқ қаҳрамони Намоз ҳақида роман ёзишни ният қилган эди. У Зарафшон водийсини кезиб, материал тўплади. Аммо романни ёзиш унга насиб этмади.

Иззат Султоннинг ҳозир саҳнада кўрсатилаётган «Номаълум киши» шеърий романтик драмаси ҳам Намоз ҳаёти материалларига асослангандир.

Бизнингча, Намоз ҳаракати ўзбек халқининг ижтимоий тенгсизлик ва мустамлака зулмига қарши кураши тарихининг ёрқин саҳифаларидан биридир.

Наим НОРҚУЛОВ,
Ҳамдам СОДИҚОВ

Янги саҳифа

Навоий гулшани

Алишер Навоий номидаги Адабиёт ва санъат давлат музейининг директори, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид СУЛАЙМОНОВ билан мухбиримизнинг суҳбати.

— Ҳамид Сулаймонович, Алишер Навоийнинг «Сабъату абҳур», яъни «Етти денгиз» асари хусусида баъзи бир маълумотларни сўраб билмоқчи эдим.

— **Бажонидил.**

— Ўзингизга маълумки, шу йили Алишер Навоий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий конференцияда «Сабъату абҳур» луғати ва унинг муаллифи ҳақида» деган мавзуда маъруза ҳам тингланди.

— **Баракалла! Ўша анжуманда буни кўпчилик кутмаган эди.**

— Ҳа. Маърузачи шогирдингиз Ботирбек Ҳасанов эди. Чиндан ҳам, Навоий даҳосининг янги саҳифаси дегулик асарнинг қўлга киритилиши фавқулодда қувончли воқеа. У ҳақда қисқача маълумот бериб, журналхонларимизни мамнун этсангиз.

— **Марҳамат. Лекин бу бебаҳо топилма тўғрисида баъзи мулоҳазаларнигина айтиш билан чекланамиз. Чунки, қисқача мусоҳаба шуни тақозо этади.**

1960 йили Туркия олимлари кўмагида Навоий тузган араб тили изоҳли луғатининг микрофильмини олишга эришдик. Ҳазинамизга келиб тушган бу ноёб асар Истамбулнинг Аё Суфия кутубхонасида сақланаётган нусхадан кўчирилган.

— Шу кунгача «Сабъату абҳур» тўғрисида қандай хабарлар бор эди?

— **Бизни ҳам таажжублантирган савол бу! Нега десангиз, машҳур муаррихлар — Хондамир ва Восифий китобларида ҳам, Бобирнинг «Бобирнома»сида ҳам, ҳаттоки Навоийнинг ўз асарларида ҳам бу ҳақда бирор ишора йўқ. Дастлабки тахминларга қараганда, Навоий араб тилининг изоҳли луғати устида узоқ меҳнат қилган ва буни ўзгалардан сир тутган. Умрининг охирларида бу улкан иш ниҳоясига етган бўлса ажаб эмас. Яхшики, машаққатли меҳнатнинг изи ўчмай, бизгача етиб келган. Анча кейин, яъни яқиняқинларгина «Сабъату абҳур» тилга олинадиган бўлиб қолган. 1927 йили Козим Қадрий «Турк луғати» китобида «Сабъату абҳур» Навоий асари эканини айтади. Шундан 29 йил ўтгач, турк олими Огоҳ Сирли Лаванд бир рисоласида Навоийнинг арабча луғати бор, деб гумон қилади. 1960 йилда эса таниқли озарбайжон адабиётшуноси Ҳамид Орасли «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналида бу хушхабарни қайд этади.**

— Ҳамид Сулаймонович, «Сабъату абҳур»нинг фақат битта қўлёзмаси сақланганми?

— **Йўқ. «Сабъату абҳур»нинг қўлёзмаси ягона эмас. Туркиядаги Нурул Усмония ва Сулаймония кутубхоналарида унинг яна бешта қўлёзма нусхаси бор. Қўлёзмалардан бирини 1722 йили хаттот ва олим Аҳмад ибн Али Туроб Улусий ва яна бирини 1737 йили хаттот Аҳмад ибн Али ад-Дамашқий ал-Манимий кўчирганлар.**

— Яна бир савол. Навоий тузган изоҳли луғатнинг ҳажми ва шарҳ берилган сўзларнинг кўлами қанча?

— **Жуда баракали луғат. Ҳазилакам эмас, саккиз юз саҳифа. Ҳозирги ёзувимизда чоп этсак, саксон босма табақдан ошиб кетади. Қирқ беш минг арабча сўз жамланган. Ҳар бир сўзга берилган ёндош сўзларнинг изоҳлари ўрта ҳисобда ўнтага боради. Луғатда қарийб тўрт юз эллик минг арабча сўз жамланган. Шунисн шубҳасизки, улуғ Навоий она тилидан бўлак форс тилини мукаммал билган, сўнгра шоирнинг ишқи араб тилига ҳам тушиб, уни ўрганишга қасдланган. Навоий бу ниятининг уддасидан чиқиб, закосининг чексизлигини яна бир бор намойиш этган.**

— Раҳмат. Энди охирги саволимга жавоб берсангиз. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий араб тилининг изоҳли луғатини тузаётганда бирор манбадан фойдаланганми?

— **Албатта. Шоир улкан луғатини яратаётганда, жумладан, «Соҳоҳ», «Такмила», «Кашшоф», «Ғаройиб ул-ҳадис», «Завойид», «Муфассал» изоҳли луғатларидан ҳамда «Муфассал»нинг иккита мукаддимаси ва шарҳларидан фойдаланган... Бу янги асарни келгусида Навоий куёллиётига қўшиб чоп этамиз.**

Гурунгимиз борасида бир истак туғилди. Билсангиз керак, истеъдодли илмий ходимимиз Ботирбек Ҳасанов «Навоийнинг «Сабъату абҳур» луғати» мавзуида тадқиқот олиб бораётир. Демоқчиманки, Ботирбек Ҳасанов «Гулистон»нинг келгуси сонларидан бирида «Сабъату абҳур» ва унинг хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот берувчи мақоласи билан қатнашса, айни муддао бўлур эди.

Маданиятимиз заҳматкашлари

ЛУТФУЛЛА ОЛИМИЙ

Ўзбек совет матбуоти ва маърифатининг илк қалдирғочларидан бири Лутфулла Олимий ўзининг жўшқин фаолиятини асосан 20-йиллардан бошлади. У Уфадаги «Мадрасаи Олия»да (1916) ўқиган вақтларида шарқ классик адабиётини севиб ўрганди. «Шўро», «Вақт», «Мулла Насриддин» каби татар, озарбайжон газета ва журналлари орқали Тўқай, Собир асарлари билан танишиб, шеърлар машқ қилди. Туркистонда янгича мактаблар очиб, болаларни янгича ўқитишга тарғиб этди. Ёшларни маърифатга, маданиятга чорлади. Унинг «Садойи Туркистон» газетаси, «Шўро» журналида босилган илк шеър ва мақолалари бунинг далилидир.

Революциядан кейин у совет идораларида, масъул вазифаларда фаол иш олиб борди. Акмал Икромов, Насриддин Нуриддинов ва бошқалар билан бирга Наманганда очилган «Намуна» мактабида дарс берди. Фарғонадаги совет матбуотининг қалдирғочи ҳисобланган «Ишчилар қалқони» газетасининг сарнотиби бўлиб ишлади. Бу газета ўзининг ғоявий мазмуни, йўналиши, жанговарлиги билан Наманганда босмачиларга қаршн кураш, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни ғоявий, сиёсий руҳда тарбиялашда катта роль ўйнаган эди. Лутфулла Олимий Наманганда болалар ва ёшлар матбуотини вужудга келтириш, ёшлар адабиётини жонлантириш учун курашди, «Қизил тикан» деган сиёсий-адабий ва ҳажвий журнал ташкил этди. «Қизил байроқ», «Туркистон», «Фарғона», «Меҳнат байроғи» газеталари, «Билим ўчоғи», «Қизил тикан» журналларида шеър, публицистик ва адабий мақолалари, очерклари билан тез-тез кўриниб турди. Унинг «Нодира» (1923), «Унутилган шоир», «Қизил адабиётимизнинг ҳозирги ҳоли», «Пахта — олтин», «Сиёсат дунёсида», «Бугун нега матбуот байрами?», «Жумҳуриятимизнинг ранси Фарғонада» (1925—1926) мақолалари айниқса диққатга молик. Бу мақолаларда Лутфулла Олимий ўзбек классик адабиётида муҳим ўрин эгаллаган Нодира каби шоираларимиз ва ишчи-деҳқон шоири, маърифатчи Сўфизода ва унинг асарлари ҳақида меҳнаткашлар оммасига матбуот орқали биринчи бўлиб маълумот берди, янги адабиётимизнинг йўналиши, аҳамияти ҳақида илк бор фикр айтди.

Мамлакатда пахтачиликни ривожлантириш, пахта мустақиллиги учун кураш, халқнинг иқтисодий ва маданий турмуш даражасини кўтариш, маҳаллий матбуотни ривожлантириш ҳақида, биринчи президентимиз Йўлдош Охунбобоевнинг Фарғонага келиши, халқнинг ўз ичидан чиққан раҳбари ва дўстига муҳаббати тўғрисида тўлқинланиб ёзди, ўлкамизда тинчланиш даврндаги жонланишлар, янги қишлоқ лавҳаларини тасвирлашга уринди.

Филология фанлари кандидати Бурҳон Ҳайдаровнинг ёзишича, Лутфулла Олимий бу даврда «Ваҳшийлар фожиаси», «Омон полвон», «Ёш қурбонлар» каби драмалар ҳам ёзган, уларда босмачиларнинг ваҳшийликларини фош этган, 1919 йили Шарқ труппасининг артистлари коммунистлар клубида «Омон полвон» пьесасини намойиш ҳам қилган.

Лутфулла Олимий ҳаётининг сўнгги йилларини Наманган шаҳрига яқин хушҳаво Қурама қишлоғида ўтказиб, 75—76 ёшларида вафот этди. У билан яхши таниш ва қадрдон бўлган кенса журналист, адабиёт мухлиси, Ленин номидаги колхоз раиси Мирҳамид ака Ҳакимовнинг ҳикоя қилишича, Лутфулла Олимий яқин йилларгача Кичик Қурама қишлоғида фельдшер бўлиб ишлаган. Боғдорчилик, асаларичилик билан шуғулланган. Навоий, Саъдий асарларини ўқиб, суҳбатдошларини хушнуд этган ва шеър машқини канда қилмаган.

Ўзбек матбуоти ва маърифатининг ташаббускорларидан бири Лутфулла Олимийнинг матбуот саҳифаларида чиққан асарларини топиб, тадқиқ этилса, энг муҳимларини нашр этиб, жамоатчиликка тақдим қилинса, адабиёт ва матбуот тарихимизни ёритишга ёрдам берган бўлур эди.

Ш. ТУРДИЕВ

ГАЙАВАТА — ТИНЧЛИК ЖАРЧИСИ

Ҳар бир халқнинг оғиздан-оғизга кўчиб, авлоддан-авлодга ўтиб юрувчи бобомерос достон ва эртаклари, афсона ва ривоятлари бор. Бу асарларида халқлар бахтли келажакни орзу қилганлар, бутун дунёда тинчлик барқарор бўлишини, одамларнинг бир-бирлари билан дўст-иноқ бўлиб яшашларини истаганлар. Мана, олдимизда бир китоб турибди. Унинг биринчи бобидаёқ, бу нўҳна дунё яралганидан буён одамлар ўртасида бемаъни адоват ҳукм сурганлиги, бу адоватни бартараф қилиш учун кимлардир жон куйдирганлиги ҳақида ўқиймиз... Гитчи Манито барча қабилаларнинг вакилларини хузурига чорлаб, уларга насиҳат қилади. Дўст бўлиб яшаш, ўзаро қирғинларга чек қўйиш кераклигини уқтиради.

Қабилаларнинг бошлиқлари унинг даъватини қабул қиладилар. Қурол-аслаҳаларини ерга кўмиб, дарёда чўмиладилар, жангларда танларига юқиб қолган қонлар ювилиб кетади, пок бўладилар...

Ун тўққизинчи асрда яшаб ижод этган америкалик шоир Генри Лонгфеллонинг «Гайавата ҳақида қўшиқ» достони мана шундай бошланади. Гитчи Манито айтган «туғилажак пайғамбар» Гайавата эди, у бутун асар давомида дўстлик ва тинчлик учун кураш олиб боради. Гайавата шоир хаёлида тўқилган образ эмас, балки тарихий шахс. У ўн бешинчи асрда яшаган ирокез қабиласининг бошлиқларидан бири, бир неча душман қабилаларни яраштириб, мустаҳкам иттифоқ тузган раҳбар.

1855 йилда эълон қилинган бу асар ҳақрамонлик ҳақидаги эпос сифатида тезда машҳур бўлиб кетди. Маълумки, бунгача америка-халқи ўз эпосига эга эмас эди. Лонгфеллони оламга танитган «Гайавата ҳақида қўшиқ» кейинчалик жуда кўп тилларга таржима қилинди. Лонгфелло уни Шимолий Америка ҳиндиларининг турли қабилалари орасида бир неча аср мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган машҳур афсоналар асосида яратган.

Халқлар ўртасида тинчликни, дўстликни, ҳамжиҳатликни куйловчи, одамларни инсонпарварликка даъват этувчи бу асар жаҳон адабиёти хазинасида ҳеч қачон ўз мавқеини йўқотмайдиган қимматбаҳо дурдоналардан ҳисобланади.

«Гулистон»нинг бу сонида Гитчи Манито айтган «туғилажак пайғамбар»— Гайаватанинг уйланишини тасвирловчи бобни муҳтарам журналхонларимизга тақдим қиламиз.

Генри ЛОНГФЕЛЛО

Тинчлик пойдор бўлсин, десанг...

«Эру хотин ёйга ўхшар,
Худди таранг ипли ёйдир.
Ёйни ипи букса ҳамки,
Ўзи унга итоаткор.
Қанча эгиб, тортса ҳамки,
Айрилолмас ундан сира.
Ип бўлмаса — ёй ҳам бекор!»
Шундай фикр билан кўп бор
Гоҳ ноумид, гоҳ умидвор,
Жўшқин ўйлар оғушида
Толиққанди Гайавата.
Уйлагани — Дакот элин
Сулув қизи Миннегага.
Накомис кўп эҳтиётқор,
Сўзлар эди босиқ, вазмин:
«Ёт улусдан уйланмагин,
Қиз ахтарма дунё кезиб!
Қўшни қизи тўпорроғу
У чайланинг ўт, ўчоғи.
Четдан келган қизнинг ҳусни
Худди ойнинг совуқ нури,
Олис юлдуз милтираши!»
Шундай дерди кекса биби.
Аммо оқил Гайавата
Дер эдики: «Оҳ, бибижон!
Чайладаги ўчоқ азиз,
Аммо менга азизроқдир
Кўкда ёнган ёруғ юлдуз!»
Сўнг Накомис яна дейди:
«Совуқ сувга қўл урмаган
Дангасаси керак эмас.
Шундай қизни олиб келки,
Хизмат қилсин жон-жаҳд билан,
Чаққон бўлсин оёқ-қўли!»
Бунга кулар Гайавата:
«Дакотларнинг ватанида
Бир ўқсозни кўрган эдим;
Бўйга етган бир қизи бор,
Сулувларнинг сулувидир.
Олиб келсам ўша қизни,
Иш буюрсанг, ўз қизингдай
Итоаткор бажаргуси,
Ёнади ой, юлдуз бўлиб,
Ўчоғингда оташ бўлиб,
Эл бошида қуёш бўлиб!»
Эҳтиётқор биби эса
Билганидан қолмасди ҳеч:
«Келгиндини — Дакот қизин
Остонамга йўлатмагин!
Дакот зоти ваҳший, ёвуз,
Улар билан жанг қилдик хўп,
Дилимизда адоват кўп,
Танимизда жароҳат кўп!»
Гайавата кулимсираб,
Бу гапга ҳам жавоб топди:
«Гап шунда-да, узил-кесил
Тугатай деб адоватни,
Тугатай деб жароҳатни,
Дакотларнинг диёрига
Бормоқчиман қиз олгани!»
Шундай қилиб, Гайавата
Гўзалларнинг юрти сари
Бел боғлади зўр сафарга.
Кетди сойлар, чўллар ошиб,
Шўнғиб хилват ўрмонларнинг
Сокин, салқин оғушига...
Эшик олди, бўсағада
Миннегага билан бирга
Кекса ўқсоз ишлар эди.
Ялтироқ тош, чақмоқ тошни
Йўнар эди, чархлар эди.
Қизи эса хаёл суриб,
Тинмай бўйра тўқир эди.
У ўйларди жим ўлтириб,
Келажаги, тақдирини,
Чол ўйларди ўтмишини...
Миннегага хаёл суриб,
Эслар эди баҳор фасли
Келиб кетган ёш овчини,
Ожибуэлар элин ўғли,
Хипча, гўзал йигитчани.
Эслар эди кетаётиб
Унинг пинҳон боққанини.
Шундан кейин чол ҳам анча
Мақтамишди у йигитнинг
Оқиллиги, мардлигини.
Оҳ, у яна бу соҳилга
Келармикан, келармикан!
Миннегага хаёл суриб,
Олисларга боқар эди,
Бормас эди қўли ишга.
Шунда ногоҳ чакалакдан
Келди оёқ товушлари.
Сўнг шитирлаб шох-шаббалар,
Юз бўғриқиб тез юргандан,
Елкасига кийик ортган
Гайавата бўлди пайдо.
Чол кўзларин ўқдек қадаб,
Меҳмон томон боқди бир зум.
Бироқ уни танидию,
Ишни ташлаб, ирғиб турди,
«Саломат бўл, Гайавата!»,—
Деди чиқиб пешвоз унга.
Чайласига таклиф этди.
Тўхтаб қизнинг қаршисида,
Ўлжасини елкасидан
Ерга қўйди Гайавата,
Қиз оҳиста боқиб унга,
Саломлашди майингина:
«Саломат бўл, Гайавата!»
Миннегага ишдан тўхтаб,
Меҳмон кутмоққа киришди,
Олиб келди жилғадан сув,
Уятчанлик билан таом
Қўйди сопол косаларда,
Сўнг ийманиб сув узатди
Қуйиб заранг ёғлоғига.
Сўнг ўлтириб тинглади жим
Чол ва меҳмон суҳбатини.
Тинглардию бироқ ўзи
Бирор оғиз сўз қотмасди...
«Неча йиллик адоватлар,
Қонли кураш тугаб энди,
Ожибуэлар ва дакотлар
Ўлкасида тинчлик ҳоким!—
Деди охир Гайавата,
Сўнг оҳиста этди давом: —
Пойдор бўлсин, десанг, тинчлик,
Бўлсин, десанг, шу иттифоқ,
Бўлсин, десанг, дўстлик мангу,
Хотинликка бер қизингни,
Рухсат бергин, олиб кетай
Уни она днёримга!»
Жавоб бериш олдидан чол
Бирозгина сурди хаёл.
Тамакисин чекиб сўзсиз,
Меҳмонига мағрур қараб,
Қизга боқиб меҳр билан,
Жавоб қилди ғоят жиддий:
«Қизим изми ўзидадир.
Нима дейсан, Миннегага!»
Хижолатда қолди қизи,
Аммо-лекин бу ҳолатда
Кўринарди яна сулув.
Гайавата ёнига сўнг
Чўкди аста, тортиниброқ
Ва қизариб берди жавоб:
«Майли бирга кетай, ёрим!»
Шундай деди Миннегага.
Шундай қилиб Гайавата
Ваҳший Дакот элатидан
Олиб кетди сулув қизни!..

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси

Суҳайлам. М. МИНКОВИЧ фотоси

АДАБИЙ ЛАВҲАЛАР

Сирасини айтганда, инсоният тарихидаги буюк ҳодисаларга гувоҳ бўлган XX аср бошлари адабиёти бизда ҳалигача махсус ва атрофлича ўрганилган эмас. Рус, украин, озарбойжон, татар, тожик ва бошқа қардош адабиётларда бу давр адабий ҳаракатчилигининг асосий тенденциялари, проблемалари, кўзга кўринган намояндалари ижоди ҳақида кўплаб монографиялар, илмий-тадқиқот ишлари вужудга келган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида 1905—1917 йиллар адабиётининг энг муҳим хусусиятлари, ғоя ва бадиияти масалаларига бағишланган жиддийроқ иш кейинги пайтларга қадар кўзга ташланмайди. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Озми-кўпми оралиқда ўтган давр, ўша давр ҳужжат ва материалларининг сочилиб ётганлиги, араб ёзувининг кўпчилик китобхонларга таниш эмаслиги, қолаверса, етарли даражада эътибор берилмаганлиги натижасида мазкур давр адибларининг буржуа жадидизмига қайбир даражадаги муносабати 1905—1917 йиллар адабиётини ўрганишда муайян кийинчиликлар туғдирди. Лекин бу даврни ўрганишнинг жуда катта илмий-маърифий, сиёсий-тарбиявий аҳамияти бор. Аввало, у кўп асрли адабиётимизнинг муҳим бир босқичи, ўзбек совет адабиётининг илк сарчашмаси сифатида қадрлидир. Иккинчидан, шонли инқилобчи авлодимизнинг (мазкур давр адабиётининг кўпгина тараққийпарвар намояндалари инқилобни амалга оширишда, совет тузумини ўрнатишда иштирок этдилар) ўша суронли йиллардаги орзу-ўйлари, ҳис-туйғулари ҳамиша биз учун мўътабардир. Қолаверса, мафкуравий мухолифларимизнинг Туркистонга инқилоб четдан олиб келинди, деган даъволарини инкор этишда ҳам бу давр адабиёти, жумладан, инқилобий шеъриятимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, асримиз бошларидаги адабиётимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Мавзулар доираси кенгайди, жанрлар ранг-баранглашди, публицистик руҳ кучайди. Ижтимоий-гражданлик мотивлари, инқилобий романтика асосий ўрин эгаллади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Хоразмда йирик адабий мактаблар пайдо бўлди. Бу мактабларнинг Аваз, Ҳамза, Авлоний, Сиддиқий-Ажзий каби пешқадам намояндалари атрофида ўнлаб истеъдодли шоирлар уюшдилар ва адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Бу мактаблар 1905—1917 йиллардаги ўзбек адабий ҳаракатчилигининг узвий қисмлари эди. Уларнинг ҳар бирининг муайян шароит тақозосига кўра бир-биридан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари бўлса-да, лекин асос эътибори билан даврнинг бош тенденциялари бу адабий мактабларнинг барчасида ўз ифодасини топди.

Адабиётшунос Юнус Юсуповнинг «Хоразм шоирлари» рисоласи[1] ана шундай муҳим, лекин кам ўрганилган даврга маълум даражада алоқадорлиги билан диққатга сазовордир. Муаллиф китобда XIX асрнинг охири — XX аср бошларида, Хоразм инқилоби арафаси ва совет даврида яшаб, ижод этган тўққиз шоир — Аваз, Сўфи, Мирзо, Рожий, Баёний, Мутриб, Чокар, Сафо Муғанний, Партавнинг ҳаёти ва ижодий тақдири ҳақида баҳс юритади. Асар муҳаррири атоқли адабиётшунос Н. Маллаев ўринли қайд этганидек, Авазни мустасно қилганда, китобнинг бошқа бўлимлари хоразмлик шоирлар ижодини ўрганишда янги саҳифалардир. Дарвоқе, яна бир нарсани айтиб ўтиш керакка ўхшайди. Асар китоб дўконларида 1971 йилда пайдо бўлди. Нашрга эса 1966 йилда топширилган. Ўтган давр мобайнида маҳаллий матбуот ва илмий тўпламларда юқорида номи зикр этилган шоирларнинг аксарияти ҳақида мақолалар, асарларидан намуналар эълон қилинди. Ҳатто Н. Қобуловнинг «Хоразм совет республикасида ўзбек совет адабиётининг вужудга келиши ва тараққиёти» деган мавзудаги кандидатлик диссертацияси ҳам ёқланди. Табиийки, бу китобдаги кўпгина фактларга аниқлик киритилади. Рисоланинг истеъдодли, лекин адабиётимиз тарихидаги муносиб ўрни ҳозиргача тайин этилмаган шоирлардан Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи ҳақидаги саҳифалари айниқса диққатга лойиқдир.

Сўфи девонини тасодифан қўлга киритган тадқиқотчи тинимсиз изланиш заҳматларини енгиб, шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлини маълум даражада аниқлаб беришга муваффақ бўлади. Китобнинг бошқа бўлимларида ҳам янги адабий фактлар, номлар, адабиётимизнинг унутилаёзган саҳифаларини тадқиқ этишга иштиёқ сезилади.

Китоб яна бир мулоҳаза уйғотади. Назаримизда, мазкур даврни озарбойжон адабиётшунослигидаги каби адабий мактабларга бўлиб ўрганиш яхшироқ самара берадиганга ўхшайди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Хоразм адабий ҳаракатчилиги атрофлича ўрганилгач, асримиз бошларидаги умумўзбек адабиётининг тараққиёт қонуниятлари ҳақида маълум хулосаларга келишга, бугунги социалистик реализм адабиётининг манбаларини аниқлашга имконият пайдо бўлади.

Ю. Юсупов рисоласи шу давр Хоразм адабий муҳитини ўрганишда қўйилган хайрли қадам. Буни табриклаш керак. Лекин, фикримизча, китоб бир қанча қусурлардан ҳам холи эмас.

Аввало шуни айтиш кераки, китобни бизда ҳаёти ва ижоди етарли ўрганилмаган адабий сиймолар ҳисобига тўлдириш мумкин эди. Нима учундир, Абдураззоқ Фақирий, Комил Девоний, Муҳаммадраҳим Роғиб каби инқилобий шеъриятимизнинг истеъдодли намояндалари, ўзбек ленинномасининг вужудга келишига катта ҳисса қўшган (айниқса Фақирий) ва совет темасида ўнлаб шеърлар ёзган шоирлар китобга кирмаган.

Китоб «Қисқача адабий-биографик очерклар» деб аталса-да, ундаги баъзи бўлимлар (айниқса Мирзо, Чокар, Мутриб) заиф лавҳаларга айланиб қолган. Ҳолбуки, уларнинг кўпчиликка маълум ғазаллари асосида ҳам адабиётнинг замон билан боғлиқ кўпгина масалаларини қўзғаш мумкин эди. Бундан ташқари, «Хоразм шоирлари» деб катта масъулият юкланган китобчада нима сабабдан фақат XIX асрнинг охири — XX аср бошлари ва совет даврида яшаган бир неча шоир ижодигина асосий объект қилиб олинганлиги ҳам ҳеч қаерда изоҳланмайди.

Китобнинг кўпгина саҳифаларида малакали таҳлил етишмайди, баъзи адабий факт ва ҳодисаларнинг моҳиятини оча билмаслик кўзга ташланади. Бу — жиддий нуқсон. Пировардида, материал илгариги илмий ишларда кезиб юрган тайёр иборалар билан ифодаланади — муайян қолипларга солинади, шеърлар аксарият ҳолларда социологик жиҳатдан таҳлил қилинади. Албатта, асарлар муайян ижтимоий фикрнинг замонга муносабати, тадрижи, адабиётимиз, ижтимоий тафаккуримиз тарихидаги ўрни, шоир дунёқарашига алоқаси каби масалалар ўзаро боғлиқ ҳолда

[1] Юнус Юсупов. Хоразм шоирлари. Ғафур Ғулом номдаги Бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент — 1967 йил.

Тақриз

МАТБУОТИМИЗ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Журналистика тарихини унинг етук вакиллари ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритиш йўли билан ўрганиш самарали натижалар бериши мумкин. Шу йўлдан борган журналист-тадқиқотчи Тоҳир Пидаев ўзининг «Аъзам Аюбов» ҳамда «Қалами найза эди»[1] рисолаларида 20—30-йилларда ғайрат кўрсатиб ижод этган Аъзам Аюбов билан Комил Алиевнинг ҳаёти, ижоди ҳақида ҳикоя қилади ва ҳар икки журналист ижодини ўз даври вақтли матбуоти умумий жараёнида кўрсатишга интилади.

Узбек совет миллий журналистикасининг 20—30-йиллар даври ҳозиргача етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, у, асосан ўша йилларда миллий журналистика сифатида тўла шаклланди. Матбуотимизда асосий журналистика жанрлари пайдо бўлди. Бинобарин, етакчи қаламкашларнинг ижодий фаолиятисиз мана шу катта муваффақиятларни тасаввур қилиб бўлмайди. Муаллифнинг: «Комил Алиев ўзбек вақтли матбуотида ана шу (яъни, хабар, мақола, тақриз, фельетон, ҳисобот, лавҳа ва ҳк.— М. Қ.) жанрларнинг шаклланишига ўз ижоди билан баракали таъсир кўрсатди»,— деган сўзлари ўринлидир. Комил Алиевнинг фельетончилик соҳасидаги ишлари айниқса мақтовли. Муаллиф ҳаққоний таъкидлаганидек: «У публицистик фельетон устаси эди». Т. Пидаев Комил Алиев фельетонлари тўғрисида гапиради, лекин ўқувчи муаллифнинг фикрлари кўп ўринларда чуқур ва кенг миқёсли бўлишини истайди. Чунки ҳар бир жанрнинг шаклланиши ва камол топиши матбуотимиз тарихида янги саҳифа бўлган, унинг мавжуд имкониятлари кенгайганини кўрсатган эди. Буни эса, таҳлил ёрдамидагина очиб бериш мумкин.

Матбуотимиз ҳамиша халқ ҳаётининг ич-ичига кирди, унинг пинҳон сақланиб келаётган хазиналари — янги истеъдодларни кашф этди. Матбуотимиз бағрида юзлаб журналистлар, адиблар, адабий танқидчилар камолга етди. Бу — инсониятнинг қуёшли йўлига чиқиб олган ҳур халқнинг маънавий тантанаси эди! Комил Алиев ҳамда Аъзам Аюбов каби етакчи журналистлар эса, матбуотнинг коллектив тарғиботчи, коллектив ташвиқотчигина эмас, балки коллектив ташкилотчи ҳам бўлиши йўлида катта хизмат қилдилар. Ишчи-деҳқон мухбирлари ҳаракати тараққиётида уларнинг салмоқли ҳиссаси бор эди. Шу билан бирга, муайян газета ва журналларнинг ташкил топишида ҳам бу икки серғайрат ижодкорнинг кўп меҳнатлари сингган. Муаллиф, бошқа фактлар қатори, 1925 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб нашр этилган «Ер юзи» (ҳозирги «Гулистон») журналининг «ташкилотчиси, биринчи саркотиби ва амалда биринчи муҳаррири ҳам» Аъзам Аюбов эди, деб кўрсатиб ўтади.

Рисолада Аъзам Аюбов газетачиликнинг шаклий маданияти бўйича ҳам ўзига хос анъаналар қолдирган ажойиб журналист сифатида таништирилади: у саркотиб сифатида бўлимлардан тушаётган материалларнинг тил жиҳатидан пухта ишланишини қаттиқ талаб этиш билан бирга, тайёр материалларни саҳифага тўғри, техник жиҳатдан саводли жойлаштиришга, уларни газетхон диққатини жалб қила оладиган шаклга тушириб беришга жуда катта эътибор берган. Айтиш мумкинки, бизда йиллар ўтиши билан материалларининг жойлаштирилишини кўрибоқ газетанинг маданий савиясини айтиб бера оладиган заҳий газетхонлар етишди. Лекин, афсуски, техник жиҳатдан санъаткорона безалган газеталаримиз ҳали ҳам шу қадар кам!

Аъзам Аюбов ўз даврида яхши бадиий таржимон ва таржимашунос сифатида ном қозонган эди. Айни ўринда унинг бу соҳадаги ишларини ҳар тарафлама баҳолаш қийин. 20—30-йиллар — адабиётимиз тарихининг ўзига хос, мураккаб, бунинг устига, ҳозирча кам ўрганилган даври. Чунончи, бир ҳодиса диққатни тортади. 20—30-йиллар ўзбек совет адабиёти тажрибаси муайян адабиётнинг муайян даврида бадиий таржима ижодий жараёнга сифатий йўналиш бера оладиган мавқега эга бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бадиий тафаккурда кучли инқилобий сифат ўзгариши рўй бермоқда, адабиётимизга янги жанрлар кириб келиб, қарор топмоқда эди. «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради»,— дейди халқимиз. Жаҳон ҳамда рус адабиётининг энг яхши намуналари янги даврда ўзбек бадиий тафаккури камолотига бевосита ёрдам берган омиллардан бўлди. Буни ўша давр адабий жараёнининг туйғун кишилари яхши ҳис этишган. Чунончи, Аъзам Аюбов «Толстой кунида зарур бир тилак» (1928 йил) мақоласида «рус адабиёти машҳур намояндаларининг ноёб асарларини ўзбек тилига таржима қилишни кенг кўламда бошлаш масаласини кўтариб чиққан, бу ишнинг ёш совет адабиётининг равнақи, айниқса адабиётимизда бадиий проза ва драматургия сингари янги адабий жанрларнинг

[1] Т. Пидаев. Аъзам Аюбов. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Тошкент—1970; Шу автор. Қалами найза эди. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Тошкент—1971.

тадқиқ этилса, социологик таҳлилнинг зиёни йўқ. Лекин, афсуски, биз «Хоразм шоирлари»да бу ҳолларнинг ҳеч бирини кўрмаймиз. Тадқиқотчимиз бирор шеърни таҳлил қилмоқчи бўлса, аввал темасини айтади, мазмунини баён қилади, қофияланишини тилга олади, жуда ҳафсаласи келса, бирорта мақол қидириб топиб, халқ оғзаки ижоди билан боғлайди. Таассуфки, бу иллат классик адабиётимизга бағишланган кўпгина илмий-тадқиқот ишларида кўзга ташланиб келмоқда.

Китобдаги яна бир ҳолатга эътибор берайлик. Сафо Муғанний ҳақидаги бўлим «Ленинни куйлаган шоир» деб номланган. Муаллиф Муғаннийнинг биографиясини ёритишдан олдин Ленин образини яратиш ҳар бир санъаткор учун катта бахт эканлиги ҳусусида фикр билдириб, шундай деб ёзади: «Бундай улуғвор кишининг оламшумул донолигини фахр билан мадҳ этиш санъаткор ижодининг олий чўққиси десак хато қилмаймиз». Фикр ифодасининг маълум даражада баландпарвозлигини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси жойидадек кўринади. Лекин дурустроқ ўйлаб қаралса, муаллифнинг Ленин образини яратишни бир томонлама талқин қилиши, яъни доҳийнинг буюклигини конкрет, такрорланмас образларда кўрсатиш, тасвирлашда эмас, балки мадҳ этишда деб тушуниши ва у ҳақда яратилган ҳар бир асар автор иқтидоридан, маҳоратидан қатъий назар, буюкдир, деган асоссиз фикрни илгари сурганлиги маълум бўлади. Оқибатда Сафо Муғанний ижодидаги бу улкан мавзу ҳудди шу нуқтаи назардан шарҳланади.

Китобдаги баъзи мулоҳазаларда зўрма-зўракилик, ҳар бир шеърдан «реалистик картина» қидириб топишга мойиллик кўзга ташланади.

Даъвомиз далилсиз бўлмаслиги учун юқорида тилга олинган Сўфи ижодига оид бўлимдан бир ўринга мурожаат қилиш мумкин. Китобнинг 64-саҳифасида шоирнинг:

Дўстлар, айтай, эшитинг, бу на ажаб замонадур
Ким, бу замонанинг, кўринг—тартиби ямонадур,

матлаъли ғазалидан парча келтирилган. Шеърда яхшига кун йўқлиги, ёмоннинг қўли баланд эканлиги, булбул ўрнини қарға эгаллаганлиги ҳақида гап кетади. Муаллиф шеърни «Исфандиёр замонасининг реалистик картинасини ёркин акс эттирган» ғазал сифатида кўкларга кўтариб, «бу ғазал Сўфи ижодининг дурдоналаридан биридир», дейди. Асардаги фикрнинг мавжуд тузум ярамасликларини фош этишдаги аҳамиятини айтиш керак, албатта. Лекин бу таҳлитдаги «реалистик картина», «ёркин акс эттирди», «дурдона» деган сўз ва иборалар бироз меъёридан ошиб кетмаганмикан! Агар шу йўлдан бориладиган бўлса, Сўфининг ватандоши Мунисниинг ундан юз йил аввал ёзган:

Ҳақорат ила тўни йиртуқ элга қилма назар,
Ҳаробададур алар, бари сарбасар

деган сатрларини революцион поэзиянинг дурдоналари деб қарашга тўғри келади.

Умуман, китобда «забардаст шоир», «фахрли ўрин» каби иборалар эҳтиётсизлик билан ишлатилади. Афсуски, бу ҳол ҳам адабиётшунослигимизда учраб туради.

Юнус Юсупов материални ўқувчига қизиқарлироқ йўсинда етказиш, сингдириш йўлларини изламаган. Баъзан бунга мувоффақ ҳам бўлган. Лекин китобда тез-тез кўзга ташланиб турадиган жимжимадорлик, баландпарвозлик китобхоннинг ғашига тегади.

Аммо, рисола XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитини ўрганишда фойдали материаллар беради.

Бегали ҚОСИМОВ

Тақриз

шаклланишида, маънавий дунёси кун сайин ўсиб бораётган ўзбек китобхонларининг бадиий асарларга бўлган завқини тўлароқ қондиришда катта аҳамиятга эга» эканлигини таъкидлаган.

Т. Пидаевнинг ҳар икки рисоласида ўша йиллар матбуотининг муайян томонларини тўғри англашга ёрдам берадиган равшан мулоҳазалар, мисоллар, рақамлар анчагина. Албатта, улар орасида текшириб кўрилиши, аниқланиши зарурлари ҳам бор. Масалан, муаллиф: Аъзам Аюбов «Газетчи» тахаллуси билан ҳам ёзар эди, деб кўрсатади. Журналист О. Наҳановнинг «Санжар Сиддиқ — журналист ва таржимон» («Узбек тили ва адабиёти» журнали, 1971 йил, 6-сон) мақоласида «Газетчи» Санжар Сиддиқ тахаллуслари сирасига киритилади. Бизнингча, ҳақиқат кейинги муаллиф томонда. Чунки, Л. Н. Толстойнинг «Кавказ асири» асари «Ер юзи» журналида «Газетчи» таржимасида эълон қилинган. «Кавказ асири»нинг китоб нусхасида «Санжар Сиддиқ таржимаси», деб кўрсатилган. (Қаранг: Л. Н. Толстой. Кавказ асири. Иккинчи нашри. С. Сиддиқ таржимаси. ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент —1937.) Т. Пидаев эса, «Кавказ асири»ни Аъзам Аюбов таржималари қаторига қўшиб ўтади. Умуман, 20—30-йилларда ижод этган адиб ва журналистларимизнинг тахаллусларини янада аниқ билиб олишимиз кўп қийинчиликларнинг орадан кўтарилишига ёрдам берган бўлур эди.

Айтиш керакки, Т. Пидаев ўз рисолаларида Комил Алиев ҳамда Аъзам Аюбов ҳаёти ва ижодий фаолиятига оммавий тарзда обзор ёзган. Муаллиф мақсадига эришган. Чунки рисолалар билан танишган ўқувчида ҳар икки толмас ижодкор ҳақида маълум тасаввур уйғонади. Бинобарин, муаллиф олдида янги, аввалги вазифасига нисбатан машаққатли масала пайдо бўлади. У энди китобчалари қаҳрамонлари бўлган журналистлар ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўзбек вақтли матбуотининг тараққиёти билан уйғун равишда ўрганиш, шу асосда илмий жиҳатдан чуқур, умумлашма хулосалар чиқариши керак, токи бу хулосалар фақатгина Комил Алиев ва Аъзам Аюбов ижоди хусусидаги рост сўзларгина бўлиб қолмасин, балки социалистик Узбекистон ва унинг жанговар матбуоти ҳақидаги катта ҳақиқатни ҳам ифодалай олсин.

Хуллас, СССР ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ярим асрлик тўйинга пухта тайёргарлик олиб борилаётган шу кунларда ўзбек совет вақтли матбуоти тарихини ўрганиш, унинг тажрибаларини партиявий таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, республикамиз тарихининг узвий бир қисми бўлмиш ўзбек совет матбуоти тарихи — марксча-ленинча таълимот ва миллий сиёсатнинг, мамлакатни электрлаштириш, индустрлаштириш, коллективлаштириш каби жаҳоншумул режаларнинг рўёбга чиқиш ҳамда янги шахснинг камолга етиш жараёнини ўзида мужассам этган солномадир.

М. ҚЎШМОҚОВ



Она.

Л. РУЙКАС фотоси

* * *

Жигар пораси ни бағрига босар
Ва шундан топади лаззат, ҳаловат.
Қутлуғ оғушида бир инсон ўсар,
Қалбида чексиздир унга муҳаббат.
Покликни ўрганиб шу пок сийнадан
Не улуғ инсонлар топгандир камол.
Бу — одам наслини доим ардоқлаб,
Олам бешигини тебратган аёл!

Усмон ШУКУРОВ

Андижон

Инсон зоти

Хандадан тўлиной ярата олар,
Қилдай симга жойлар дарё қудратин.
Оқ гул гулбаргича қоғозга солар
Чексиз фазоларнинг боқий суратин.

Иморат солади, гуллар ўстирар,
Орзу-умидлари гортади бошоқ.
Эзгу тушларига истиқбол кирар,
Дили куртак бўлиб ёзади япроқ...

Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА

Қўқон

КИТОБ ЙИЛИ

Китоб ва офтоб қофиядош, ҳамоҳанг, мантиқан маънодош сўзлар. Офтоб оламга нур-зиё таратади, ҳаёт бахш этади. Китоб инсон қалбига куч-қувват беради, онг-шуурига ривож, камолот ато қилади. Ахир, инсоният яратган барча билим, тажриба ва ҳикмат китобларда қайд этилган эмасми! Герцен таъбири билан айтганда, инсониятнинг бутун ҳаёти китобда мужассам. Китоб фақат ўтмиш эмас, балки у келажак учун дастуриламал ҳамдир. Доҳий В. И. Ленин ёшларга мурожаат қилиб: инсоният яратган барча билимларни эгаллаган тақдирдагина ҳақиқий коммунист бўла олиш мумкин, деган эди.

Қадимий тарихимизда китобнинг босиб ўтган катта йўли бор. Олим ва фозиллар, сайёҳ ва мунажжимлар, адиб ва шоирлар — халқимизнинг зукко фарзандлари яратган қўлёзмаларни Мирали Қилқалам каби заҳматкаш хаттотлар нозик санъат билан нафис қоғозларга кўчирганларини, уларнинг асрлар оша қўлма-қўл келганини биламиз. Бутун умрини фан, маърифатга бағишлаган буюк шахслар дин аҳли, ҳукмронлар қувғини ва таъқибига дучор бўлганликларини, улар яратган ноёб китоблар гулханларга ташланганини афсус билан эслаймиз. Аммо ҳар қандай тўсқинликларга қарамай жамият, илғор тафаккур тараққий этаверди...

Инсоният тарихида янги давр очган Улуғ Октябрдан кейингина мамлакатимизда китоб нашр этишда ҳам улкан имкониятларга эга бўлдик. В. И. Ленин имзо чеккан Совет ҳокимиятининг дастлабки декретларидан бири — Матбуот ҳақидаги Декрет эди. Китоб ва кутубхона ишларини қайта ташкил этиш, уни кенг оммага хизмат қилдириш борасида қатор амалий тадбирлар қўлланди. Янги жамият қуриш, янги кишини тарбиялашдек улкан вазифаларни ҳал қилишда китобнинг мавқеи ва моҳияти ғоят ошди.

Совет ҳокимияти йилларида матбуот ва матбаа, кутубхона ва китоб савдоси тармоқлари мислсиз ривож топди. 1918—1970 йиллар мобайнида Иттифоқимизда 2356300 номда 36 ярим миллиард нусхада китоб ва брошюралар нашр этилди. Бутун дунёда чиқарилган ҳар тўрт китобнинг бири совет китоби эканлиги билан, СССР улкан китобхон давлат эканлиги билан фахрлансак арзийди. ЮНЕСКОнинг 1970 йил ноябрида ўтган XVI Бош конференциясида Совет Иттифоқи 1972 йили Халқаро китоб йили, қироат-китобхонлик малакаси, кутубхоналар йили деб эълон қилишни таклиф этди. СССРнинг таклифи қабул бўлди. ЮНЕСКОнинг қарорида жаҳон халқларининг маданий-маънавий ҳаётида, истиқболи йўлида китобнинг буюк хизматлари яна бир бор эътироф этилди. Бош конференция китобнинг тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ирқчилик ва мустамлакачилик асоратига қарши курашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Совет Иттифоқи ташаббуси билан Халқаро китоб йилининг ўтказилиши жаҳонда тараққиёт, гуманизм, ёрқин истиқбол ғояларининг кенг кўламда намоён бўлишига хизмат қилади. Халқаро китоб йилини ўтказиш учун СССРда марказий ва маҳаллий нашриётлар, кутубхоналар, китоб савдоси, халқ маорифи органлари ва кенг жамоатчилик вакилларидан иборат Совет миллий комитети тузилди. Ташкилий комитет совет кишисининг китобга бўлган эҳтиёж ва эътиқодини, китобхон совет диёрининг чексиз имкон ва ёрқин истиқболини жаҳонга намойиш қилишни ўз зиммасига олган. Совет миллий комитетининг режалари катта.

Чунончи: мамлакатимизда Матбуот кунига, СССРнинг 50 йиллиги, Ленин номидаги пионер ташкилотининг ярим асрлик шонли тарихига бағишланган китоб байрамлари, «СССР халқлари дўстлиги», «Китоб — билим манбаи», «Болалар китоби» каби тематик ҳафталиклар, фестивеллар ўтказилади; кўргазмалар, конкурслар ташкил этилади. Сентябрь ойида Москвада «Китоб — гуманизм, прогресс ва тинчлик хизматида» деган мавзуда халқаро симпозиум чақириш, Болгария, ГДР, Куба, Чехословакия, Италия ва Япония китоблари кўргазмасини ташкил этиш белгиланган.

Айни вақтда, чет элларда қатор тадбирлар ўтказилади. Масалан, июнь ойида Парижда ЮНЕСКОнинг штаб-квартирасида «СССРнинг 50 йиллигига бағишланган совет китоблари» кўргазмаси ташкил этилади. Деҳли, Қоҳира, Варшава, Белград, Майндаги Франкфурт, Ницца, Измир, Болонье каби қатор шаҳарларда ўтказиладиган китоб ярмаркалари, фестивеллари, кўргазмаларида совет ноширлари, матбаачилари, китоб тарғиботчилари актив қатнашади.

Халқаро миқёсда бошланган тадбирларни амалга оширишда республикамиз фаол қатнашмоқда. Бизда йилига қарийиб икки минг номда селкам қирқ миллион нусха китоб ва брошюралар нашр этиляпти. Узбекистон китоб нашр этишда Россия федерацияси ва Украинадан кейинги ўринда туради. Ўзбек ноширлари буюк сиймолар К. Маркс, Ф. Энгельс асарларини, доҳиймиз В. И. Ленинниинг 45 жилдли тўла асарларини ўзбек китобхонига етказиб бергани билан фахрланадилар. Шу қутлуғ йилда В. И. Ленинниинг 55 жилдли тўла асарлари тўпламининг дастлабки томлари ўзбек тилида нашр этилмоқда. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Руставели ва Низомий, Пушкин ва Бальзак, Толстой ва Гейне, Шевченко ва Абай каби олим ва мутафаккир, адиб ва шоирларнинг асарлари ўзбек китобхонининг мулки бўлиб қолди. Замондош олимларимиз математик Қори-Ниёзий геолог Ҳабиб Абдуллаев, ҳуқуқшунос Хадича Сулаймоновларнинг илмий ишлари, ёзувчиларимиздан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, С. Бородин, М. Шевердинларнинг асарлари қардош халқлар ҳурмат-эътиборига молик бўлди.

Ўзбекистон — китобхон ўлка. Уйининг тўридан китобга жой бермаган ўзбек хонадонини топа олмайсиз. Китоб дўконлари, ўқиш заллари, кутубхоналар, китоб мухлисларининг сон-саноғи йўқ. Бу Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсатининг ёрқин тантанаси, маданий-маънавий турмушимиздаги зўр шодиёнадир. Ўзбекистон ноширлари, матбаачи ва китоб тарғиботчилари Халқаро китоб йилида фаол қатнашмоқда. Йил бошида Фрунзе шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон китоблари конкурси ўтказилди. Конкурсда Ўзбекистон китоблари ҳам юксак баҳо олди. Москва ва Тошкентдаги Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаларида Ўзбекистон китобининг махсус кўриги ташкил этилди. Апрель ойида Тошкентда кутубхона ходимларининг Халқаро семинари ўтказилди. Июль-август ойларида Халқаро китоб йилига бағишлаб кўрик ва ҳафталиклар бўлади. Сентябрь-октябрь ойларида республикамизда СССР 50 йиллигига бағишланган китобларнинг Бутуниттифоқ кўчма кўргазмаси ишлайди. Ўзбек ноширлари СССРнинг қутлуғ 50 йиллигига қирқдан зиёд турли хил китобларни тортиқ этиш борасида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Сотиболди ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитетининг бош редактори

Сулаймон РАҲМОН

* * *

Шилдирайди ариқча, шилдирайди,
Сумбуланинг суви бу, сумбуланинг.
Олисларга чўзилиб йилтирайди,
Дўмбиранинг сими бу, дўмбиранинг...

Ариқчанинг сувида — қиз хаёли;
Ариқчанинг сувидай гирдоблонар.
Жийдазорлар устида куз хаёли,
Жийдазорлар кузакда лов-лов ёнар.

Ариқчанинг мақсади бор, ўйи бор,
Интилади, талпинади, тошади,
Ўз тили бор, ўз қўшиғи, куйи бор,
Шилдир-шилдир қайларгадир шошади.

Теграсида тераклар мудрамайди,
Теграсида тераклар бўйчангина,
Ариқчанинг қўшиғи тугамайди,
Уйчангина янграйди, ўйчангина.

Шилдирайди ариқча, шилдирайди,
Сумбуланинг суви бу, сумбуланинг.
Олисларга чўзилиб йилтирайди,
Дўмбиранинг сими бу, дўмбиранинг...

Янги-янги бадиий тасвир воситалари ва хилма-хил шаклларни яратиш, улардан ўринли фойдаланиш шарқ классик адабиётида жуда кенг тарқалган. Тасвир воситалари бўлмиш ийҳом, тарсеъ, тажоҳули орифона, муболаға, лозими малзум, тарди акс, қабеҳ ул-малеҳ каби санъатлар билан бир қаторда ҳарф шаклларидан фойдаланиш ҳам анъанавий тус олган. Бу восита туфайли фикр образлилиги, жозибадорлиги кучаяди, кўзда тутилган мақсадни тушуниш осонлашади, фикр чуқурлашади, айрим даъволар гоҳо шу восита билан яхши исбот этилади.

Бу шаклий воситадан истифода қилишнинг бир неча йўллари бор. Булар: оддий ўхшатиш (ташбеҳ), ҳуруфи далолат, мувашшах, таърих, чистон, муаммо деб аталади.

Биз шулардан баъзиларини қараб чиқмоқчимиз.

Ташбеҳда шоир гоҳ ишқ можаролари туфайли ўзининг қандай аҳволга тушганини ҳарфлар воситасида баён этса, гоҳ ҳарфлардан тасвир воситаси сифатида фойдаланиб, маҳбубанинг гўзаллигига ишора қилади. Бунда ўз қаддини ى — ёга, د — долга, ن — нунга, жонона қоматини ا — алифга, кўзини ع — айнга, ص — содга (ёйга), қошини ё га, нунга, оғзини م — мимга, содга, холларини нуқталарга ўхшатади. Масалан:

Ўқдек бўйимиз эгилди ёдек,
Ул фитналик икки тоқингиздин.

(Лутфий)

Бунда шоир ўқдек (тик) қаддининг ى — ёйдек эгилганига сабабчи қилиб ёрнинг «фитнакор» икки қошини кўрсатаётир.

Менгларинг мушки Хўтан, ё нуқтаий жондур, бегим,
Энгларинг варди Эрам, ё боғи Ризвондур, бегим.

(Атоий)

Гўзалнинг холларини Хўтан кийикларидан олинадиган тоза мушкка ўхшатган шоир, тасвирни кучайтириш мақсадида, уларда яна — «жон» сўзидаги нуқталарни ҳам кўрадики, бу сўзга нуқталар қандай зарур зийнат бўлса, нигорининг холлари ҳам шундай зарурийдир.

Жунун эрмас кийиклар суҳбати! Дермен: «Менго, шояд,
Бир ўқ теккай ғалат, ул қоши ё гарми шикор ўлғач».

(Навоий)

Маъноси: «Кийиклар суҳбатида бўлиш жунунликдан эмасдир. Мен умид қиламанки, у қоши ёй овга қизиқиб кетиб, бирорта ўқни мўлжалсиз отиб юборсе, шоядки, менга шу ўқ тегса!»

Эй алифдек қоматинг майли бузулғон жон аро,
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

(Навоий)

Маълумки, جان — «жон» сўзидаги алиф бўлмаса у бузилиб جن — «жин» шаклини олади. Юқоридаги мисраларда Навоий, маъшуқанинг алифга ўхшаган қомати «бузилган» жон сўзини тузатиш учун қандай зарур бўлса, ҳусни ганжининг гавҳари ҳам вайрон бўлган хотирига шу даражада кераклигини таъкидлайди. Бу билан жоннинг мавжудлигига маҳбубанинг қомати зарурдир, деган маънони беради.

Ҳажрингг ўқи то тикилмиш кўнглима, эй қоши ё,
Лаългун ашкимга ўхшар хори мужгон устина.

(Ҳусайний)

«Эй қоши ёйга ўхшаган маҳбуб, — дейди Хусайний, — ҳажрингг ўқининг кўнглимга тикилиши — киприк тиканлари устидаги қонли кўз ёшларимга ўхшайди, чунки у ўқ ҳам кўнглим қонига беланажакдир».

Нуқтаий холинг нелин шарҳи лабинг устидадур?
Нуқта чун остин бўлур, ҳар қайдаким, ёзилса лаб.

(Навоий)

«Нуқтага ўхшаш холинг нега ширин лабингнинг устида: одатда ҳар қаерда لب — «лаб» сўзи ёзилса, нуқта пастга қўйилади-ку!»

ТАСВИРИЙ ҲАРФЛАР

Айрим ҳолларда мазмунни ойдинлаштириш, муддаони қувватлаш ва тасвирни бадиийлаштириш учун фойдаланиладиган бундай усулни ҳуруфи далолат — исботловчи ҳарфлар ҳам дейдилар. Бунда шоир ўз фикрини тасдиқлаш, исбот қилиш мақсадида ҳарфларга мурожаат этади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳодга исм қўйилиши муносабати билан шоир қуйидагиларни айтади:

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди:
Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди.

Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.

Борин устоди ишқ этгач мураккаб,
Тараккабдин бу исм ўлди мураттаб.

Малолат маҳдида зор этди они,
Бу қайд ичра гирифтор этди они...

Бунда автор Фарҳод тақдирини исмининг ҳарфлари билан боғлаб, у кўражак машаққатлар ҳақида олдиндан хабар беради. Бу эса, достонда ривожланадиган воқеаларнинг асосий тугуни худди шу ердадир, деган фикрга диққатни тортади.

Кўп санъат усталари баъзан ўзларининг чуқур мулоҳазалари, турмуш сабоқларини ҳуруфи далолат ёрдамида акс эттиришни маъқул кўрганлар:

Гар алифдек тўғри бўлсанг, бол ичинда тут мақом,
Ломалифдек эгри бўлсанг, бўл бало бирла мудом.

[Хожа]

«Бол» сўзи эски ўзбек ёзувида بال шаклида ёзилади (бе, алиф ва лом ҳарфлари). Бинобарин, унинг ўртасидаги ا — алиф гўё «бол» ичида тургандек. «Бало» (بلا) сўзида ҳам худди ўша ҳарфлар, бироқ бошқача тартибда, ا — алиф ل — ломдан кейин; ломнинг эгрилиги туфайли алиф ҳам эгилиб кўринади. Бунда гўё لا — ломалиф эгрилигидан балога гирифтор бўлгандек туюлади.

«Вафо бобидаким, вови семурғ синининг зимнида кимё тубидаги алиф нишонаси ва нуқтаси меҳри гияҳ бутасининг донаси. Вас, буларни тамаъ қилғон кишининг иши сув сатҳида югурмак бўлғай ва қаро ерда кема сурмак».

(Навоий, «Ҳайрат ул-аброр», саккизинчи мақолот).

Бу ерда Навоий ўз замонасида вафо мутлақо умид қилиб бўлмайдиган, яъни сув устида югуриш ва қора ерда кема суриш каби ғайри табиий бир ҳол эканини кўрсатиш учун ҳуруфи далолатдан фойдаланади: «вафо» сўзи وَ — вов, ف — фо ва ا — алиф ҳарфларидан иборатдир. Вов ҳарфининг абжад ҳисобидаги қиймати 6, «семурғ» сўзидаги синнинг қиймати 60, унинг даҳяки, яъни ўндан бири 6; бинобарин, вов семурғ синининг ўндан биридек яширин, фо ҳарфи ق — Қоф тоғ остидаги ф каби маълум. Алиф кимё сўзи остидаги алифдан нишона, нуқтаси эса, меҳригиё бутасининг уруғи. Навоий «вафо» учун зарур бўлган шу ҳарфларнинг барчасини ҳам оти бору ўзи йўқ нарсалардан қидиради (Семурғ — йўқ қуш. Қоф тоғи — йўқ тоғ, кимё (алкимё) — мисдан олтин ясаш каби беҳуда иш билан шуғулланган фан, меҳригиё эса йўқ ўсимлик) ва шу усул билан автор ўша замонда вафо деган нарса бўлмаганлигини уқтиради.

Кўп ҳолларда шоирлар муҳаббат аҳлининг қисмати бўлмиш азоб-уқубатлар, ишқ туфайли содир бўладиган турли фожиалар тўғрисида гапирар эканлар, бунга шаҳодат ва сабабни ҳуруфи далолат воситаси билан жонона сиймосидан қидирадилар:

Оразингнинг орзусиндин қадимдир онча ҳам,
Котиб имлосиндаким, ҳуршид дол устиндадур.

[Увайсий]

«Қуёшга ўхшаш юзинг орзусида қаддим долдек эгилган бўлса ажаб эмас, чунки котиб ёзувида ҳам «хуршид» сўзи дол ҳарфи устидадир», дер экан, Увайсий жононнинг қуёшдек гўзаллигини ўз қадининг эгилганига далил қилиб кўрсатади.

Мушкин қошингнинг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.

[Огаҳий]

Маҳбубанинг мушкин қошини нунга ва жаллоддек кўзини содга ўхшатиш воситасида автор шундай фикрга келади: тасвирланган ҳолат ошиқнинг қатли учун шикоят қабул қилинмайдиган қатъий ҳукм демакдир. Гап шундаки, юқорида тилга олинган ҳарфлар: ن — нун ва ص — сод бирлаштирилса, аниқ мазмун — ҳукм, қатъий ҳукм маъносидаги «нас» сўзи ҳосил бўлади. Демак, маъшуқа сиймосидаги гўзаллик белгилари ошиқ учун фожианинг сабабчисидир.

Ҳуруфи далолатни қўллашнинг кенг тарқалган кўринишларидан яна бири — унинг ёрдамида муболағага замин туғдириш ва тасвирланаётган сиймонинг гўзаллигини ёрқинлаштиришдир.

Кўзи айн, андин бурун ёй акси, оғзи мим эрур.
Қошлари ул нуна бензарким, наим устиндадур.

[Адо]

Маҳбубанинг кўзини ع — айнга (арабчада кўзини «айн» ҳам дейдилар), бурнини ёга, оғзини мимга (م нинг кўзига) ва қошини нунга ўхшатиб, шоир ўз севгилисининг қоши, кўзи, бурни ва оғзининг ўрнашиши тартибига асосан نعم — «наим» (жаннат) сўзини ҳосил қилади.

Азалда журъае томмиш лабингдин,
Бугун оти жаҳонда жон бўлубдур.

[Атоий]

Бу мисралардан аслида қуйидаги мазмун чиқади: «Лабингдан азалда бир томчи томган экан, жаҳонда бугун унинг оти «жон» бўлиб қолибди». Энди ҳуруфи далолатни ажратайлик. «Жаҳон» сўзи جهان шаклида ёзилади. Ундаги ўнгдан иккинчи ҳарф ҳейи ҳавваз гўё томаётган томчига ўхшайди. Агар «жаҳон» сўзидаги ҳейи ҳавваз (ёзувда — ﻫ) томиб кетса, яъни тушиб қолса, у ҳолда учтагина ҳарф: ا، ج ва ن қоладики, улар бирга ёзилса جان — «жон» ҳосил бўлади. Демак, нигорнинг лабидан оққан тер томчиси жон маъносини олган экан (бу ўринда «қайвон», яъни ҳаёт суви тушунчасини ҳам унутмаслик керак), Атоий маҳбубанинг лаби жондек лазиз эканлигини исбот этмоқчи бўлади.

Бундай мисолларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Шарқнинг сўз санъати усталари ҳарфлар воситаси билан таъриф-тавсиф ёки ички кечинмаларнигина эмас, балки йирик-йирик ижтимоий масалаларни ҳам гўзал шаклда мувaффақиятли тасвирлаганлар ва ифодалаганлар.

О. ВАЛИХОНОВ

Андижон

XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган, «Кашкули Салимий», «Жомеъи гулзор» ва «Ҳикояти Абдулло ибн Масъуд» асарларининг муаллифи, бухоролик шоир Мирзо Салим Мирзо Раҳим ўғли Салимий ўзининг бу мухаммасида араб алифбосидаги деярли барча ҳарфларни образлар орқали берган.

ا «Алиф»дек қоматим сарв эрди умрим жўйборида,
ب Букулди, «бе» каби тушди қарилиқ раҳгузорида.
ت Таним «те»дек тавоно эрди айёми баҳорида,
ث Саноу ҳамд этардим «се» каби тасбиҳ торида,
ج Ки эмди «жим» каби жисмим йиқилмоқдур мазорида.
ح Ҳаётим «ҳе» каби ҳайрат майи бирла бўлубдир маст,
خ Хаёлим «хе»дайин хобу хаёл бирла бўлуб побаст.
د Дилим дарду алам бирла мисоли «дол»дек сарбаст,
ذ Заҳаб истаб заҳоба учрадим зикрин этиб сармаст,
ر Риёи шайхнинг жаҳр аррасидек «ре» қарорида.
ز Замоне келдиким «зе» зулфи хўблардек паришондур,
س Саломатлиқни иста, «син»ни кўр бу йўлда ҳайрондур.
ش Шаҳодат «шин» берур гулгунчалар боғри ҳама қондур,
ص Кўнгул берманг санамларгаки, «сод»и сабри арзондур,
ض Ки зоеъ ўтди умрим «зод» янглиғ навбаҳорида.
ط Табоеъ толеъи ҳушдур саодат бўлса ҳар кимга,
ظ Зарофат зарфини истар иноят бўлса ҳар кимга,
ع Ибодат «айн»ини тутган ҳидоят бўлса ҳар кимга,
غ Ғарибнинг «ғайни»га боқғай шарофат бўлса ҳар кимга,
ف Фароғат истасанг, тургил фано филлоҳ ғорида.
ق Қарилиқ етди «қоф»и қурбата қилди қариб эмди,
ک Камоли умрга комил бўлолмоқдур насиб эмди,
ل Лаболаб лаългун майнң ичирса ул лабиб эмди,
م Маломат гарчи чекдим, меҳру моҳимга етиб эмди,
ن Надоматлар қилурман ўтган умрим шармисорида.
و Видо иста бу умри бевафодан зор, эй кўнгул,
ه Ҳавоу кибрни қилма юракка ёр, эй кўнгул,
لا Букулди «ломалиф»дек қоматинг ночор, эй кўнгул,
ی Бўлибсан «ё» каби ҳам қилма кирудор, эй кўнгул.
ّ ـٌ «Мад»у «ташдид» «сокин»нинг Салимийдур қаторида.

Бу ёқдин Холиёзийдур, у ёқдин бўлса — Насриддин.
Ики қомат алиф (ا—ا) дарди
Адо (ادا) қаддини дол (د) этмиш.

БОЛАЛАРИМ...

Ленинчи пионерлар ташкилотининг шонли 50 йиллиги кунлари Агния Бартонинг Ленин мукофотига сазовор бўлиши бежиз эмас. У барча совет болаларининг энг севимли шоирасидир. Ўзбекистон пионерлари ҳам унинг қувноқ китобларини яхши кўриб ўқийдилар.

— Болаларим,— дейди Агния Львовна ўн миллионлаб ёш китобхонлари ҳақида гапирганда,— китобга ҳамиша ўч, улар китобсиз бир кун ҳам туролмайдилар.

Бу сўзларда ҳам, атоқли шоиранинг бутун ижодида ҳам оналик меҳри барқ уриб туради.

Агния БАРТО

Бир кун ойна синдириб...

Оламга бўлдим майна,
Синдириб бир кун ойна.

Офтобнинг нурида у
Ёнар, сочарди жило,
Тўпим тегиб кетди-ю
Бошимга бўлди бало!
Шундан бери, шундан бери,
Худди ўша кундан бери
Чопсам агар ўнгу чап,
«Синдиргинг келар ойна!»—
Дея, қилишиб майна,
Орқамдан отишар гап.
Қанча вақт, қанча замон
Ўтиб кетди-ю,
Ҳамон —
Хўрсиниб қолсам агар,
Кимдир қилади таъна:
— Ойнагами ачинар!
Ойна синдими яна!
Ҳаммага бўлдим майна
Синдириб бир кун ойна.
Куни кеча айни шу чоқ
Яхшигина бир қизалоқ —
Маҳалламизнинг қизи
Келарди, ўйчан кўзи,
Гаплашгим келди жуда.
Қизча сочин текислаб,
Синган ойна ҳақида,
Яна жуфтлаб қолди лаб.
Ҳаётим бўлди майна,
Пайимга тушган ойна.
Уч юз яшар маҳалим
Бир қур невараларим
Роса жонга тегишса:
— Ойнага тош отиб сиз,
Синдириб юрганингиз
Ростми, бобо!— дейишса,
Нима дейман ўшанда!
Индамайман ўшанда.

Мангуга бўлдим майна
Бир кун синдириб ойна.

Ҳафсала

Бир пионер — Андрей
Қолар гоҳо дарсдан ҳам.
Дўстларга дер Андрей:
— Ҳеч қолмабди ҳафсалам.
Ҳафсала йўқ, ҳафсала,
Зўрға турдим эрталаб.

— Ялқов бўлибсан ёмон,—
Дейди унга онаси,—
Устахонага қачон
Борасан ўзи асти!

— Ҳафсаласизлик бошқа,
Ялқовлик бошқа, ойи!
Лоқайдлик тушди бошга,
Руҳсизлик — бошда, ойи!

Билмайман нега, шу пайт —
Кўпчилик бўлган лоқайд.

Савол ҳам дарҳол тайёр:
— Устахонада не бор!

Қолдирар дарс Андрей,
Ушламас совун-тароқ.
Боқмас асло Андрей.
Сочлари бирам паҳмоқ.

Судралиб борар роса
Кундан-кунга бўшашиб.
Нима қилсин, келмаса
Бир ҳафсала адашиб!

Миразиз АЪЗАМ
таржималари

Бувилар

Икки кампир ўлтирар
Дўнгликдаги курсида.
Бир-бирига уқтирар:
— Аълочимиз-да жуда!

Қўл қисишиб вақти чоғ,
Бир-бирини табриклар.
Бешга ўқирлар, бироқ
Бувимас, набиралар!

Т. БАҲРОМОВ
таржимаси

Илёс МУСЛИМ

Байрамимиз қўшиғи

Биз ленинчи ёш авлод.
Дунёда энг бахтиёр.
Раҳмат сенга, Партия,
Раҳмат сенга, ҳур диёр!

Бугун тантана, байрам,
Пионерлар байрами.
Қўлимизда ҳилпирар
Ғалабамиз байроғи.

Илму фанни эгаллаб,
Биз ҳам зафар қучамиз.
Космонавт акамлардек
Бир кун Ойга учамиз.

Боболар қилган ишнинг
Давомчиси — ўзимиз.
Биз уларнинг дили-ю,
Ақли, ҳуши, кўзимиз.

Шонли беш йилликларга
Ҳисса қўшамиз ҳар дам.
Ильич кўрсатган йўлдан
Олға ташлаймиз қадам.

Кўкка нур сочсин салют,
Барабан гумбурласин!
Чал горнингни, пионер,
Гулханлар гурилласин!

«ҲОЗИР ҲАМ ПИОНЕРДЕКМАН...»

Саодат опа Раҳимова — 20 йилдан зиёдроқ умрини ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишлаган муаллима. Халқ маорифи аълочиси. Ҳозир пенсияда, Урганч шаҳрида яшайди. Лекин у болалардан асло ажралмайди. Мактабларга тез-тез бориб, пионер ишларига ёрдам бериб туради. Уларга ўзининг пионерлик даврини ҳикоя қилиб беради. Журналист И. Ўтбосаров ёзиб олган ушбу ҳикоя ўшалардан бири.

— Болалигимда жуда шўх бўлган эканман,— дея ҳикоя қилади Саодат опа.— Қиз бола бўлсам ҳам нуқул ўғил болалар билан ўйнардим. У кезларда бу нарса ғайритабиий туюларди.

Бир куни кўчага чиқсам, Саид билан Исмоил қаёққадир шошиб кетишаётир (ҳозир Саид Оллоберганов — қурилиш техникумининг директори, Исмоил Ҳожиев эса Урганчдаги Дзержинский номли мактабда директор бўлиб ишламоқда). Қаёққа кетишаётганини сўрадим.

— Мактабга, ўқишга кетяпмиз.

— Мен ҳам бораман!

Мен ҳам улар билан кетдим. Кечқурун уйга келиб, онамга мактабга борганимни айтдим.

— Қиз бола ўқиб Маккатиллога борармиди? Оч қорним — тинч қулоғим, энди бебошлигингни қўй. Катта қиз бўлиб қолдинг,— деб қойидилар ойим.

Лекин мен: «Ўқийман», деб оёқ тираб туриб олдим. 1933 йилда пионер сафига ўтдим. Пионер деган шарафли номга лойиқ бўлиш учун фақат аъло ўқирдик, интизомли, ростгўйэдик, ҳар нарсага қизиқардик. Зиммамизга топширилган вазифани ўз вақтида бажарардик. Дарсдан бўш пайтларимизда ёғ-мой заводига бориб, ишчиларга ёрдамлашардик. Завод директори Умаров санъатдан хабардор киши эди. У киши мактабимизда ҳаваскорлар тўгараги очди. Мен ҳам шу тўгаракка қатнаша бошладим. Биз тез-тез колхозларга чиқиб, очиқ майдонда концерт қўярдик. Ҳатто «Лолахон» деган пьесани саҳнага қўйганмиз.

1936 йили Тошкентга, Ўзбекистон комсомолининг VII съездига делегат бўлиб бордим. Съездда менга ҳам сўз беришди. Мен ҳукумат раҳбарларидан мактабимиз учун битта машина сўрадим, шаҳримизда икки қаватли мактаб ва Пионерлар уйи қуриб беришларини илтимос қилдим. Шунда президиумда ўтирган бир киши менга чақириб қолди. Олдига бордим.

— Қайси мактабда ўқийсиз?— сўради ҳалиги киши.

— Файзулла Ҳўжаев номидаги мактабда,— дедим.

У киши мийиғида кулди-да:

— Айтганларингизнинг ҳаммасини бажарамиз. Яхши ўқинг,— деди.

Кейин билсам, у киши Файзулла Ҳўжаевнинг ўзи экан...

Дарҳақиқат, икки йилдан кейин Урганчда Пионерлар уйи, янги икки қаватли мактаб биноси қуриб битказилди. Мактабга Крупская номи берилди.

Пионерлик йилларим мен учун қимматли. Ўқитувчи бўлиб ишлаб юрганимда ҳам ўзимни худди пионерден ҳис этиб юрдим. Ҳали ҳам шу номга лойиқ бўлишга интиламан...



Кичкина чўпон. С. БЕЗНОСОВ фотоси

Пионер лагерида.

Эрталик.



В. И. Ленин хиёбони. «Зангори гумбазлар».

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Таклифлар, истаклар

ТАБИАТ—ТАРБИЯЧИ

Азалдан то абад она табиат инсон учун завқ-шавқ, илҳом манбаи бўлиб қолади. Гениал мутафаккир Алишер Навоий ҳам, Бобир ҳам, Муқимий ҳам, буюк рассом Камолиддин Беҳзод ҳам табиат гўзалликларини мадҳ этишни шарафли бурчлари деб билганлар. «Мен мана шу табиат қуйнида туғилганим учун ҳам бахтлиман. Бунинг учун сендан миннатдорман, эй улуғ табиат! Сенинг бағрингда яшаш, сенинг илҳоминг билан ижод этиш нақадар завқбахш!» Ажойиб арман рассоми М. Саряннинг бу сўзлари унинг ижодий услубига ҳам мутлақо мос тушади.

Табиат латофати инсоннинг, аввало, болаларнинг биринчи тарбиячисидир. У болаларни ўзига чорлар экан, гўзалликни севишга ўргатади. Болаларни нафис табиатнинг — Ватанимизнинг сўлим манзараларидан, ҳатто унинг бир сиқим тупроғию кичик бир гиёҳидан ҳам чексиз завқлана биладиган қилиб тарбиялашда уларнинг табиатга, айниқса, ўз қишлоқларининг жамолига бўлган муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Табиат манзаралари болаларнинг эстетик тарбиясида қанчалик муҳим ўрин тутиши ҳақида буюк педагог К. Ушинскийнинг қуйидаги фикрлари қимматлидир: «Шарқираб оққан сувлар, ям-яшил далалар, қушлар шўх сайраётган боғлар, гуллар ҳиди анқиб турган адирлар, салқин шамолдан виқорли силкинаётган бошоқлар, фусункор баҳор, олтин куз, оппоқ қиш—буларнинг бари бизнинг биринчи тарбиячиларимиз эди.

Дала чечагини ҳидламаган, зумрад майсалар узра думаламаган бола ҳеч қачон ўзида бор истеъдодни тўла намоён эта олмайди. Мени педагогикага мутлақо алоқасиз нодон одам деб ҳисобласангиз ҳам, умримнинг охирида шундай хулосага келдим: гўзал табиат манзарасининг ёш юракка кўрсатган тарбиявий таъсири билан ҳеч қандай педагогика тенглаша олмайди».

Дарҳақиқат, табиатга нисбатан болаликда пайдо бўлган муҳаббат бир умрга юракда қолади, эстетик қарашларнинг шаклланишига асос бўлади. Биз Фарғона областининг бир қанча мактабларида ўтказган тажрибаларимизни болалар ўз қишлоқларининг келажак жамолини қандай тасаввур этишларини аниқлашга қаратдик. Болалардан жонажон қишлоқларининг келажаги ҳақида сўзлаб беришни ёки тасаввурларидаги янги қишлоқ расмини чизишни илтимос қилдик. Улар хаёлга чўмиб, тиришиб, зўр ҳафсала билан топшириқни бажара бошладилар.

Болаларнинг ҳикояларини тинглаб, расмларини кўздан кечирар эканмиз, қишлоқ келажагини ҳар бир бола ўзига яраша тасвирлаганини, бироқ уларнинг ҳаммаси қишлоқларимизни янада кўркамроқ, серфайзроқ, замонавийроқ кўришни орзу қилаётганларини билиш мумкин. Уларнинг ҳикоялари ва расмларини уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи тоифа расмларда кўпроқ янгича, ҳамма қулайликлар мавжуд қишлоқ тасвирланади. Қатор-қатор колхоз уйлари бир текис тизилган. Марказда кўркам мактаб биноси, магазин, қишлоқ клуби. Кўм-кўк боғ этагида спорт майдончаси. Бу айниқса Олтиариқ районидаги 1-мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси Тоҳир Муллажонов чизган расмда яққол кўринади.

Бошқа хил ҳикоя ва расмларда биз ҳозирги қишлоқларнинг бироз ўзгартирилган қиёфасини кўрамиз: Масалан, Охунбобоев районидаги 2-мактаб ўқувчиси Раъно Ашурова чизган расмда беш қаватли мактаб, маиший хизмат комбинати, кўп қаватли клуб ва магазинлар, ҳар бир уй олдида енгил машина каби талай янги деталлар бор. Ёш ижодкорлар она табиатнинг сўлим манзараларини, тоғлар, анҳорлар, боғлар кўринишини тасвирлашни ҳам унутишмаган.

Кейинги гуруҳга мансуб расмларнинг ўзига хослиги—уларда қишлоқ келажаги йирик саноат маркази сифатида ифодаланганидадир. Олдинги қаторда ўн икки қаватли ҳашаматли бинолар, кенг, равон проспектлар, метро... Аммо сўлим дала, бепоён уфқлар тасвирига сира ҳам ўрин ажратилмаган.

Кўрдикки, баъзи болалар қишлоқнинг латиф жамолига бефарқ қараган, қишлоқнинг кўрки бевосита табиат манзаралари билан боғлиқ эканини илғай олмаган. Тўғри, келажакда қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги фарқ йўқола боради. Аммо ўшанда ҳам қишлоқ табиатнинг асосий фарзанди, табиий неъматлар манбаи бўлиб қолаверади. Айрим ўқувчилар топшириқни бажаришда масаланинг шу томонига кам аҳамият бергани ташвишли ҳолдир. Бу—қишлоқ ўқувчиларига эстетик тарбия беришда ҳам ҳамма имкониятлар ишга солинмаётганини кўрсатади.

Болаларнинг табиатдан олган таассуротлари тўғри ва мукаммал бўлишида ота-оналарнинг ҳам, педагогларнинг ҳам роли катта. Чунки бу масала ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ. Ўқитувчилар, ота-оналар болаларда дала нафасидан, табиат нафосатидан завқланиш туйғусини тарбиялашга жиддий эътибор берадиган вақт аллақачон келиб етган.

Абдулла САЙДУЛЛАЕВ

Фарғона

ТУШИНГНИ СУВГА АЙТМА...

Киши руҳиятининг сирли ҳодисаларидан бири — туш кўриш. Турли-туман табиат ҳодисаларини бошидан кечирган ибтидоий одам туш кўрганда жуда ажабланган бўлса керак. Табиат ва руҳий олам сирлари қаршисида ожиз бўлган қадимги одам «худонинг қудрати» дея ўз тирикчилиги билан овора бўлиб кетаверган-дир. Асрлар ўтиб табиат жумбоқлари бир-бир ошкор бўлди. Инсон туш бобида ҳам кўп ажиб янгиликларни билиб олди. Шунга қарамай, тушнинг асил моҳияти ҳозирда ҳам ҳаммага маълум эмас.

Диндор одамлар туш хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хайр-садақа берадилар. «Тушингни аёлга айтма», деган эътиқод ҳам бор. «Эркакларнинг туши ўнг, хотинларнинг туши акс келади» ёки «Яхши тушни бировга нақд пулга сотса ҳам бўлади», деган гапга ишонувчилар ҳам топилади. Баъзилар тушларида гўшт, чуқурлик, қоронғилик, лойқа сув кўришса, хафа бўлишади, «туш ўнгидан келмасин» деб қўрқишади. Тушда танга, оқар сув, парранда ва шу каби нарсаларни кўришса, хурсанд бўлишади.

Эски рус таъбирномаси — «Сонник»да масалан, тушида дояни кўриш — катта шодлик, миршаб—хафалик, соқол олиш — зарар кўриш, ҳисоб-китоб қилиш — омадсизлик, деб таъбир қилинади. Туш тафсили фол очиш йўли билан ҳам «аниқланган».

Шарқ халқлари Юсуф бин Ёқубни дунёда биринчи туш таъбирчиси, деб билганлар. Юсуф ҳақида бир афсона бор. Нақл қилинишича, у зиндонда ётган вақтларида маҳбусларнинг ҳасрэтини, кўрган тушларини тинглаганмиш. Ҳаёт ҳодисалари билан туш мазмунини таққослаб, таъбир айтганмиш. Маҳбуслар орасида бир баковул билан соқий ҳам бўлган экан. Иккови шоҳга суиқасд қилиб, овқатига заҳар солган экан. Лекин охирги дақиқаларда соқий бу сирдан шоҳни огоҳ этибди.

Бир кун баковул туш кўрибди-да, Юсуфга:

— Бошимда бир сават нон, бошимни қарға-қузғунлар чўқиди, — дебди.

— Сен дорга осиласан, танангни қарға-қузғунлар талайди,— деб таъбир қилибди Юсуф. Соқий ҳам туш кўрибди. У Юсуфга:

— Мен боғда эмишман. Бир бош узум узиб еб ўтирсам, шоҳ пайдо бўлиб қолди, сўнг узумни икковимиз баҳам кўрдик,— дебди.

— Сен озод бўласан, — дебди Юсуф,— мартабанг яна улуғ бўлади.

Дарҳақиқат, туш таъбирлари Юсуф айтганидек чиқибди.

Туш таъбири билан юнонлик Артемидор (эрамизнинг II асри), италиялик Карданус (XVI аср) ва бошқалар ҳам шуғулланганлар, таъбирномалар тузганлар. Улар ҳам Юсуф каби тушни таъбир қилишда ҳаёт тажрибаларидан фойдаланганлар. Чунки туш мазмуни турмуш машмашаларининг, аччиқ-ширин хаёлларнинг ҳосилидир.

Туш ва таъбир ҳақида илмий тадқиқотлар нима дейди?

Машҳур рус психологи Иван Петрович Павловнинг айтишича, бош мия тормозланса, одам аста-секин уйқуга кетади. Лекин ташқи муҳит (шамол, ёмғир, иссиқ, совуқ, шовқин ва ҳоказолар) ёки ички сезги асаблари, таассурот, хаёл, фикр; ошқозон, ичак, ўпка, таносил аъзолари ва бошқалар одамга уйқу ҳолатида ҳам таъсир қилаверади. Таъсир ва таассуротлар беасар қолмайди. Ташқи ва ички аъзолар таъсирни дарров бош мия қобиғига етказадилар. Қобиқда ярим уйғониш, қўзғалиш ҳосил бўлади. Бу ҳол туш кўришнинг ўзгинасидир. Бир оқимдаги, бир йўсиндаги сезги, таассурот мия қобиғининг биргина нуқтасини қўзғайди, бир мавзудаги бутун бир манзарани пайдо қилади.

Немис олими Г. Нудов (XVIII аср) оғзини очиб, чалқанча ухлаб ётган одамнинг оғзига бир неча томчи сув томизган. Ўша одам уйғонмай бир ағдарилиб олган-да, оёқ-қўллари билан сузаётганга ўхшаб ҳаракат қилган. У уйғонганида: «Тушимда сувга тушиб кетган эдим, сузиб чиқиб олдим», деган.

Олимлар ухлаб ётган кишиларнинг товонларига иссиқ нарса тегизиб кўрганлар. Улардан бири, тушида ёнаётган ёғоч тахталар устида яланг оёқ чопиб юрган, иккинчиси ўзини саҳрода қизиб турган қумда кўрган. Француз олими А. Мори (XVIII аср) ухлаб ётганида унга атир ҳидлатишибди. Мори тушида атир-упа дўконини кўрибди.

Маълум таъсирлар ўзларига хос тушлар яратиши мумкин. Хўш, шундай экан ташқи муҳит, жумладан обҳавонинг туш кўришда қандай аҳамияти бор, деган савол туғилиши мумкин. И. Евенденский деган олим бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Бизнинг деҳқонларимизда шундай бир одат бор: агар одам тушида ўлиб кетган ота-онасини кўрса, бу ҳавонинг айнишидан далолат беради. Дарҳақиқат, бу бежиз эмас, чунки ҳаво айнишидан бурун одамда қаттиқ уйқучанлик ҳолати бўлади, бунда эса одам илгари бошидан кечирган воқеаларни тушида кўради».

Олимларнинг исботига кўра, ички аъзолар, хаёллар ва беморлик ҳолатлари ҳам одамнинг туш кўришига сабаб бўлади.

Академик И. Павловнинг айтишича, танадаги ҳар бир ҳодиса бош мия назоратида содир бўлади, чунки ҳар бир аъзонинг бош мияда «ўз вакили» бор. Шунинг учун ҳам туш орқали киши саломатлигини, ҳатто касаллик бошланмасдан олдин унинг белгиларини тахминлаш мумкин. Шундай ажойиб ҳодисалар ҳам учраб туради: Л. Васильевнинг маълумотига қараганда, бир беморнинг тушида оёғи акашак бўлиб қотиб қолибди. Кўп ўтмай, унинг оёғи ҳақиқатан ҳам шал бўлибди. 1944 йили бир жангчи бўйнидан ярадор бўлиб, госпиталга тушади. Рентген нурлари ёрдамида текширилганда бўйин чуқурлигидан милтиқ ўқи топилади. Ўқнинг ярми танглай бўшлигида, ярми мушаклар орасида сиқилиб ётган экан. Эртаси куни операция олдидан ярадор: «Мен тушимда бир қаттиқ нарса ютиб юбордим», дейди. Врачлар бу гапга эътибор беришмайди. Мураккаб операция пайтида ўқ жойлашган жойни аниқлашади, лекин ўқни ўз ўрнидан топа олмайдилар. Янгидан рентген орқали текширилганда эса ўқ ичаклардан ўтиб кетаётганлиги маълум бўлади.

Одам ухлаганда фикр маркази юзаки тормозланади. Н. Кальминнинг гувоҳлик беришича, атоқли совет ёзувчиси Н. Островскийнинг онаси Ольга Осиповна ўғлининг Москвада вафот этганини Сочида туриб тушида сезган. Она узоқ вақтдан бери бетоб бўлиб ётган нозик таъб ўғлини доимо ўйлар ва ҳар хил тушлар кўриши мумкин эди, албатта.

Сезгилар ва таассуротлар қанча кўп бўлса, улар мия қобиғининг бирданига бир қанча қисмини қўзғатади. Шу сабабли ҳар хил, аралаш-қуралаш, мураккаб, «афсонавий» тушлар ҳам кўриш мумкин.

И. Сеченов бу ҳақда: «Туш кўриш кўпинча бир вақтлар олинган таассуротларнинг ажойиб комбинациясидир», деса, И. Павлов: «Туш кўриш одатда хилма-хил ва қарама-қарши таассуротлар занжиридан иборатдир», дейди.

Хуллас, тушингни сувга айт, деган нақл эскирди, энди тушингни шифокорга айт, дея оламиз.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
Зарифа ЭГАМБЕРДИЕВА

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ ЙИЛ, СЕНТЯБРЬ...

Андрей СОЛОВЬЕВ

«Давлат хавфсизлиги органларининг уруш йилларидаги вазифаси биринчи галда СССРга қарши кенг кўламдаги ваҳшиёна махфий уруш олиб борган гитлерчилар разведкасини мағлубиятга учратишдан иборат эди».

«Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тарихи»дан.

«Арадо» қайтмаяпти

Тун. Куз ёмғири майдалаб ёғмоқда. Рига йўналишининг олдинги сафларида вақтинча осойишталик. Фақат қаердандир онда-сонда отишма овози келади, осмоннинг у ер-бу ерида ёритувчи ракеталар порлайди.

Тўрт моторли самолёт баланд осмон қаърида қалин булутлар орасида шарққа томон учиб бормоқда. Рейхсмаршал Герингнинг «муборак» қўлидан дуб япроғи тасвири туширилган рицарлик крестини олишга сазовор бўлган, тажрибали фашист учувчиларидан бири штурвалда. Экипажнинг бошқа аъзолари ҳам ундан қолишмайдилар. Улар Польша, Франция, Норвегия, Совет Иттифоқи шаҳарларига бомба ёғдириш учун кўп марта осмонга кўтарилганлар. Бу сафар ҳам улар муҳим ва хатарли топшириқни бажаришяпти: Совет мамлакатининг энг ичкарисига, нақ Москвага қараб учишяпти. Ўша ерга қўнишлари ва «юқ»ни қолдириб, тонгга қадар ўз базаларига қайтишлари керак.

Экипаж аъзолари хотиржам: ҳамма нарса икир-чикирларигача пухта ўйланган. Тўрт моторли гигант самолёт «Арадо-332» ишончли — фашистлар самолётсозлигининг бу энг янги намунаси империя хавфсизлиги бош бошқармасининг махсус буюртмаси билан ясалган. Оғирлиги 18 тонна, 7,5 минг метр баландликка кўтарилиб, 4000 километр масофага тўхтовсиз уча олади. Энг замонавий навигацион асбоб-ускуналар тунда ва ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам учиш имконини беради; моторлардаги мураккаб товуштутқичлар, ўт ўчиргичлар, винтларнинг ясси ёғоч парраклари, пастки ва ён сиртининг ҳаммаси қорамтир рангга бўялгани учун самолётга тунда душман кўзи тушмайди.

Ҳар қандай ерда юра оладиган йигирмата пневматик ғилдиракчалардан иборат шасси, қўниш тезлигининг пасайиб, соатига 75 километргача тушиши ва махсус тормозлаш ускуналари самолётни далагами, ўтлоққами, сайҳонликками, қишлоқ четидаги йўлгами, ишқилиб, дуч келган ерга қўндириш имконини беради; фюзеляжнинг орқа деворига ўрнатилган янгича ясалган люк-трап, шип бўйлаб ҳаракатланувчи чиғирлар — ҳаммаси одам, ўқ-дори, оғир қурол-яроғ ва йирик аслаҳа-анжомларни тез туширишни таъминлайди. Ниҳоят, бортлардаги кучли қуроллар — ўнта тез отар, жумладан, катта калибрли пулемётлар аэропланни қўриқлаб боради.

Самолёт ҳавога кўтарилганига уч соатча бўлди. Моторлар бир маромда гувуллайди. Учувчи штурманнинг айтганига амал қилиб, итоат билан йўлни ўзгартирди: Великие Луки районида самолётни қаттиқ тўпга тутишди, энди ердаги постларни чалғитиш лозим эди. Қўниш вақти ҳам келиб қолди... Радист эфирга диққат билан қулоқ солди, ҳаво ўқчилари пулемётлар ёнида ҳушёр туришарди.

Катталиги юк вагонидек келадиган салонда бор-йўғи икки одам ҳамда чайқалмайдиган қилиб боғланган кажавали мотоцикл бор эди.

Пассажирлардан бири — Совет Армияси майори кийимини кийган 35 ёшлардаги киши. Кўксида, гимнастёркасининг чап чўнтаги устида олий ҳарбий нишонлар — Ленин ордени, иккита Қизил Байроқ, Александр Невский, Қизил Юлдуз орденлари, уларнинг юқорироғида эса, қизил ипак лентада Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи ярқирайди.

Ҳужжатларга кўра, у — Пётр Иванович Таврин, 1-Болтиқбўйи фронтидаги 39-армия «Смерш» контрразведкаси бошлиғининг ўринбосари. Ёнидаги хизматдоши кичик лейтенант Лидия Яковлевна Шилова.

Улар «Смерш» контрразведкаси Бош бошқармасининг бошлиғига «мутлақо махфий, ғоят муҳим» пакет олиб боришмоқда. Бундан ташқари, яна керакли бошқа юклари ҳам бор...

Учувчилар кабинасининг эшиги очилиб-ёпилди. Иккинчи учувчи Таврин ёнига келиб, тавозе билан:

— Кайфиятингиз қалай, жаноб майор? — деб сўради.

— Яхши.

— Ойимқиз-чи?

— Уники ҳам. Оз қолдими?

— Ҳа, 15—20 минутлардан кейин қўнамиз. Кийиниб, тасмаларни боғлаб олинг, машина батамом тўхтамагунча ўрнингиздан турманг. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Моторлар жуда секин айлана бошлади. Самолёт оҳиста пасайиб, кучли чироқлар ёруғида қўнишга чоғланди. Энг сўнгги дақиқада ўткир нур зулмат қаърида ётган ўт-ўлан босган хандақлар ва рўпарадан тез яқинлашиб келаётган ўрмонни ёритди. Учувчи кучли газ берди, моторлар самолётни ер домидан юлиб олишга уриниб ҳайқириб юборди, лекин фурсат бой берилган эди — кўп тоннали баҳайбат самолёт ерга тобора яқинлашиб келарди. Мана, у ерга тегди, чуқурлик ва дўнгликлардан сакраганича, ўрмон сари елиб боряпти. Чақирилмаган келгиндиларнинг йўлида учраган қайин ниҳоллари қарсиллаб синди. Самолёт сал бурилди, йўл-йўлакай бир қаноти билан баланд қарағайга урилиб, қаттиқ жароҳатланган ҳайвондек яна бир неча метр судралиб борди... Металлнинг ғижирлагани, ойна сингани, қулаётган дарахтларнинг қарсиллаши эшитилиб, кетидан бирданига ваҳимали сукунат чўкди. Экипаж аъзолари суратдек қотиб қолишди: ёнилғи баклари портлаб кетмаса кошки эди! Ҳаммалари даҳшатга тушиб қолишди. Биринчи бўлиб «жаноб майор» сапчиб туриб: «Шнель, аблаҳлар, шнель!» дея ўшқирди. Салоннинг орқа деворига югуриб

бориб, эшикни тараклатиб очди-ю, ерга ағдарилди. Сўнг шиддат билан қайтиб кириб, қўрққанидан чалажон бўлиб қолган ҳамроҳини кўтариб олди. Уларнинг кетидан нағалли ботинкалари билан полни гумбирлатганича гитлерчилар югуриб чиқа бошладилар. Йигирма метрча нарига қочиб бориб, ҳаммалари қандайдир бир чуқурликка шалоплаб тушишди, ўша ерда, ботқоқ балчиғида кутиб ётишди.

Дақиқалар жуда секин ўтарди. Лекин аэроплан портламади. Келгиндилар муздек терларини артиб, омон қолганликларига суюниб чуқурдан чиқдилар. Пачоқланган самолёт ёришаётган осмон тагида қора қоядек қотган эди.

Ҳамма нарса равшан. Тезроқ жуфтакни ростлаш керак. Бир зум ҳам ҳаялламай қочиш, самолётдан имкон борича нари кетиш керак.

Майор немисларга қаттиқ-қаттиқ ўшқириб (уни парвозга кузатгани империя хавфсизлиги бош бошқармаси шарқ бўлими бошлиғининг ўзи чиққанлиги бежиз эмасди!), мотоциклни тез олиб чиқди-да, кажавасига ҳамроҳини жойлаб, дуч келган тарафга қараб жўнади...

«Бир неча соат вақтдан ютсам бас... Шу лаънати вездеходдан нари кетиб олсам бўлгани. Бу немислар жоним омон қолсин деб, оғизларидан гуллаб қўйишади...»

Мотоцикл сийрак ўрмонда базўр илгарилайди, гоҳо ботқоқ ерларда чуқурга тиқилиб қолади. Шунда Таврин сўкина-сўкина ўриндиқдан сакраб тушади, бор кучини сарфлаб, мотоциклни чуқурдан итариб чиқаради. Мотор яна ўкиради, улар йўлга қарамай, елдек учиб борадилар.

«Нари кетсак бас...»

Ниҳоят қандайдир қишлоқ йўлига чиқиб олишди. Таврин турган жойини компас ёрдамида харитадан топишга уринди. Сўнгра ўзига яхши таниш бўлган жойларга, Великие Луки — Ржев — Москва шоссесига қараб шошилди. Бу ерда у Қизил Армия командири бўлиб хизмат қилган эди.

Хиёнат сўқмоғидан

...1942 йил эди. Совет қўшинларининг мислсиз қаҳрамонлиги ва сабот-матонати фашистларнинг «яшин тезлигида» уруш қилиш ҳақидаги телба режаларини аллақачон чиппакка чиқарган. Немис-фашист галаларининг Москва остонасида тор-мор этилиши, Ростов ва Тихвин яқинидаги муваффақиятлар армиямиз қудратини бутун жаҳонга кўрсатди. Лекин душман ҳамон кучли ва ҳамма фронтларда қонли жанглар борарди. Совет жангчилари она тупроқнинг ҳар бир қаричини гитлерчилардан сўнгги нафасларигача ҳимоя қилишарди.

Лекин Ватанимизнинг миллионлаб асл фарзандлари орасида ҳар қандай йўл билан, ҳатто сотқинлик қилиб бўлса-да, жон сақлашга интилган «шумғиялар» учраб турарди. Разведка взводининг собиқ командири Таврин шундай аблаҳлардан бўлиб чиқди. Унинг асли фамилияси — Шило. Шило Пётр Иванович Чернигов областидан. 1909 йилда туғилган. Йирик муштумзўр отаси 1918 йилда қизил партизанлар томонидан отиб ташланган. 1932 йили Шило Саратовда давлатнинг талайгина маблағини талон-торож қилгани учун қамалган, лекин қамоқдан қочган. Серков, Гаврин, Таврин фамилиялари билан яшириниб юрган. 1935 йили яна жиноят билан қўлга тушиб қамалган, яна қамоқдан қочган. Изини йўқотиб, Ватанимизнинг турли шаҳарларида кезиб юрган. 1941 йилда Қизил Армия сафига чақирилган. Ғарбий-шимолий фронт, 1942 йилнинг 30 майида Шило-Таврин бир группа жангчилар билан тунги разведкага чиқиб, атайин орқада қолади, қуроли билан кўнгилли равишда фашистлар томонига ўтади.

Немисларга отаси чор армиясининг полковниги бўлиб, Совет ҳокимияти органлари томонидан жазоланганини айтади, ўзи билган ҳамма ҳарбий маълумотларни ошкор этиб, фюрерга садоқат билан астойдил хизмат қилиш истагини билдиради.

Таврин ҳарбий асирлар лагерларида иғвогарлик билан шуғулланаётган «Рус меҳнат ишчи партияси» антисовет ташкилотининг фаол аъзоси сифатида тез орада фашист разведкаси органларининг эътиборини қозонади. Уни бир йил мобайнида кўп лагерларда, ҳатто Вена қамоқхонасида иғвогарлик, жосуслик ишларида синаб кўришади. «Политов» лақабли жосуснинг варақаси яхши баҳолар билан тўла боради. Гестапо офицерлари унинг ташаббускорлигини, маккорлик, қонхўрлик маҳоратини ва иғвогарликдаги зийраклигини алоҳида таъкидлашади.

Таврин ўзини гоҳ йирик совет командири, гоҳ сиёсий ходим, гоҳ давлат хавфсизлиги органларининг «махсус топшириқни бажараётган» ходими қилиб кўрсатиб, «фронтдаги ва немисларнинг орқа томонидаги «қаҳрамонликлари» тўғрисида усталик билан лоф уриб, совет ҳарбий асирларининг ишончини қозонар, кимлар коммунист, командир ва сиёсий ходим эканлигини кунт билан аниқлар, лагерларда қочишга тайёрланаётган кишилар ҳақида гитлерчиларни ўз вақтида огоҳлантириб турарди. Ўзини кўрсатиш учун Таврин разил иғвогарликдан ҳам қайтмасди: айрим ҳарбий асирларни қочишга ундаб, кейин, сўнгги дақиқада уларни ўзи тутиб берар эди. Таврин номи ҳатто Берлинда ҳам оғизга тушиб қолади. У гестапода алоҳида рўйхатга олиб қўйилди.

1943 йилнинг июлида Вена қамоқхонасидаги навбатдаги муваффақиятли хоинлигидан сўнг Таврин империя хавфсизлиги бош бошқармасининг масъул хизматчиси штурмбанфюрер Штайнер томонидан «махсус, алоҳида давлат аҳамиятига молик ишларни бажариш» учун расмий равишда ёлланади. Сал вақтдан сўнг уни Берлинга олиб боришади.

Гестапода

Оддий бир агентни Берлинга чақиришяпти!

Таврин бундай бахтга муяссар бўлганидан бениҳоя қувониб, ширин умидлар билан Венадан жўнаб кетди. Хоиннинг тамагир хаёлига биринкетин ҳузур-ҳаловатли манзаралар кела бошлади. Мана у Берлинга кириб боряпти... «Буюк Германия» олдидаги хизматлари, айниқса Вена қамоқхонасида кўрсатган жонбозлиги учун уни катта бошлиқ қабул қилади... Эҳтимол, обергруппенфюрер Кальтенбруннер қабул қилар... Унга орден ҳам беришлари мумкин... Офицер қилиб қўйишар, балки... Босиб олинган совет еридаги бирор лагергами, қамоққами, полиция ёки гестапо бошлиғи қилиб юборишлари ҳам бор. Ўша ерда катта иш бошлаб, нималарга қодирлигини бир кўрсатиб қўяр эди-да...

Таврин Берлинга келган куниёқ уни империя хавфсизлиги бош бошқармаси шарқ бўлимининг бошлиғи оберштурмбанфюрер Грейфе ҳузурига олиб боришди. Юзма-юз ўтириб узоқ суҳбат қуришди. Эсэсчи Тавринни жуда кўп саволга тутди — таржимаи ҳолига оид маълумотларни, хоинлик сабабларини, лагерь ва қамоқлардаги айғоқчилик ишларини аниқлади. Таврин Совет ҳокимияти ва Қизил Армияга ҳаддан ташқари туҳматлар қилди, бутун совет тартибларидан нафратланишини айтди, фюрерга ва «буюк Германия» империясига содиқлигига онт ичди. Грейфе Тавриннинг гапларини эътибор билан тинглади. У устига «Махфий агент Политов» деган ёзувли қоғоз ёпиштирилган қалин делони баъзан варақлар экан, ости рангли қалам билан чизилиб, унинг «хизматлари» таъкидланган сатрларни қайта-қайта ўқир эди. Грейфе бу шахснинг масъул ишга яроқлими-йўқлигини яна чамалаб кўради... Скорцени билан Кальтенбруннер тавсия этган ва Гиммлер маъқуллаган режа жуда эҳтиёткорликни талаб қиларди... Бунда муайян «жанговар» ишларда синаб кўрилган довюрак, эпчил жосуснинг топилганлиги кифоя эмасди. Бу жосус совет чекистларига рўбарў келгудек бўлса — жиноят устида тутиладими, ёки айбига иқрор бўлиб ўз хоҳиши билан борадими, ўзини муқаррар ўлим кутишини жуда аниқ фаҳмлайдиган бўлиши керак. Фақат ўшандагина режани амалга оширишга киришилса бўлади. Жиноятчи, хоин, иғвогар «Политов» эса, афтидан, бу талабларга тўлиқ жавоб берар эди...

Грейфе бунга ишонч ҳосил қилади. Немис қўшинларининг фронтлардаги ғалабалари, Қизил Армиянинг тез фурсатда тор-мор этилажаги, олий ирқнинг жаҳонга ҳукмдор бўлиши ҳақида сўзлайди; Таврин бажарган ишлар ва унинг якунларини — фош этилган ўнлаб группалар, дор тагига, отилишга, газ камераларига юборилган юзлаб совет кишиларини немисларга хос бўлган пухталик билан санаб ўтади. Бу билан Тавриннинг рейх олдидаги алоҳида хизматларини таъкидлаб, унинг катта мансабларга кўтарилишини каромат қилади.

Таврин оберштурмбанфюрернинг ҳар бир ҳаракатини кузатади, унинг ҳар бир сўзини жон-дили билан тинглайди.

— Жаноб Таврин, сизни бу ерга ғоят муҳим бир масалани муҳокама қилиш учун таклиф этганман...— Грейфе гапдан тўхтаб, пенснесининг қалин ойнакларидан Тавринга синчковлик билан қарайди.— Фюрерга самимий садоқатингиз ва гестапо билан ҳамкорлик пайтида орттирган малакангизга қараганда, сизни муҳимроқ ишларга қодир одам деса бўлади.

Таврин бутун вужуди билан тинглаpди: ҳозир ҳам амал, ҳам унвон олса ажаб эмас...

— Сиздан,— давом этди Грейфе,— совет қўшинларининг энг орқа томонида муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган махсус ишда фойдаланиш ниятимиз бор...

Таврин оберштурмбанфюрерга гарангсиб қаради. Орзулар оғушида сузганидан бошлиғининг фикрини дарҳол илғаб ололмади. Грейфе салмоқлаб тушунтиришда давом этарди:

— Гестапо сизга Москвада жуда муҳим суиқасд ўтказишни топширишга қарор қилди. Бу иш сизга шон-шуҳрат, обрў ва мол-давлат келтиради, номингизни инсоният тарихида абадий қолдиради.

Тавриннинг этлари жимирлаб кетди. Ана сенга амалу, ана сенга унвон... Ширин хаёлларидан асар ҳам қолмади... Грейфе киприк қоқмай яна унга тикилди.

— Иш ғоят мураккаб ва кўп куч-ғайрат талаб қилади. Лекин пухта қозирлик ҳамда ихтиёрингизга топшириладиган тегишли воситалар суиқасдни муваффақиятли бажаришга имкон беради. Айтмоқчи, бу иш ихтиёрий, уни рад этишингиз ҳам мумкин...

Йўқ, Таврин рад этолмаслигини яхши билади. Рад этиш у ёқда турсин, ҳатто бир дақиқа иккилана олмайди ҳам: гестапо сиртмоғи нақ бўйнига тушиб турибди-я! У қўлларини икки ёнига туширib, асабий қалтироғини босиб, сал дудуқланиб дейди:

— Фюрерга... сўнгги томчи қоним қолгунча... хизмат қилишга т-тайёрман...

Грейфе қўлини кўтарди, улкан кабинет сукунатини фашистча қутлов наъраси бузди.

— Хайль Гитлер!— деб такрорлади янги террорчи ҳам.

...Таврин бир неча кун «ижодий ҳордиқ» чиқаргач, яна Грейфе билан суҳбатлашди. Энди Тавринни «тарихий вазифа»га тайёрлаш режаси ва муддати муҳокама қилинди, у ёққа ўтиб олишнинг тахминий усуллари, қурол-яроғ, асбоб-анжом, террорчининг Москвага кириб олиши учун қулай деб ҳисобланган йўллар белгиланди. Аммо Таврин кимни ўлдириши кераклиги ҳали ҳам айтилгани йўқ...

Таврин бевосита тайёрланиш учун 1943 йил сентябрь ойи охирида Псковга «Цепелин» разведка органига қарашли «Русланд-Норд» бош командасининг бошлиғи штурмбанфюрер Отто Краус ихтиёрига юборилди. Бу ерда Таврин «Русланд-Норд»нинг бошқа жосусларидан мутлақо махфий равишда, Краус, унинг ўринбосари оберштурмфюрер Графе ва икки малакали инструктор раҳбарлигида яширин газандалик «илми»ни ўргана бошлади.

Икки ойдан сўнг, 1943 йилнинг декабрида Тавринни Берлинга олиб келишди. Оберштурмбанфюрер Грейфе тайёргарликнинг бориши билан жуда қизиқди. Оғзаки маълумотга қаноат қилмай, Тавринни амалда имтиҳондан ўтказди. Таврин бор кучи билан тиришарди. Шогирднинг зўр муваффақиятларидан бошлиқ мамнун бўлди.

Гитлернинг эркатойи

«Русланд-Норд»га қайтишига бир кун қолганда, кечқурун Тавринни шошилинч равишда Грейфе ҳузурига чақиришди. Оберштурмбанфюрер билан бирга Постдаменштрасседаги 28-уйга, империя хавфсизлиги бош бошқармасига жўнаб кетишди.

Кўриниши совуқ, салобатли, кўпқаватли бино. Улар гранит пиллапоялардан тўртинчи қаватга, эсэсчилар қаттиқ қўриқлаётган қанотга аста-секин чиқишиб, кенг қабулхонага киришди. Уларни дарҳол кабинетга таклиф қилишди. Стол ёнида штурмбанфюрер мундири кийган, улкан қоматли, кенг чорси юзли, дўнг манглайли, ияги туртиб чиққан бир одам ўтирар эди. Унинг чап ёноғида қулоғидан то оғзигача ва пастда иягига кетган кўкимтир-қизғиш чандиғи бор. Гитлернинг эркатойи — Отто Скорцени шу кимса эди. Кальтенбруннер, Гиммлер ва шахсан фюрернинг «давлат аҳамиятига молик ғоят масъулиятли» топшириқларини бажаргани учун берилган олий давлат мукофотлари нишонлари мундирига қадалган.

...1934 йилнинг ёзида Австрияда фашистлар исён кўтаришга уринади. Скорцени раҳбарлигидаги каллакесарлар отряди Австрия федерал канцлерининг Амбальхаусплацдаги қароргоҳига бостириб кирадилар. Канцлер Энгельберг Дольфус бир неча ўқ еб, ўз ёзув столи ёнига қулайди.

...1938 йил, март. Ўзга давлатларни «қўшиб олиш» бошланган. Скорцени бир тўда эсэсчилар билан Австрия президенти Миклас саройига кириб олади ва уни гестапо қароргоҳининг ертўласига келтиради. Ўша куни кечқурун у ҳукумат бошлиғи қароргоҳига ҳужум қилиб Австрия канцлери Шушнигни қўлга олади.

...1938 йил, ноябрь. Скорцени Кальтенбруннер билан биргаликда Венада ўтказилган яҳудийлар қирғинига бошчилик қилади.

...1940 йил. Чандиқли киши Голландия, Бельгия ва Югославияда ғоят шафқатсизлик билан «янги тартиб» ўрнатади.

Совет Иттифоқига бостириб кирилган дастлабки кунларданоқ Скорцени жазо отрядлари кишиларни ўлдириб, аҳолини талаб, қишлоқларни ёндириб, Москвага интилади. Лекин совет қўшинларининг қудратли зарбалари ашаддий фашистнинг попугини тезда пасайтириб қўяди. Қўрқув нималигини билмайман, деб мақтанган Скорцени рус дала ва ўрмонлари минглаб немис жасадлари билан тўлиб кетаётганини кўриб, жангчиқашқирлар тақдирини ҳавас қилмай қўяди. Мана у Берлинга, империя хавфсизлиги бош бошқармасига ўтиб олади. Энди у — империядан ташқарида ҳаракат қилувчи эсэсчи қўпорувчилар ва қотиллар бошлиғи, энди «ялпи» ва «умумжаҳон» қўпорувчилик-қотиллик «ишлари»нинг жилови унинг қўлида.

Таврин ҳаяжонлана бошлайди. Ёвузлиги билан машҳур бўлган бу одам тўғрисида у кўп эшитган. Скорцени билан учрашув Тавринда икки хил ҳиссиёт уйғотади. У ўзини энди оддий жосус эмаслигини, балки империя хавфсизлиги бошқармасидаги юқори мансабдорларнинг эътиборини тортган «шахс»га айланганини тушуниб турибди. Бу «парвоз» унинг иззат-нафсини қитиқлаб, Скорцени кўксидаги «Рицарлик крести», «Юз мушкетёр» ордени ва бошқа нишонларга ҳавасини келтирмоқда.

Лекин Тавриннинг бундай орден ва медалларга эришувига ҳали анча бор. Ҳозирча «давлат аҳамиятига молик алоҳида масъулиятли...» шахс эканлиги, бунинг устига Скорценидай шеф ҳузурида туриш ўзи катта гап. Ахир бу бошлиқ қудратли қўллари билан унинг томоғини ғиппа бўғиб, гумдон қилиб юбориши ҳам мумкин.

Суҳбат кўп чўзилмади. Кўзи пишган Скорцени шу қисқа мулоқотдаёқ Тавриннинг «асрнинг энг катта суиқасди»да бош ролни бемалол ўйнай оладиган «қобилиятли» террорчи эканини пайқаб олди. Таврин анча идрокли, энг муҳими, ўзининг ночор аҳволидан қутулолмаслигига кўзи етиб турган бир кишидек таассурот қолдирди унда. Ватанга қарши қилган оғир жиноятларининг масъулияти Тавриннинг ишончли жосус бўлишини таъминлар, ўз жонини асраб гитлерчиларга сўнгги нафасигача хизмат қилишга мажбур этарди. Тавриннинг тақдири ҳал бўлганди...

— Биласанми, бу шахс бошқа жосусларга ўхшамайди, у менда яхши таассурот қолдирди, — деди Скорцени Грейфега қараб, Таврин жўнаб кетгач.— Менга маъқул.

— Қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман, Отто!

— Менимча, Эрхард, уни тезроқ тайёрлаш ва бутун режани диққат билан, майда-чуйдаларигача пишитиш керак. Ҳозир, Курск жангидан кейин, русларнинг яна илгарилашига бизнинг операциямизгина халақит бериши мумкин...

— Тушунаман. Яқин кунлар ичида операциянинг асосий схемасини сенга етказишга ҳаракат қиламан.

— Ҳа, дуруст. У ёққа ўтиб олиш, қурол-яроғ ва ҳужжатлар масаласига алоҳида эътибор қил.

— Албатта.

— Балки яқин орада, уни бир-икки ҳафтага менинг олдимга Фриденталга юборарсан...

— Бош устига.

Бу амалдорлар Тавриннинг яхши хислатларини рейхсфюрер Гиммлерга маълум қиламиз, деб ваъда беришди. Бу мақтовга сазовор бўлган Таврин «Русланд-Норд»га қайтди. Бу база ўша пайтда «фронт билан бараварлашиш мақсадида» Ригага кўчирилган эди.

Маъшум Фриденталь

1942 йилнинг охирида Заксенхаузен лагерининг юзлаб тутқунлари эсэсчилар назорати остида қадимий гўзал Фриденталь саройини уч метрли қалин девор билан ўрашди. Юқори кучланишли электр токига уланган тиканли симлар ва одамга ташланишга ўргатилган бўрибосар итлар бу манзилни пухта қўриқлаб турарди.

Бу қасрга машинада Берлиндан бир соатда ва пиёда Заксенхаузендан беш минутда борилар эди. Бу ерда штурмбанфюрер Скорценининг асосий уяси — махсус топшириқ бажарадиган «Ораниенбург» курслари жойлашган эди. Малакали «мутахассислар» энг янги техника воситаларидан фойдаланиб, турли тилда сўзловчи «талабалар» тўдасига хилма-хил қўпорувчилик, қотиллик усулларини ўргатишарди. Бу ерда одам ўлдириш, заҳарлаш, осиш, поезд тагига ташлаш; аста-секин портлайдиган миналарни ва пластик портлатгичларни ишлата билиш, юқумли касалликлар тарқатиш, кишилар ўртасида ваҳима туғдириш, қўпорувчи ташкилотлар тузиш, фитналар уюштириш ва давлат тўнтаришлари ташкил қилиш борасида «таълим» берилларди. Бу кўникмаларни амалда мустаҳкамлаш учун ўлим лагери тутқунларидан тажриба объекти сифатида фойдаланилларди. Қотиллар сохта ҳужжатлар, қурол-яроғ, заҳарлар, портлатувчи моддалар, пул ва алоқа воситалари билан таъминланиб, олисга учувчи самолётларда, сувости кемаларида ер куррасининг турли қисмларига элтиб қўйиларди.

Эсэсчи медик Баумкеттер совет ҳарбий асирлари устида махсус тажриба ўтказганидан сўнг, заҳарли ўқлар кўплаб чиқарила бошланди. Одам бош суяги тасвири чизилган темир қутилар ва ундаги ўқ-дорилардан асосан Отто Скорцени каллакесарлари фойдаланишарди. Парчаланувчи ўқ ичига жойланган заҳар баданга дарҳол таъсир қиларди. Ўқдан сал жароҳатланган ҳар қандай одам бир неча дақиқадан сўнг талвасада қийналиб, ҳалок бўларди.

Таврин худди шу ерга келди. Скорцени билан Грейфе жосуслар ва махсус техника воситалари орқали уни кечаю кундуз кузатишарди, унинг шахсий сифатларини, сиёсий «қараш»ларини ва фюрерга садоқатини қайта-қайта текширишарди, унга тегишли «ғоявий» таъсир ўтказишарди, унинг шахси «тарихий» аҳамиятга эга эканини уқтириб, кибру-ҳавосини оширишарди.

Таврин қотиллик билимлари бойиб, тажрибаси анча ошгач, машқ охирида Скорцени ҳузурига чақирилди. Икки соат ёлғиз суҳбат қуришди. Скорцени ундан ҳол-аҳвол сўраб, кайфиятини, «билимлар»ни ўзлаштиришдаги муваффақиятларини, топшириқни бажаришга ҳозирлигини суриштирди. Кейин, гап орасида ўзи ҳам фюрернинг топшириқларини «мардлик ва қатъият» билан, «саросимага берилмасдан, иккиланмай» бажарганини хотирлади.

— 1938 йилнинг 11 мартида менга Австрия президенти Микласни қўлга олиш ва уни ташқи дунёдан ажратиб қўйишни топширишгани эсимда. Йигирма чоғли мард йигит билан Эски шаҳар кўчаларидан президент саройига елиб боряпмиз. Сарой соқчиларини пичоқ ва кастетлар билан саранжомладик. Вестибюлга югуриб кириб, бош зинапоядан чиқиб бораётсам, бирдан «Тўхта!» деган ҳайқириқ эшитилди. Қаршимдан ёш лейтенант бошлиқ бир группа солдатлар чиқиб қолди. Нима қилиш керак? «Мени янги ҳукумат юборди. Дарҳол президент ёнига олиб киринг!» — дедим ўзимни йўқотмай офицерга. Икки эсэсчи билан унинг орқасидан Миклас кабинетига кириб бордик. Қолган ишни техника ҳал қилди. Йигитлар президентни ҳам, соқчиларни ҳам нишонга олишди, мен бўлсам, Австриядаги йўлбошчимиз Зейсс-Инкварт билан телефонда гаплашиб, федерал президент ағдарилганлигини маълум қилдим. Ярим соатда саройни эсэсчилар куршаб олишди. Мен ўша ердаёқ, федерал канцлер Шушнигни боғлаб келтириш ҳақида топшириқ олдим. Амбальхаусплац майдони томон югурдик. Қароргоҳга ён эшиклардан кириб бордик. Ўқларни аямай, канцлер кабинетига осонгина кирдик. Мен унинг томоғидан бўғиб олдим. Топшириқ бажарилди!

Скорцени ўз саргузаштларидан лаззатланиб, ўчиб қолган сигаретасини тутатди, Тавринга фюрернинг чиройли кумуш рамкага солинган суратини тўсатдан узатди.

— Ўқинг!

Таврин сурат остидаги готик услубда ўйилган нафис ёзувни кўрди: «Штурмбанфюрерим Отто Скорценига миннатдорчилик юзасидан ва 1943 йил 12 сентябрь хотираси учун. Адольф Гитлер». Таврин ёзувни икки қайта ўқиб, суратни эгасига қайтариб берди. Скорцени «қимматли ёдгорлик»ни ёзув столининг энг кўринарли жойига қўйди.

— Бу воқеа 1943 йилнинг 26 июлида бўлган. Фюрер мени чақириб: «Дўстим ва содиқ жанговар иттифоқчим Мусоллини кеча қамоққа олинди. Уни дарҳол қутқариш керак. Бу операцияни сизга топшираман», деди. «Фюрерим, бор кучимни аямайман!» дедим. Тез орада дученинг изини топдик. У тоғда, Абруццо чўққисида сақланаркан, у ерга фақат осма йўл билан чиқиб бўларди. Йўл қаттиқ қўриқланарди. Шунда биз Абруццога юк планерларида учиб чиқдик! Ғафлатда қолган соқчиларни қириб ташладик. Дучени фюрернинг Растенбург штаб-квартирасига ўзим олиб бордим.

— «Бу хизматингни ҳеч қачон унутмайман!» — деди менга фюрер ва шу суратини тақдим қилди. Ўшандан буён буни тумордек ёнимда олиб юраман...

Скорцени фюрер билан кўришган дақиқаларини эслаб, жим қолди.

— Ана шундай ҳаракат қилиш керак, жаноб Таврин! Олдингизда оғир ва мураккаб, лекин бемалол уддаласа бўладиган вазифа турибди. Сизга ҳамма нарсани—ишончли ҳужжатлар, пул, пухта ишлайдиган махсус қурол берамиз; сизни Москванинг нақ ўзига элтиб қўямиз, топшириқни бажарганингиздан кейин у ердан олиб кетамиз. Лекин салгина чўчиш, ҳатто иккиланиш сизни ҳам, бутун ишни ҳам барбод қилади.

«Арзандалар» давраси

Эртасига Таврин Фриденталдан чиқиб, Берлинга келди. Уни генерал Власовнинг шахсий адъютанти соат 17 ларда қидириб топиб, ўз хўжайинининг таклифини етказди. Улар дарҳол «РОА» бош қўмондонининг қароргоҳига жўнаб кетишди. Таврин тўғрисида эшитиб юрган Власов уни очиқ юз билан кутиб олди ва махсус тайёргарлик қандай бораётганини батафсил суриштирди. Кейин сўзларига жиддий маъно беришга тиришиб, Тавринга «енгилмас Рус Озодлик Армиясига кўнгилли бўлиб кираётган рус ватанпарварларининг зўр оммавий ҳаракати» тўғрисида, советларнинг орқа томонидаги «ялпи халқ қўзғолонлари» ҳақида гапириб берди, «Қизил Армиянинг муқаррар тор-мор этилиши»ни ишонч билан таъкидлаб ўтди.

Тавриннинг ишига тўхталиб, уни бажариш ғоят зарурлигини, бу иш кутилаётган ғалаба соатини яқинлаштиришини, «буюк ватанпарвар»нинг номи эса, асрлар оша ўчмаслигини таъкидлади. Оталарча суҳбатдан сўнг соат 18 ларда Власов Тавринга муҳим бир кенгашга ҳамроҳ бўлиб боришни таклиф қилиб қолди. Бир соатдан кейин генералнинг «оппель» автомобили дов-дарахтлар орасида беркинган чиройли бино ёнига етиб борди. Қуролли эсэсчилар ҳужжатларни синчиклаб текширишгач, Власовнинг адъютанти билан Тавринни нодир расмлар осилган чоғроқ бир залга бошлаб киришди. Тўрда яшил кимҳоб ёпилган узун стол турарди. Стол тепасига фюрернинг сурати осилган. Залда йигирма чоғли одам ўтирибди. Адъютантнинг гапларига қараганда, булар «РОА» ҳамда «Мустақил ва озод Украина» — бандерачиларнинг раҳбар «арбоблари» экан.

Кўп ўтмай Власов ва украин каллакесар миллатчиларининг йўлбошчиси Бандера ён эшикдан кириб келди. Улар чап енгига фашист тамғаси таққан паст бўйли, оқсоқ бир гитлерчига ҳамроҳ бўлиб келишарди. Ҳамма ўрнидан турди. Кириб келганлар жимгина президиумга чиқиб ўтиришди. Оқсоқ киши ҳозир бўлганларни имо-ишора билан жой-жойига ўтқазди ва минбар ёнига келди. «Шонли жангчилар» билан учрашув шундай бошланди. Бунчалик «юксак доира» йиғинида ҳозир бўлганлигидан анча ҳаяжонланган Таврин нотиқнинг пропаганда министри доктор Геббельс эканини дарҳол таниёлмади.

Геббельс фронт чизиғини усталик ва эпчиллик билан бараварлаштираётган, душманга «қақшатгич зарбалар» бераётган «енгилмас герман қўшинларининг ютуқлари» ҳақида қисқача тўхталиб, «большевикларнинг орқа томонидаги очлик, вайронлик ва бутунлай емирилиш» манзарасини кенг тасвирлади, «тор-мор этилган, бўйсундирилган Россия»га нисбатан национал-социалистлар ўтказадиган сиёсатнинг асосий моҳиятини таъкидлаб ўтди. Фашистлар Германиясини ҳалокат ёқасига келтириб қўйган Курск остонасидаги жангдан сўнг империя министрининг бундай гаплари алаҳлашдан бошқа нарса эмасди, лекин йиғилганлар нотиқнинг сўзларини баланд руҳ билан қарши олдилар. Кейин Власов билан Бандера узун нутқ сўзлаб, садоқат изҳор этишди.

«Иттифоқчиларнинг тўла, ҳар тарафлама ва тенг ҳуқуқли якдиллиги»нинг Геббельс пропаганда идорасида тайёрланган навбатдаги томошаси шу билан тугади. Энди у ёғи матбуотга қолган эди...

Таврин меҳмонхонага қайтиб, узоқ вақт ухлаёлмади. Оз кунда шунчалик катта воқеаларнинг гувоҳи бўлди! Фюрернинг эркатойи билан дўстона суҳбат қуриш... Генерал билан бўлган самимий мусоҳаба... Ниҳоят, «бошлиқлар»нинг бугунги кенгаши... Таврин ҳозир шу оромижон дақиқаларда Москвада қандай иш қилиши кераклигини сира-сира ўйлагиси келмасди.

Лекин Грейфе билан август ойидаги биринчи учрашуви ҳам, Скорцени ва Власов билан бўлган илиқ суҳбатлар ҳам, «Русланд-Норд» ва Фриденталдаги машғулотлар ҳам — рейхфюрер Гиммлернинг шахсан розилиги билан — фашистлар Германияси империя хавфсизлиги бош бошқармасининг энг макрли режаларидан бири — Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонини ўлдириш плани амалга оширила бошланганидан дарак берарди.

(Охири келгуси сонда)

Меҳмонимиз:

Андрей КРИЛОВ

Москвалик рассом Андрей Порфирьевич Криловнинг нишонга бехато урадиган ҳажвий суратлари, кўзни қувонтирадиган нафис лавҳалари санъат мухлисларига яхши таниш. Андрей рассомлар муҳитида, рассом онласида тарбия топди. Жаҳонга машҳур Кукриникслардан бири бўлмиш отаси Порфирий Крилов ва дўстлари унинг моҳир санъаткор сифатида камолга етишишида устозлик қилдилар. Андрей санъатга муҳаббатни ҳам, санъат сирларини эгаллашни ҳам дастлаб шулардан ўрганди.

Андрей Крилов бепоён Ватанимиз бўйлаб саёҳат қилишни яхши кўради. Сафарлари пайтида ҳаётни айниқса кўп кузатади, асарлари учун материал саралайди. У серқуёш Ўзбекистонни ҳам бошдан-оёқ кезиб чиққан. Биз бу саҳифада эълон қилаётган график асарлар Андрей Криловнинг ўтган йилги саёҳати таассуротларидан баъзи намуналардир. Рассомнинг бу ва бошқа график суратларини томоша қилар экансиз, улар ҳаётга шоирона муҳаббат қўйган санъаткор илҳомидан туғилганлигини пайқаш қийин эмас.

Ўзбек аёллари. Эскизлар

Пахта тоғлари.

Саҳро йўлида.

Тарих шоҳидлари.

Йилларни эслаб...

Йил — ўн икки ой

Май

Бу ой — Жаҳон меҳнаткашларининг бирдамлик ва биродарлик куни — 1 Май байрами билан бошланади.

Баҳор фаслининг ана шу охири қадим замонларда қуйидагича аталган: бобилликларда — араду, Румода — мойюс, қибтийларда — моя, Сурияда — айар. Бу маълумотларни Абу Райҳон Беруний ёзиб қолдирган. Аҳмад Фарғоний майни «майўс» деб талаффуз этган. Латин тилида «майус» деб юритилган.

Қуёш экліптика бўйича ҳаракат қилар экан, май ойи давомида Жавзо юлдузлар буржи олдидан ўтади. Юлдузлар тўплами (Аловиддин Али Қушчининг айтишича — 18 та юлдуз) гўё эгизак болаларни тасвирлайди, деб қабул қилинган. Берунийнинг кўрсатишича, Урта Осиё халқлари Ой манзилларини 12 буржга тақсим қилиб, буржларни алоҳида номлар билан атайдилар. Улар буржларни бошқалардан «яхшироқ билганлар». Улар томонидан қўйилган номлар буржларни «тасвирлашга мутасадди бўлган мунажжимларнинг қўйган номларига мувофиқлиги, араб тилига мос келмаслиги ва уларни мутасаддилар берган суратлардан бошқа суратлар билан тасвир этишлари гапимизнинг тўғрилигини аён кўрсатади. Ҳатто араблар Жавзони эгизак ўғил бола сурати шаклида буржлар қаторига қўйганлар. Урта Осиёда эса эгизак буржни бошқача ном билан атайдилар. Бунинг изоҳи «иккй санам эгаси» бўлиб, эгизак маъносининг тақозосидир», дейди Беруний.

Ун икки бурж — ўн икки ой, ўн икки манзил. Қадим замонлардан бери бу ҳисоб-китобни яхши билган Урта Осиё олимлари ҳар хил урушлар, диний хурофотлар оқибатида Беруний ва Ибн Сино замонида таъқибга учраган эди. Бу ҳақда Беруний дейди: «Урта осиёликлар Ой манзилларини ишлатардилар... Уларнинг тилларида манзилларнинг номлари бўлиб, буларни ёдда сақлардилар. У манзилларни ишлатувчи ва уларни кузатиш кайфиятини яхши билиб, шунга асосан далил келтирувчи кишилар қолмади». Бу — тўғри. Аммо илмнинг бу соҳадаги тарихий ютуқларини тиклаган ва ривожлантирган буюк олим — Беруний бўлди.

Йил — ўн икки ойни Қуёш ва юлдузлар муносабати билан ифодалар эканмиз, май ойини Жавзо буржи орқали белгилаш астрономияда ҳануз давом этиб келмоқда.

Бу ойда тубандаги планеталар кўринади: Венера, Сатурн (оқшомда), Уран, Нептун, Юпитер (тун бўйи).

Ой боши — 13 май, тўлиной — 28 май.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Чўл оқшоми.

ШАХ МАТ

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Комбинация қиламан деб...

Комбинация қилинаётганда аниқ ҳисоб юритиш нақадар зарур эканлигини кўриб чиққан эдик. Энди комбинациядан кейин тахтада вужудга келадиган вазиятларга баҳо бериш масаласига ўтамиз. Комбинация тақдирини унинг турлича вариантларидан кейин содир бўладиган вазиятларга бериладиган холис баҳо ҳал қилади. Холис деганимизнинг маъноси шуки, шахматчи ҳадеб ўз-ўзи билан овора бўлмай, ҳар қадамда рақиб имкониятлари билан ҳисоблашиб туриши лозим.

1



1-диаграммадаги вазият бунден чорак аср олдин ўйналган Сокольский — Васильев учрашувида вужудга келган.

1. Кс3:d5 Сс6:d5 2. Сf1—c4 Cd5:c4!

Оқлар пиёда олиш мақсадида комбинация бошлаганда рақибининг ана шу юришини тўла-тўкис ҳисобга олмаганлиги билинади.

3. Лd1:d8 Лa8:d8 4. Фc2:c4 Лd8—d2

Кучлар нисбати жиҳатидан оқларнинг қўли баланд, аммо қора сипоҳларнинг активлиги Сокольскийни оғир аҳволга солиб қўйган эди.

5. b2—b4 Лf8—d8 6. Лh1—e1 b6—b5 7. Фc4:b5 Лd8—c8.

Оқлар таслим бўлди. Ўйинни ўзингиз давом эттириб кўринг-а.

Амалий шахматчи учун комбинациянинг қандай (яъни тасодифий йўсиндами ёки бунга тайёргарлик кўриш йўли биланми) пайдо бўлишини тўғри тушуниш катта аҳамиятга эгадир.

Аввал кўриб чиққанимиздек, тахтада вужудга келган вазият ва унинг мотивлари комбинацияни амалга ошириш имкониятларини аниқлаб беради. Шахматчи комбинациялар қилиш қобилиятини ишга солиб, ана шу комбинацияни топа олса, бас. Ҳа, ҳамма гап топишда! Бинобарин, агар етарли мотивлар бўлса, ўша ерда комбинация ҳам бор. Комбинациянинг рўёбга чиқиши тасодифий ҳол эмас, балки қонунийдир.

2-диаграммадаги вазият машҳур гроссмейстерлар Ботвинник билан Эйве учрашувида (1948 йил) содир бўлган. Бунда Ботвинник ўйинни планли равишда давом эттириб, қулай вазиятга эришганлиги кўриниб турибди: қораларнинг шоҳи хавфли ҳолатда, рухи эса ўйнамаяпти. Демак, комбинация бошлаш учун мотивлар бор, улар нима қилишни, яъни қораларнинг шоҳи ва рухига хавф туғдириш кераклигини «айтиб турибди».

2



1. Фd3—g3! f6:e5 2. Фg3—g7 Лh8—f8 3. Лc1—c7 Фb6:c7 (3... Фd6 бўлса, 4. Л:b7 d3 5. Ла7 Фd8 6. Ф:h7 дан кейин пайдо бўладиган 7. Фg6+ хавфидан қоралар қутула олмайди) 4. Фg7:c7

Бир сипоҳ қурбони билан бошланган комбинация тугади. Энди қоралар ишонган тоғи — марказдаги пиёдаларидан бирин-кетин ажрайди ва ютқазиши муқаррар. Ботвинникнинг планли ўйини шу натижага олиб келди.

Тажрибада шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бунда битта нотўғри юриш билан бир томон ўз қарорғоҳида заифликлар барпо этиб қўйиши ёки ўз доналарининг биргалашиб қиладиган ҳаракатига путур етказиши, ё бўлмаса қанақадир бир йўл билан тўсатдан иккинчи томон учун комбинация қилиш имконини берадиган мотивларни вужудга келтириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай аҳволда ҳам ҳушёрликни йўқотмаслик, вазиятни диққат билан таҳлил қилиш керак. Акс ҳолда эътибордан четда қолган бирорта мотив кўмагида рақиб комбинация қилиши тайин. Тажрибада шундай ҳоллар ҳам бўлган: бир томон оғир аҳволда қолиб, узоқ вақт давомида ўзини мудофаа қилади. Кучлар нисбати ёки уларнинг жойлашуви жиҳатидан афзалликка эришган томон эҳтиётсизлик билан бирор тактик хатога йўл қўяди-ю, балога қолади. Шу боисдан биринчи томон вужудга келган мотивлардан фойдаланиб, комбинация қилиши ва натижада ютқазиш ўрнига дуранг қилиши, ҳатто ютиб чиқиши мумкин. Буни ўз тажрибангизда ҳам бошдан кечиргансиз. Шахматда ташаббусга, яъни кичик устунликка эришишдан уни сақлаб қолиш қийинроқдир.

Энди қуйидаги бир ажойиб этюдни ечиб кўринг.

3



Шарти: оқлар юриш бошлаб ғалабага эришади.

Наъмаътак

ЭСИЗГИНА ТИШЛАРИМ

Директор ҳаммамизни хонасига таклиф этди.

— Эртага областдан комиссия келармиш. Бизнинг мактабимизда уч кун бўлишаркан. Бехабар қолманглар.

Юрагим шув этди. Комиссия албатта дарсга киради, таҳлил қилади. Йўқ ердаги нарсаларни сўрайди. Иш план, кундалик план, синфдан ташқари иш, пионерлар билан шуғулланиш, ота-оналар билан алоқа, ўз билимингни ошириш, жисмоний тарбия... Бошқаларни билмадиму шахсан каминангизнинг миси чиқадиган бўлди. Ахир, комиссия кўргудек ҳеч вақом йўқ-да! Нима қилсам экан? Қани эди уч кунгина касал бўлиб, ётиб турсам. Шундай баҳона топиш керакки, врач ҳам ғинг деёлмасин.

Ўйлай-ўйлай, топдим. Дарс тугашига ўн беш минут қолганда вой-войлаганча идорага чиқдим. Бахтимга директор ҳам, илмий мудир ҳам бор экан. «Нима гап?» дегандай менга қарашди. Мен яна ҳам қаттиқроқ вой-войлаб, жағимни ушладим.

— Тиш оғриғи жуда ёмон дард! Врачга кўринг.

Шифохонага бордим.

— Э, келинг, домла, нима бўлди? — деди врач.

— Вой, тишим! Вой, тишим!..

— Қани, бу ёққа ўтиринг-чи. Оғзингизни очинг.

Оғзимни катта очиб, инграй бошладим.

— Қайси тишингиз?

Нима десам экан? Умрим бино бўлиб тишим оғриган эмас. Қайси бирини олдирсам экан? Ахир биттасини суғуртирсам, уч кун эмас, бир кунга ҳам справка бермайди. Жағ тишимни олдирай десам, овқатланишим қийин, курак тишимни олдирсам оғзим ғордай ҳувуллаб қолади.

— Ҳа, домла, бунча ўй суриб кетдингиз?

— Жағ тишим оғрияпти, жағ тишим, вой!..

— Қайси томондагиси?

Қайси томонини кўрсатсам экан? Аввалдан режа тузиб кирсам-ку ҳозиргидай довдирамасдим.

— Ўнг жағимда,— дедим тавакалига. — Им-м-м...

— Пастидами, юқорисими?

Оббо жуда ҳам эзма врач экан-ку. Ўнгими, чапими, юқорими, пастими — бари бир эмасми унга. Биттасини шартта суғуриб ташлаб, уч кунгинага справка беравермайсанми, хумпар.

— Юқориси... Охирги тишим... Вой-ей...

Врач энгашиб оғзимга қаради, кичкина қошиқчаси билан тишимни роса текширди.

— Тишингиз соппа-соғ, фақат сал шамоллаган. Дори қўяман. Тузалиб қолади,— деди кейин.

Шўрим қуриди. «Тишимнинг соғлиғини ўзим ҳам билиб турибман, эзма, — дедим, ичимда. — Менга тиш эмас, справка керак! Шунга фаҳминг етмаса, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?»

— Тишимнинг сири ўзимга маълум, доктор,— дедим инқиллаб — дори билан тузалмайди. Яхшиси, суғуриб ташланг, жон ука... Вой, яна лўқиллаяпти!..

— Соғлом тишни суғурмаймиз, даволаймиз.

Врач пахтага дори томизиб, тишимга қўйди. Ишимнинг пачаваси чиқишидан қўрққанимдан яна вой-войлаб, кўзимни мўлтиратдим. Хуллас, бечора врачни соппа-соғ тишимни суғуришга мажбур қилдим. Жағимга укол қилиб, омбир билан суғурганида кўзларимдан ўт чиқиб кетди. Врач садафдек оппоқ тишимни қўлимга тутқазди:

— Икки соатгача овқат еманг. Марганцовка билан оғзингни чайиб туринг.

«Хўп, хўп» дейману икки кўзим қоғоз билан ручкада. Лекин врач ижайиб турарди. Справкага шама қилдим:

— Доктор... эртага дарсим бор ахир...

— Яхши. Оғриғи икки соатдан сўнг тўхтайди. Дарсингиз эртага экан-ку, домла?

Бало экан-ку. Судралганча чиқиб кетдим.

Эрталабгача ўй суриб, тарозининг бир палласига комиссияни, иккинчи палласига бутун тишимни қўйиб, таққослаб кўрдим. Комиссия оғриқдан зўр келди. Тишлар кетса кетсину обрў кетмасин. Гамлет «Ё ўлиш, ё қолиш!» деган бўлса, мен «Ё тиш, ё справка!» деб турибман.

Эрталаб яна врачга йўртиб бордим. Эшикдан киришим биланоқ ер депсиниб инграй бошладим.

— Келинг, домла, нима, ҳали ҳам оғрияптими?

— Оғриқ тишим қолиб, соғ тишимни суғурибсиз-ку?

— Ахир... ўзингиз айтган тишингизни олдим.

— Ўртадагиси экан. Кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим. Барака топгур, ўшанисини олиб ташланг.

Врач яна кўнмади. Мен ҳам кўнмадим.

— Суғуринг дедимми, суғуринг!

Врач йигитнинг ҳам жаҳли чиқди шекилли, яна битта тишимни минг азоб билан суғуриб ташлаб, дори қўйди-да, уч кунга справка ёзиб берди.

Айни муддао! Икки тиш билан менга бало-қазодай бўлиб кўринган комиссиядан эсон-омон қутулдим. Уч кунгача уйдан чиқмадим. Жағим шишиб кетган. Овқатни аранг ейман. Ниҳоят, уч кун ҳам ўтиб кетди. Тўртинчи куни, яъни комиссия кетади, деган куни конспектсиз, плансиз гердайиб мактабга кириб бордим. Эвоҳ! Оғиз очишга мажолим келмай, диванга шилқ ўтириб қолдим!..

Идорада ким бор экан денг! Директор, ўқитувчилар ва ҳозиргина областдан келган беш кишидан иборат комиссия аъзолари!.. Вой тишларим, вой тишларим! Эсизгина тишларим...

Акрам АҲМЕДОВ

Туркистон

ТЎИБОШИЛАР

— Сен хўжайинми, менми?

Э. РЎЗИБОЕВ чизган.

Эшматвойнинг қудоғига айтиб қўйингла-а-а-р!!!

Ақли кириб қолар, дедик, кирмаяпти —
Ўпкасини қўлтиқлабон юрар Эшмат.
Юрт ишини ҳеч назарга илмаяпти,
Дўппи қинғир, устларида эски пешмат...
Узинг кимсан, ўзлигингга боқ, дейдиган
Бир азамат чиқмаяпти биз томонда.
Эртаю кеч чойхонада ташир лаган,
Совуқ қилиқ, лабларида сохта ханда...
Жиндаккина улфатию «тамали» бор,
Беш тийин-чун дўст юзига солади чанг.
Димоғ ўлгур етти қават — амали бор —
Идорада «яшанг-яшанг», уйда тажанг.
Манфаатдор кимсаларга чўкади тиз,
Илжаяди, ўйин қилиб иржаяди.
Кўпчиликка боқмоқ учун қолмаган юз,
Кичикларга куйган калла — тиржаяди...
Қачонгача риёкорлик давом этар,
Биз томонда уни дерлар «Эски пешмат».
Айтиб қўйинг ошнамизнинг қулоғига,
Ўпкангни, ҳо-о-о-ой, босиб олгин жиндак, Эшмат!!!

МИРМУҲСИН

Кўринг

Ўхшатма

Эрта туриб ишга борай десангиз,
Йўловчилар қатор туришин кўринг.
Автобусга чиқиб олай десангиз,
Бир-бирини ҳар ён суришин кўринг!

Тиқилинчда терлаб, толар бўлсангиз,
Бир оёқда туриб қолар бўлсангиз,
Тушолмасдан, шовқин солар бўлсангиз,
Автобуснинг олға юришин кўринг!

Номард турар билет олишдан қочиб,
Писта чақар, кимдир пўчоғин сочиб,
Эл ичинда бири кўксини очиб,
Сигаретни ҳамон сўришин кўринг!

Автобусда, дўстлар, суҳбат оз бўлар,
Ҳар хил одам... Қалбда қишу ёз бўлар.
Кексаларга жой берсалар соз бўлар,
Аммо ёшлар юзин буришин кўринг!..

Оқшом яна ишдан қайтар бўлсангиз,
«Гаражга!» дер шофер, ортдан елсангиз.
Бу ҳолни бошлиққа айтар бўлсангиз,
Елка қисиб, хаёл суришин кўринг!

Муроджон РАҲМОНОВ

Баҳор айбдор

Ер билан кўк сирлашар,
Куртаклар пичирлашар —
Баҳор айбдор.

Ўн олти яшар қизлар
Ёстиқлардан туш излар —
Баҳор айбдор.

— Уйқунг қочдими, Ойхон!
— Қизиб кетдим, ойижон!—
Баҳор айбдор.

— Мунча кечикдинг, Олим!
— Автобус кутиб қолдим.—
Баҳор айбдор.

Яшил фонус остида
Бир жуфт соя рақсида —
Баҳор айбдор.

Хўроз қичқирар кезда
Соҳилда қолган изда —
Баҳор айбдор.

Нозик қўл очган дарча
Ёпиқ турди тонггача.—
Баҳор айбдор.

Бир атлас кўйлак хаёл
Шоир шеърига завол —
Баҳор айбдор.

Ҳазил аралаш

Ун учмиди ёшим, ўн тўртмиди ёшим,
Нима ҳам бўлдию айланиб бошим,
Мен сенга эгилдим — ишқнинг кўзи кўр.
Таъмсиз эди тақдир, энди сал-пал шўр.
Шукрона айтаман шунисига ҳам,
Энди ғам, шодликни кўрамиз баҳам.
Энди гоҳ шоирман — жиддий ва хушгаъб:
Пўсти арчилмаган гаплар айтаман.
Гоҳида ўзимнинг қўлимдан ушлаб,
Бир ўзим иккита бўлиб қайтаман...
Шукрона айтаман шунисига ҳам,
Биз — икки, дунё-чи, доим бири кам.
Асло айрилмасин бўйнингдан қўлим,
Эй, сарв вужудли ёзув столим!

Абдулла ШЕР



Изоҳнинг ҳожати йўқ. **В. ДУМКИН** чизган



МАТБУОТ ЧАЙНВОРДИ

1. Жанр. 2. Санъат тури. 3. Қўлёзма тайёрлаш жараёни. 4. Нашриёт ходими. 5. Туркум сарлавҳаси. 6. Муаллиф. 7. Китоб. 8. Хат боши. 9. Суратлар тайёрланадиган жой. 10. Илк бор кўрилаётган, эшитилаётган нарса. 11. Энг яқин дўстимиз. 12. Матбаа. 13. Биринчи ўзбек совет журналистларидан. 14. Воқеанома. 15. Ёзувчи 16. Асарнинг қисми. 17. Изҳор этувчи ҳужжат. 18. Ҳажв. 19. Қурол. 20. Журнал. 21. Матбуот ходими. 22. Тасвир. 23. Текст. 24. Сон. 25. Хабар. 26. Муваққат нашр турларидан бири. 27. Сўзлик. 28. Тилмоч. 29. Тиниш белгиси. 30. Ҳужжатлар сақланадиган жой. 31. Босишдан олдинги жараён. 32. Ижод маҳсули. 33. Машина. 34. Атоқли драматург. 35. Жанр. 36. Катта воқеалар тафсили. 37. Муассаса. 38. Истеъдод. 39. Даъват. 40. Лақаб. 41. Бадиий ифода. 42. Мавзу. 43. Маълумот. 44. Жанр. 45. Билимлар мажмуаси. 46. Бет. 47. Шеърий ўлчов. 48. Ўзбек совет журналистларидан бирининг номи. 49. Қаламкаш. 50. Яратиш. 51. Қурол. 52. Адабий термин. 53. Энг кичкина шеър. 54. Хабар. 55. Хаттот.

Тузувчи **А. КАЛОМОВ**

4-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Бўйига: 1. «Чапаев». 2. Отабек. 4. «Онажон». 5. Степан. 6. Салтиков-Шчедрин. 7. Реакцион адабиёт. 8. Азиз Несин. 9. «Чўри». 11. Рифъатбек. 12. Салим. 13. Бруно. 16. Ўроз. 18. Фрунзе. 19. Зосиме. 22. «Гамлет». 23. Орипов.

Энига: 3. Марта. 6. «Санжар ботир». 8. Айтбой. 10. Ласкер. 12. «Сароб». 14. Новелла. 15. «Муқанна». 17. Марго. 20. Нодира. 21. Холбек. 24. Нозим Ҳикмат. 25. Белов.

МУҚОВАЛАРДА

Биринчи ва тўртинчи бет: Юртимиз нақши. Рассом **Қобилжон Қосимов** чизган.

Иккинчи бет. Байрам тонги.

Учинчи бет. Мирзачўлга баҳор келди.

Дм. БАЛЬТЕРМАНЦ фотолари

Бош редактор — Асқад МУХТОР.
Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МЎМИНОВ, Ўктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Гулистон»— общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор **Т. БАҲРОМОВ.** Техредактор **М. ЕФИМОВА.**

Адресимиз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй индекс 700047. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33 35-90; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36 02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36 19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19; рассомлар бўлими — 33-36-59.

Босмахонага туширилди 29/IV-72 й. Босишга рухсат этилди 5/V-72 й. Қоғоз 70×108¹/₈. Ҳажми 4 босма табоқ. Р—10494. Буюртма 324. Тиражи 182785. Нашр Б-3464

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.

Баҳоси 30 тийин.
Индекс 75233.